УзССР Давлат китоб палатаси
Ин.
270596

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1996 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 24 май, № 21 (3358)

ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Латвия республикалари ўртасида ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар кенг ривожланмоқда. Ўтган йили икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 30 фоизга ошди. Айни вақтда Тошкент ва Ригада 20 дан ортиқ Ўзбекистон — Латвия қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Латвия Ўзбекистонга электротехника, атторлик маҳсулотлари, турли хил мебел етказиб берса, Ўзбекистон Латвияга пахта толаси, ипак, рангли металл экспорт қилаётир.

Ҳозирда Латвияда мингдан зиёд ўзбеклар яшайди. Улар мамлакат ишлаб чиқаришининг турли жабҳаларида жадал фаолият кўрсатиб ишламоқда. Шунингдек ўзбекларнинг маданий Маркази ишлаб турибди. Марказ латвияликлар ўзбеклар тарихи, урф-одатлари ва маданияти билан танишишларида катта вазифани бажармоқда.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун ҳар икки мамлакатда ҳам катта имконият бор. Латвия Республикаси Президенти Гунтас Улманиснинг куни кеча тугаган расмий ташрифини бу йўлда қўйилган янги бир қадам деб баҳолаш мумкин. Икки кунлик ташриф чоғида Гунтас Улманисни Республикамиз Президенти Ислом Каримов қабул қилди. Бир неча икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланди. Ушбу ташриф икки дўст мамлакат муносабатлари тарихида янги имкониятлар очишига ҳеч шубҳа йўқ.

Халқ артисти
Бернора Қориева

6-бет

АҚШДА АМИР ТЕМУР УЧРАШУВЛАРИ

Америка Қўшма Штатларининг пойтахтимиз Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳридаги Вашингтон университети мамлакатимиз билан маданий алоқалар боғлаган муҳим масканлардан бири бўлиб келмоқда. Университетнинг Яқин Шарқ тиллари ва маданияти факултетининг биринчи ва иккинчи курсларида ўзбек тили ўқитилади. Талабалар тил ўрганиш билан бирга озод Ўзбекистон билан яқиндан танишадилар. Ёз ойларида эса Марказий Осиё халқлари тиллари ва маданияти Ёзги дастури иш бошлайди. АҚШнинг турли шаҳарларидан ўзбек, қирғиз, қозоқ ва тожик тилларини ўрганишни истаган талабалар келишиб сабоқ оладилар.

Университетда ЮНЕСКО қарори билан ўтказиладиган соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тўйига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Шу муносабат билан бу ерда апрел ва май ойларида ўзига хос Амир Темур ойлиги ўтказилади. Ҳар ҳафтада бир мартадан Амир Темур ҳаёти ва даврига оид маърузалар тингланди. Профессор ва талабалар иштирок этган бу маърузалар кўпроқ Амир Темурнинг жаҳонгирлик юришларидан ҳабардор бўлган америкаликларга соҳибқироннинг шахсий ҳаёти, мамлакати, у мансуб бўлган барлос қабиласи, мураккаб даври тўғрисида маълум тасаввур ва маълумотлар берди.

Вашингтон университетида талабаларга ўзбек адабиётидан сабоқ бераётган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али «Амир Темур — тарихий ва бадиий адабиётларда» мавзуида маъруза қилиб, Амир Темур ҳақида ёзилган асл манбалар ва уларга муносабат, соҳибқирон сиймосининг бадиий адабиётда яратилиш тарихига оид фикрлари билан ўртоқлашди, ўзбек адабиётида Амир Темур ҳаётига бағишлаб ёзилган ва ёзилаётган янги асарлар хусусида гапириб берди. Фулбрайт фонди совриндори, Вашингтон университетида илмий тадқиқот олиб бораётган Тошкент Шарқшунослик институти профессори Озод Шоматов темурийларнинг Ҳиндистондаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди. Амир Темур ва унинг даври Ғарб олимлари нигоҳида мавзуида сўзлаган профессор Илза Сиртаутас таниқли ғарб олимларининг ёзган китобларини шарҳлаб, улардан турли мисоллар келтирди ва Амир Темурнинг шахсий ҳаёти, унинг бир инсон сифатидаги ҳаёти мени жуда қизиқтиради, деди.

Германиянинг Мюнхен шаҳридан келган ва бир пайтлар «Озодлик» радиосида Атилла Бойқаро номи билан чиқишлар қилган машҳур профессор Қавомиддин Барлос «Амир Темур қабиласи. Барлослар» деган мавзуда гапириб, барлосларнинг Амир Темур давлатида тутган мавқеи, қабила тарихи, турмуши тўғрисида қизиқ маълумотларни айтди. Вашингтон университети аспиранти Кенли Батлер ўз маърузасини испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихонинг Амир Темур саройига ташрифи ҳамда унинг ажойиб кундаликларига бағишлади. Шу куни Вашингтон университети докторанти Каган Арик Амир Темур ҳақида ўзи басталаган «Амир Темур» куйини завқ билан ижро этди. Шунингдек, у соҳибқирон ҳақида инглиз тилида эстрада учун бир қўшиқ ҳам ижод этганлигини маълум қилди.

Амир Темур ойлигининг якунловчи кунида барча қизиққанлар томоша залига йиғилдилар. Тошкентдан келтирилган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўрт йиллигига 1995 йил 1 сентябрда Тошкентда Мустақиллик майдонида бўлиб ўтган байрам шодиёналари видеокассетаси намойиш этилди. Амир Темурнинг мустақил Ватанида юз бераётган тантаналар ўтирганлар руҳига ҳам ўтгандай бўлди. Икки ярим соат давом этган байрам шодиёнаси ҳаммада ёрқин таассурот қолдирди ва Ўзбекистоннинг бугунги турмуши, Амир Темур тўйи ва бошқа мавзулардаги савол-жавобларга айланиб кетди.

Вашингтон университетида ўтказилган соҳибқирон Амир Темур учрашувлари мустақил Ватан — Ўзбекистонимизни америкаликларга яқиндан таништиришда қўйилган қутлуғ қадамлардан бири бўлди.

ДИЛИМИЗДАГИ ГАП

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, шаҳарларда кўплаб саноат корхоналари, тиббиёт иншоотлари, мактаблар қурилди. Лекин бу иш қишлоқларда бироз суст олиб борилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор албатта. Кейинги пайтлардаги айрим қийинчиликлар сабабли қишлоқларда мактаблар, шифохоналар қуриш бироз камайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори кўпчиликнинг дилидаги иш бўлди.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Келажак эса ёшлар қўлида. Шундай экан, мактаблар, тиббиёт иншоотлари қурилиши доимо биринчи галдаги вазифа бўлиши керак. Ишончимиз комилки, ҳукуматимизнинг бу қароридан сўнг қишлоқларимизда ижтимоий инфраструктуранинг ривожланишига эътибор яна ҳам кучаяди.

Азимжон БЕКМИРЗАЕВ,
Бўз туманидаги 2-ўрта мактаб директори

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

ҚЎШИҚ — ХАЛҚ РУҲИ

«Ўзбекистон — Ватаним маним» шиори остида ўтаётган қўшиқлар кўрик-танлови мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Танлов эълон қилинганидан бери ўтган қисқа вақт ичида қўшиқнавис шоирлар, мусиқачилар ва ижрочилар ҳамкорлигида юзлаб янги асарлар яратилди. Ҳакамлар ҳайъати 10 мингдан ортиқ қўшиқ тингладилар, туман, шаҳар ва вилоят босқичларида 54 минг киши иштирок этди. Бу — мазкур танловнинг чинакамига оммавий тус олганлиги далолатидир.

23 май куни Президент девонида бўлиб ўтган йиғилишда танловнинг якунловчи босқичини ўтказиш билан боғлиқ ижодий ва ташкилий масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Танлов таъсисчилари, вазирликлар, ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари, ташкилий қўмита аъзолари, мутахассислар, мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган бу муҳим тадбирнинг аҳамияти, дастлабки натижалари, уни халқимиз маданий ҳаётидаги энг қувончли байрамлардан бирига айлантириш лозимлиги тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Айни кунларда кўрик-танлов ташкилотчилари якунловчи босқични юксак бадиий-ташкилий даражада ўтказиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Ташкилий қўмита, Маданият ишлари вазирлигининг ижодий-ташкилий гуруҳи ишлаб турибди. Йиғилиш қатнашчилари ўз сўзларида бир неча муҳим таклифларни ўртага ташладилар. Жумладан, кўрик-танловда ғолиб деб эълон қилинган, совринли ўринларни эгаллаган асарларни тингловчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш лозим. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин яратилган, оммавий халқ байрамларида ижро этилиб, эл-юрт эътиборига тушган энг сара қўшиқларга, уларнинг яратувчилари ва ижрочиларига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Давлат Матбуот қўмитасининг мустақиллик йилларида яратилган ва танлов босқичларида юксак баҳоланган қўшиқларни алоҳида китоб қилиб чоп этиш таклифи диққатга сазовордир. Бунда, айниқса, болалар, аскарлар, ёшлар қўшиқларига алоҳида эътибор бериш лозим бўлади. Чунки турли хор жамоалари, ижодий коллективлар, яккахон ижрочилар ва яна мусиқа билим юртлари, мактаблардаги ҳаваскорлик тўгараклари учун айни шундай тўплам ниҳоят зарур.

Йиғилишда республика телевидениеси ва радиоси, оммавий ахборот воситалари зиммасига якунловчи босқични кенг ва тўлақонли ёритиш вазифаси юкланди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев олиб борди.

ХАЛҚАРО КЎРИК СОВРИНДОРИ

Яқинда Украина Республикасининг Запороже шаҳридаги Глинка номли концерт залида ёш скрипкачиларнинг Халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу кўрик-танловда Украина, Белорусcия, Арманистон, Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистондан 58 қатнашчи ўз санъатларини намойиш қилдилар. Танловда Ўзбекистондан борган Глиэр номидаги мусиқа мактаб-интернати талабаси, 12 ёшли Маргарита Казасянц ва унинг устози, мазкур танлов ҳайъати раиси, доцент Баҳром Қурбонов қатнашдилар. Маргарита Казасянц танловда совринли ўринни эгаллашга мушарраф бўлди. Ғолиблар дипломлар ва мукофотлар билан тақдирландилар.

Г. ҚУРБОНОВА

СУРАТДА: М. Казасянц

СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ДАЪВАТИ

Эртага сўнгги қўнғироқ чалинади... У бизни нимадандир огоҳ этаётгандай... қулоғимиз остида озгина акс-садо бериб туради.

Катта ҳаёт остонаси... Мактаб ҳовлисига тўпланган ўқувчилар учун шўхлик, бахтиёрлик билан хайрлашиш ҳамма нарсадан кўра оғирроқ. Бугун мактаб билан, аниқроғи, Болалик билан хўшлашадиган кун. Юракларда ҳаяжон оқади...

Мана, сўнгги қўнғироқ чалинди. Бу ҳаётга чалинаётган илк қўнғироқмикан? У қисқа вақт ичида нималар ҳақида сўзлади? Ҳаммамиз ҳам бирдек тушундикмикан? Сўнгги қўнғироқ фақатгина дарсларнинг тугагани-ю, имтиҳонлар палласи етгани ҳақидагина сўзламаяпти... У бизга ҳаёт дарслари олдинда эканлигидан, ҳақиқий синовлар энди бошланажагидан дарак бераяпти.

Сўнгги қўнғироқ балоғат пиллапоясидаги укаларимиз, сингилларимизни ҳаётга чорлайди. Ҳаёт дарсларига қулоқ тўтишимиз зарурлигини уқтиради. Ҳа, қўнғироқ қайноқ турмуш, инсоний ижод сари чорлаяпти.

Мактаб даври тугаган укажонларим, сингилжонларим! Тўхтанг, бир дақиқа қулоқ тутинг — Сўнгги қўнғироқ чалиняпти. У Сизни нимадандир огоҳ этиб... нимагадир ундаяпти. Жамики катта-кичик танаффуслар ҳурмати, шўхлик, оловлик ҳамда беғуборлик ҳаққи, Сизнинг зиммангизга юрт ва миллат шанини ҳимоя этиш юкланган. Заминдан самовот қадар сирли ва сеҳрли ҳодисалар ечимини англаш, инсоният бахти, иқболи учун курашиш ҳисси руҳиятингизга нур каби сингсин... Озод юртнинг довруғини етти иқлимга тарқатиш қудрати бор Сизда. Аждодлар чироғини ёқиш, юксак келажак тоқига нарвон қўйиб, Улуғбек юлдузлари сари улғайиб борасиз.

Ҳазрат Навоийнинг кўнгил сабоқлари башарий эътиқод ҳикмати сандиғига калит бўлади.

Бу калит Сизнинг қўлингиздадир... Ҳа, ... Қўнғироқ чалиняпти...

Бу қўнғироқ Сизни эзгуликка чорлаяпти.

Хосият РУСТАМОВА

●

Сўнгги қўнғироқ арафасида пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 126-мактабда ёзувчи Тоҳир Малик билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Майсара Орипова очди. Сўнг Т. Малик бугунги бозор иқтисоди шароитида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг вазифалари, китобларнинг яратилиш тарихи ҳақида гапирди. Ўқувчиларнинг саволларига жавоб қайтарди. Учрашув сўнггида мактаб директори Абдулвосит Каримов ёзувчига мароқли суҳбат учун миннатдорчилик билдирди.

СУРАТДА: учрашув пайти.

ЭҲТИРОМ

«Баҳор» концерт залида ўзбек халқининг ардоқли шоираси Саида Зуннунованинг 70 йиллигига бағишланган тантанали адабий кеча бўлди. Уни Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева бошқарди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймон, шоира Турсуной Содиқова, таниқли адабиётшунос олима Фозила Сулаймонова, шоир Тўлан Низом ва бошқалар сўзга чиқиб, Саида Зуннунова хотирасини ёд этдилар, шоирлар унга атаб битилган достон ва шеърларидан намуналар ўқидилар.

Санъаткорлар Саида Зуннунова шеърларига басталанган қўшиқлар билан адабий кеча файзига файз қўшдилар.

Маросим якунида шоиранинг умр йўлдоши, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад сўзга чиқиб, ушбу тантанали анжуманни уюштирган ва унда иштирок этган барчага юксак эҳтиромлари учун ташаккур билдирди.

Бизнинг шарҳ

УЙҒОҚ РУҲЛАР ДАЪВАТИ

Ёз нафаси сезилиб қолди. Кўнгил беҳудуд кенгликларни қўмсайди. Тор фикрлар чарчатган кезлар осмонталаш тоғлар қошига энтикиб борасиз. Улар бағридан гувлаб оққувчи дарёлар бўйидан ором истайсиз. Руҳингиз абадиятга ошно тутинади. Бу хилқатлар хаёлингизни бир зумгина замин ва замон ташвишларидан фориғ этгандай бўлади. Бир зумгина. Сўнг... XX аср охиридаги нотинч дунё Россиядаги сайлов тайёргарлиги... заминнинг сўлим гўшалари узра сочилиб ётган хавфли чиқиндилар, ёнаётган ўрмонлар, жабрдийда Орол кўз олдингизга келади. Наҳотки, шўролар даврида бирорта муқаддас нарсанинг ўзи қолмаган бўлса?!

Саволлар...

Яқинда Тошкентдаги «Дийдор» фирмасининг кўргазмалар марказида сиэтллик машҳур фотосанъаткор Рей Мйюзнинг суратлари намойиш этилди. Ҳам рангли, ҳам оқ-қора тасвирларда катта ҳажмларда туширилган бу суратлар одамни тамоман сеҳрлаб қўяди. Аввало, сизни санъаткорнинг нигоҳи сеҳрлайди. Табиатнинг мўъжизалари, бетакрор манзараларини ҳам санъаткор, ҳам файласуф кўзи билан кўра олган ва уларни жамики инсонларга «ҳадя» этган сурат устасининг қалб шуури ҳам уларга уйғунлашиб кетгандай. Калифорниянинг кўм-кўк қирликлари, улар тепасида кўзга элас-элас ташланаётган шамол электр станциялари... Тоғлар тепасида осилиб турган оппоқ булут, муз қоялар, шаршаралар, тоғ довонлари, Гренландия музликлари... ва бирдан XX асрнинг шов-шувли улкан шаҳарлари. Санъаткор Ғарбда урф бўлган яланғоч аёл гўзалликлари, уларнинг турли муқомларини плёнкага муҳрлаб кўз-кўз этаётгани йўқ. Ёки табиат манзаралари, мўъжизаларини «кўриб қўйинг, завқланинг, қандай ажойиб-а» ҳам деяётгани йўқ. Суратларни бир-бирига қиёслаб, сиз ўз-ўзингизга савол бераверасиз. XXI аср цивилизацияси бу мўъжизаларни сақлаб қола оладими? Умуман, баногоҳ ўзини англаб етган инсоният янги асрда нимани муқаддас деб билади?

Яна саволлар...

XXI аср бўсағасида жаҳоннинг уйғоқ одамлари ҳаёт-мамот саволларига жавоб излаётган бир пайтда Россия коммунистлари яна «тожу тахт» даъвоси билан аёвсиз курашга енг шимариб киришиб кетганлар. Дунё бу савдога ҳайрат ичра боқиб турибди. Қўйиб берсанг жаҳонни яна ўз таъсирига олишдан ҳам қайтмайдиган бу оломоннинг етмиш йил ичида кўрсатган «ҳунар»ларини ҳали жаҳон айтиб адоғига етмаган экан. Кун сайин болшавойларнинг янги-янги кирдикорлари аён бўлиб бормоқда. Биз шу чоққача табиатнинг олтин занжирларидек мутаносиб экология мувозанати бузилганлиги, дарёлару денгизлар қуригани, одамлар устига заҳри қотиллар сочилганини билар эдик-у, бироқ табиатнинг энг гўзал жойларига ядровий чиқиндилар биров билмас тарзда тўкилишини хаёлимизга ҳам келтирмасдик. Яқинда «Время»ва «Вести» программалари бундай жойларнинг аниқ манзилларини айтди. Бундай жойлар Россиянинг ўзидагина эмас, бизнинг Марказий Осиёда ҳам анча-мунча экан. Замин бағридаги бу жароҳатлар ўз-ўзидан бўлгани ёки осмондан тушгани йўқ. Уларни Аллоҳ таоло ўз бандаларига раво кўрмаган. Етмиш йил сохта шиорлар билан бутун инсониятни чалғитиб келган даҳрийлар эса бундай «тилсиз ёв»ларни ҳеч кимдан тап тортмасдан ўз халқига раво кўраверган экан. Демак, улар учун умуман муқаддас нарсанинг ўзи бўлмаган экан-да! Ахир заминни бу ифлос чиқиндилар, нораволиклардан тозаламоқ учун, табиатни соғайтирмоқ учун озмунча маблағ, озмунча куч-ғайрат керакми? Мутлоқ ҳокимлигидан фойдаланиб бундай «тилсиз ёв»ларни дуч келган жойларга, кўп ҳолларда умуман тўкиш мумкин бўлмаган жойларга яширинча кўмиб юбораверишган ва бу билан инсоният олдида мудҳиш жиноятларга қўл урганларни бугун ким деймиз?

Россия матбуотининг ёзишича, жаноб Геннадий Зюганов ҳали ўзининг сайловолди дастурини эълон қилмабди. Эҳтимол, собиқ КПССчиларнинг ҳавойи иддаолари фош бўлиб, кескин танқидга учрамаслиги учун шундай йўл тутилаётгандир. Бироқ уларнинг хомтамаликларини ҳамма шундоқ ҳам айн кўриб турибди-ку! Собиқ мустабид тузумни тиклашга уринаётган кимсаларга рус демократлари миллатнинг виждонини уйғотиш орқали гов қўйилик демоқдалар. Андрей Сахаров илгари сурган ҳақиқатлар тимсолида миллатнинг виждонини уйғотишга кучли эҳтиёж баралла намоён бўлаётир. Жаҳоннинг умиди ҳам шунда. Бироқ бир томонда ана шу — миллат виждонини уйғотишга даъват, иккинчи ёқда эса Чеченистон узра вайронагарчиликлар... тўкилаётган қонлар. Рамазон Абдулатиповнинг ойнаи жаҳон орқали айтган бир гапи барибир ҳушёрликка ундайверади: Россияга Чеченистоннинг ҳудуди, тупроғи, замини керагу, унинг халқи, жабрдийда одамлари керак эмасми?» Наҳотки, халқнинг ўзи эмас, унинг ҳудудини қўлдан чиқармаслик учун шунча қон тўкиш шарт бўлса?! Наҳотки, буни соғлом мантиқ билан оқлаб бўлса?! Бу виждонни уйғотишга даъват этилганлар учун икки хил қиёфа, икки хил мантиқ, номутаносиблик бўлиб туюлмайдими?

Яна саволлар... Ҳар ҳолда биз Президент сайлови масаласида энг тўғри йўлни танлай олган россияликлар бу масаланинг ҳам бирдан бир соғлом мантиқли ечимини топа оладилар деб умид қиламиз. Зеро бизнинг озод ва ҳур мамлакатимизда бўлгани каби Россиянинг ўзида ҳам онг ва шуурларини мустабид тузум оғуларидан тозалаётган кучлар оз эмас.

Биз шу чоққача руҳиятимизни турмуш тарзимизга, удумларимизга ёт чирмовуқларидан тозалаш учун курашаётган эдик. Тупроғимиз, сувимиз, заминимиз, ҳавомизни поклаш учун озод Ватаннинг ҳақиқий эгалари сифатида ғамхўрликлар кўрсата бошладик. Энди нафақат руҳиятимиз, эътиқодимиз, иймонимиз, шу билан баробар тоғларимиз, чўлларимиз, денгизларимизни ҳам яқин ўтмишдаги сохта тузум ёсуманлари сочган бало-қазолардан поклаб олишимиз зарур бўлиб турибди.

Бинобарин, юрт озодлиги боис мустабид тузумнинг ғоявий ақидаларидан онгимиз ва руҳимизни тозалаётган эканмиз, энди бутун вужудимизни, она табиатимизнинг ҳар қарич тупроғини тоғу тошларимизни ҳам улар кўксига инган ғуборлардан поклашимиз ҳам фарз, ҳам қарздир. Бунинг учун эса миллатимизнинг, озод Ватан фуқаросининг виждонини уйғотмоғимиз, қалбимизда буюк даъватлар билан яшамоғимиз керак. Улуғ боболаримиз уйғоқ руҳлари биздан шуни кутади.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Бизнинг шарҳ

Абдулла ҚАҲҲОР:

МУБОРАК КУНЛАРГА ЕТИШГАНИМИЗДА...

Вақт дарёдай оқиб ўтаверади, замонлар алмашиб, ўзгаришларга юз буради. Бироқ ўзлуксиз эврилишлар жараёнига бўй бермай, аслини йўқотмай келаётган қадриятлар бор. Шуни назарда тутибми, халқимиз: бу дунёда Ботирнинг шавкати, Дононинг сўзи қолади, дейди. Доно адибимиз Абдулла Қаҳҳордан ҳам Сўз қолди. Бугун атоқли ёзувчининг ижодига қарашлар ҳар хил ва бу табиий. Аммо унинг ижодий маҳорати бугун ва эртанги кунда нафақат ёшларга, балки ўрта яшарларга ҳам сабоқ бўларлик.

Устоз ёзувчининг адабиёт, санъат масалаларига доир мақолаларидан танлаб олинган қуйидаги парчалар бир жиҳатдан ажабланарлидир: Абдулла Қаҳҳорнинг ўнлаб йиллар аввал бирор-бир муносабат билан билдирган ушбу мулоҳазалари беихтиёр бугуннинг муаммосини ифодалаб турибди. Шу боисдан ҳам адибнинг мумтоз бадиий асарлари билан бирга адабий ўгитлари ҳам бизнинг фаолиятимизга ҳамон кўмак бериши, тўғри йўлни кўрсатиши боис ғоят аҳамиятлидир.

Абдулла Қаҳҳорни хотирлаш учунгина эмас, сабоқ учун, тажрибаларидан илҳом, жасоратидан намуна олиш учун ўқиб туришимиз зарур. Ўзининг халқ қалбига чуқур кириб борган ҳикматли ўктам сўзлари билан адиб ҳамиша ижодкорлар аҳлининг қалб тўрида, эътиборидадир.

● 20-30-йилларда жуда кўп киши адабиётга қадам қўйган эди, улардан чинакам истеъдод эгалари адабиётда мустаҳкам ўрин ишғол қилди. Булар адабиётимизнинг донғини чиқарди, бизда йўқ жанрларни эгаллади, тилимизни бойитди. Пушкин, Толстой, Шекспир, Лопе де Вега сингари жаҳон гигантларининг асарларини таржима қилишга қодир ва қобил қилди. Ҳозирги оқсоқолларимиз бунёд этган янги адабиётимиз иттифоқ халқларининг бойлиги бўлиб қолди.

Бироқ ўша вақтларда қўлига қалам олган кўпгина одамларнинг умумий савияси паст эди. Бировлар рус тилини билмаганлари сабабли рус ва жаҳон классикларидан баҳра олиш имкониятидан маҳрум эди. Лекин ўқиш-ўрганиш машаққатларига тоб берган, қунт билан маданиятини оширган кишилар муродига етди.

● Энг яхши томоша бўлмаган драма, қўлга олиш билан жозибасига тортиб кетмайдиган адабий асар яхши нарса бўлмайди. Агар бирон ёзувчи асарнинг шу томонига эътибор қилгани эринса ёки эринмагани тақдирда ҳам удда қилолмаса-ю ўзининг ожизлигини, масъулиятсизлигини «мазмун», «олижаноб мақсад» иборалари остига беркитса, санъатни, энг муҳим тарбия қуролини бебурд қилган бўлади.

● Асарни қайта ишлаш деган гапга мен тушунмайман. Агар бирон асар қайта ишлашга муҳтож бўлса, шу материал асосида бошқа асар ёзиш керак экан деб тушунаман.

Яхши асар илҳомнинг натижаси, илҳом ҳис қилишнинг натижаси дедик. Ҳис қилиш учун ёзувчи ўшани бошидан кечириши шартми? Агар шарт бўлса Толстой ҳеч қачон «Анна Каренина»ни ёзолмас эди. Чунки Толстой ҳеч вақт хотин киши бўлиб кўрган эмас.

● Асарга баҳо берилганда унинг қалин ёки юпқалигига, уни ким ёзганлигига, ҳатто нима мақсадда ёзганлигига эмас, ундаги образларга қараб баҳо берилса, яхшироқ бўлади. Шунда асарга катта адабиёт чўққисидан қараб баҳо берилган бўлади, «маҳаллий аҳамиятга эга бўлган» асарлар китобхонлар кўзида адабиётнинг қадрини туширмайди. Шунда асарга баҳо беришда юз-хотир, ғараз, ҳасад, лаганбардорлик сингари иллатлар адабиётга йўл тополмайди.

● Рассом бозорда бўялган чиптага ғознинг сурати солинган маҳсулотни кўрса ғаши келади, ор қилади. Ҳайкалтарош бозорда — чайқовчининг қўлида бўрдан ясалиб, у ёқ-бу ёғига қора бўёқ суртилган мушукни кўрса ғаши келади, орияти қўзғайди. Биз нега адабиётда шунақа ғозлар, шунақа мушукларни кўриб, ор қилмаймиз. Замон мавзуида ёзилган кўп ашулаларнинг тексти бозордаги чайқовчи санъаткорнинг ғози-ю мушугидан ортиқми?

● Чиройли лоф-қофдан хунук ҳақиқат яхши: анча усган, ютуқларга эга бўлган ҳозирги болалар адабиётининг даражаси, савияси унинг ёшида турган талаблар, вазифалар даражасидан хийлагина паст. Адабиётимизнинг ҳозирги даражасини кўзда тутганда, бу нарса жуда билинади.

● Катталар учун ёзилган китобда йўл қўйилган хатони тузатиш мумкин, лекин болалар учун ёзилган китобда кетган хатони тузатиб бўлмайди, бу хатодан болани огоҳлантирилса, хато унинг зеҳнига чуқурроқ ўрнашади.

● Саҳнада юрган, гапираётган, танқидчилар айтмоқчи, «тўқнашувларда характери очилаётган» одамларнинг кўпи ижобий образлар. Спектаклга ёзилган тақризда ҳам шу нарса қайд қилиниб: «Спектакл қатор камчиликлари бўлишига қарамасдан, ўзининг ижобий ролини ўйнайди», дейилади.

Бу ҳам тўғри.

Лекин ўзи нима гап, сохт-сумбати, лаб-даҳани жойида, ижобий хислатлари етарли бўлган ижобий образлар нима учун томошабинни мафтун қилмайди, нима учун унинг жозибаси, меҳригиёси йўқ?

«Ўзи хунугу истараси иссиқ, ўзи чиройлигу сухтаси совуқ», деган гап бор. Афтидан, ҳамма гап мана шунда.

● Бизнинг баъзи бир нўноқ ташвиқотчиларимизнинг гаплари ҳаддан ташқари юзаки, ҳаддан ташқари совуқ, ҳаддан ташқари «вазифашунослик» асосида бўлади. Улар пропаганда минбарига чиққанида ўзини «вазифа минбарида» ҳис қилади. Билимини, юрагидаги дардини шапкаси билан бирга столга қўйиб чиқади. Ўз-ўзидан чиқариб ҳеч нарса айтмайди. У нотиқликнинг ҳамма қоидаларига риоя қилиб, «мафкура майдони»нинг ҳамма «паст-баланд»ларини эътиборга олиб сўз бошлайди.

● Ким билади, бу ерда кимлар ўтирипти экан! Ҳали чиқиб ўз асарларини ўқиб берадиган ёки кейинги шунақа йиғилишларда ўқигани навбат кутиб турган ёшлар орасида ўз замонасининг Навоийси, Пушкини бўладиган одам йўқ деб ким айта олади? Агар бўлса бир-иккитамикан?

Ўша муборак кунларга етишганимизда бугунги ва шунга ўхшаган бошқа йиғилишларимизни ўз замонасининг Навоийси, Пушкини бўлиб қолган одамлар ҳам эслайди, бу ерда унинг биринчи парвозини кўрган одамлар ҳам эслайди.

Ўшандай муборак кунларга етишишга умидимиз катта. Умид қилиш учун ҳамма шарт-имконият мавжуд: талантимиз бор, талантни халқимиз бағрининг ҳарорати билан ундиради, ўстиради. Лекин талантни ўстириш аввало талант эгасининг ўзига боғлиқ.

«ЎЛ»НИ ЎЛУҒЛАБ

«Ўл» нима? Бу сўз «қўл», «йўл», «ол», «ўз» каби қадим туркий сўзлардандир. Мазкур сўзўзак «базис», «асос», «таянч», «суянчиқ», «ўғил» сингари бир қанча маъноларни англатади. Масалан, «улини қўз еди» деган туркий ибора бир йўла «базиси ёмирилди», «асоси йўқолди», «тинчдан ажради», «суянчиқдан жудо бўлди», «ўғли касалга чалиниб ўлди» маъноларини англата олади. «Ўл» ўзагига қурилган сўзларда яна-да антиқароқ ҳолни кўрамиз. Масалан, ҳудди «қўл», «йўл», «ол» сўзларидан «қўлқоп», «йўлчи», «олма», «ўзум» сўзлари ясалганидек, «ўл» сўзидан, дейлик «ўлтон» ясалган бўлиб, бу сўз бир қарашда бутунлай янги «пой-патак» маъносини ҳам англата олади. «Ўзга юртда султон бўлгинча, ўз юртингда ўлтон бўл», деган қадим туркий мақолида «ўлтон» сўзида бошқа маъноларнинг қаторида, айни шу маъно яқ-қол англашилиб туради.

«Ўл» ўзагининг бошқа бир ўзакка қўшилиши натижасида ҳосил бўлган қадим туркий сўзлар — қўшма сўзларнинг пурҳикматлигига, туркий тил имкониятларининг нақадар чексизлигига қойил қолмаслик амримаҳолдир. Масалан, «ул» ўзагининг «ов» ўзагига қўшилиши натижасида ҳосил бўлган икки сўзни («овул» ва «улов») олиб, бу сўзларнинг туб луғавий маъноларини салмоқлаб қарант! «Овул» нимаю «улов» нима?.

«Овул» бугунги кунда биз қўллайдиган «қишлоқ»қина эмас, аввало «овнинг асоси, ов олиб келинадиган қўнимгоҳ», демак. «Овул» сўзининг туб луғавий маъноси шудир. «Улов» эса «транспорт воситаси»гина эмас, биринчи галда «овнинг таянчи, овга олиб борадиган жонивор», демакдир. Қадимда туркий халқлар овулговул бўлиб яшаганлар. «Овга от, туя, хачир, эшак каби уловларни миниб чиққанлар. Ҳар ун-ун беш овул аҳлининг ов қиладиган ўз майдони бўлиб, бу майдон «овдон» деб аталган. Шунга асосланган ҳолда, масалан, қозоқлар, «район» сўзини «аудан», яъни «овдон» деб тўғри таржима қилдилар.

СЎЗ-ХАЗИНА

Маълумки, муаззам Шарқда қадим-қадимдан туркий тил аввало ҳарбий тил сифатида довруқ қозонган. Она тилимиздаги ҳарбий атамаларнинг энг қадимгилари эса «ул» ўзагига қурилган: «баковул», «ясовул», «шиғовул», «ҳировул», «қирғовул»... Афсуски, биз бугунга келиб бу ҳарбий атамалар англатувчи туб луғавий маъноларни унутиб қўйдик. Ҳолбуки, баковул, аниқроғи «баковул» овулга ҳам, уловга ҳам, овга ҳам, улга ҳам боқувчи, эгалик қилувчи, улар устидан назорат ўрнатувчи, демакдир. Усмонли турклар биз ҳозирда тушунадиган «министр» ё «вазир» сўзлари ўрнида «боқон», яъни боқувчи, жумладан, бош-қош сўзини қўллашлари бежиз эмас. «Ясовул» эса, ясоқ, яъни ов учун керакли қурол-аслаҳа эгаси бўлса, «шиғовул» — ҳозирги «разведкачи», «қировул», бошқача айтганда, «қоровул» овулга қирда туриб қаровчи, овулга пойлоқчи сифатида уни ташқи душмандан ҳимоя қилувчи, демакдир.

«Ул» ўзагига қурилган туркий сўзлардан яна бир жуфти «улус» ва «улуғ»дир. Маълумки, «улус» «эл», «халқ» ва «миллат» тушунчаларини ўзида мужассамлаштирган сўз бўлиб, унинг туб маъноси «улга эга қавм», демакдир. Бинобарин, ҳар бир халқ нақадар мустаҳкам, қўз емас, улмас-йитмас улга эга бўлса, шу қадар улуғлик касб этади. Ўз халқининг мустаҳкам улини теран идрок этган асл фарзанд ҳам ҳудди «Тург улус тарихи»ни битган Мирзо Улуғбекка ўхшаб, том маънодаги улуғлик касб этади. «Ули бор ул ўттизида бош бўлар, ули йўқ ул олтмишида ёш бўлар», деганларидек, ана ўша мустаҳкам ул соҳиблари бўлмиш улуғларни халқимиз қадим-қадимдан яна-да қисқа, лўнда, қурч ва пурҳикмат сўз билан таърифлагандир: «ўлли — ёшулли».

ОТАУЛИ

ИШБИЛАРМОН БИЛАН УЧРАШУВ

Шу йил 17 май куни Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигида Франциядан келган меҳмон, жаноб Жорж Бумендил шарафига қабул маросими бўлиб ўтди. Республикамизга Француз ишбилармон диораларининг ҳамда ЮНЕСКОнинг вакили сифатида ташриф буюрган Жорж Бумендил ҳозирги кунда Франциядаги йирик компаниялардан бири бўлган «Рон-Пуленк-Рорер» фондининг котибидир.

«Рон-Пуленк-Рорер» фонди қишлоқ хўжалиги, кимё саноати ва бошқа соҳаларда ёш олимларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жорж Бумендил Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Францияга қилган расмий ташрифи чоғида унинг Франция ишбилармон диоралари вакиллари билан учрашувида қатнашган. У маданий мерос масалаларига ниҳоятда катта эътибор билан қарайди. Шунинг учун ҳам вазирликда ўтган суҳбат чоғида ўз компаниясининг жуда кўп жойларда, хусусан, Италия ва Вьетнам мамлакатларида маданий ёдгорликларни таъмирлаш, сақлаб қолиш юзасидан олиб борган ишлари хусусида сўзлаб берди. Ўзбекистонга ҳам худди шу масалада ёрдам бериш ниятлари борлигини айтди.

Суҳбат асносида Шаҳрисабздаги «Оқсарой» ёдгорлиги ҳамда Хивадаги Жомеъ масжидини таъмирлашда ҳамкорлик қилиш хусусида сўз борди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири уринбосари Баҳодир Абдураҳимов иштирок этди.

Ўзбекистондаги сафари чоғида Жорж Бумендилга ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон республикаси Миллий Комиссияси ходими Қодир Жўраев ҳамроҳлик қилмоқда.

ТЕСТ СИНОВДАН ЎТДИМИ?

Мана, тўрт йилдирки, Республикамиз олий ўқув юртларига қабул синовлари тест услубида ўтказилаяпти. Хўш, у ўзини оқладими? Таъбир жоиз бўлса, тестнинг ўзи синовдан ўтдими? Тўрт йиллик тажрибанинг иштирокчиларидан бири сифатида бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларимизни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этмоқчимиз. Зеро, мазкур мавзу ижтимоий, балким истиқбол нуқтаи назаридан сиёсий аҳамиятга моликдир.

Тест —инсонга ато этилган заковат меваси, жамият тарихининг маълум босқичида тараққиёт тақозоси билан қилинган ихтиро. Дастлаб АҚШда аҳолини рўйхатга олишда татбиқ қилинган. Ҳозир ривожланган мамлакатларда бозор конъюнктурасидан то демографик жараёнларни ўрганишгача, оила қуришдан то омманинг кайфиятини аниқлаш ишларигача тест қўлланилади. Қолаверса, турли қуламдаги сайлов ва референдумларни ҳам туб моҳияти билан тест дейиш мумкин.

Қабул имтиҳонларида тестдан асосий мақсад — абитурентларнинг билимини тўғри баҳолаш. Айни шу хусусият тест услубининг Республикамиз олий ўқув юртларига қабул синовларига жорий қилинишига сабаб бўлди. Бунга эҳтиёж бормиди? Ҳеч иккиланмай жавоб бериш лозимки, эҳтиёжгина эмас, жуда ўткир зарурат бор эди.

Тарихимизнинг совет даврида республикада фан ва маориф соҳасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилгани тайин. Хусусан, олий таълим тизими вужудга келди, фанлар академияси ташкил топди ва улғайди. Республикада илмий-техника тараққиёти учун муҳит вужудга келди. Айни шу даврда кўплаб атоқли олимлар, конструкторлар етишиб чиқди. Улар тест топширмаган, албатта, анъанавий услубдаги қабул имтиҳонларидан ўтиб, олий ўқув юртларига киришган.

Фақат 70-йилларга келиб қабул имтиҳонлари аста-секин бузила бошлади. Қабул жараёни имтиҳонлар ҳам, мандат комиссияси ҳам таниш-билиш, қариндош-уруғлик, протекция, коррупция ботқоғига ботди. Ўқишга кириш ёшларнинг ишидан кўпроқ ота-оналар ташвишига айланди. Таътил берилишидан қатъий назар ҳар ёзда юз минглаб ота-оналар ўз фарзандларини олий ўқув юртига жойлаш билан эшик қолиб тешик излаш билан овора бўлдилар. Охир-оқибат қабул имтиҳонлари хўжа кўрсин тадбирга айлана борди. Худди шу даврда маълум ва машҳур «ректор рўйхати» ихтиро қилинган эди. Бу рўйхатга тушганлар имтиҳонлардан ҳам, мандатдан ҳам сип-силлиқ ўтар эди. Лекин, бу умуман қабул сип-силлиқ ўтар эди, деган сўз эмас; ундан сўнг шикоятбозлик, асаббузарлик даври бошланар эдики, буни кўпчилик бугун унутди.

Албатта, айтилган нохуш ҳодисанинг қўлами турли ўқув юртлари ва турли мутахассисликларда турлича бўлган. Лекин жамоатчиликка сир эмаски, «ректор рўйхати» режада белгиланган ўринлар сонидан ортиб кетган ҳолатлар ҳам учрар эди. Бундай ҳолларда режага тузатиш киритилган пайтлар ҳам бўлган.

Қабул тизими айнишининг туб сабабини ўша пайтда ҳукмрон бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик услубидан излаш лозим: жамиятда билим ва малакадан кўпроқ дипломли бўлишга социал заказ вужудга келган ва диплом учун ўқиш, ўқитиш асосий мақсадга айланган эди.

Бу айниқса ўрта таълим тизимига ўта салбий таъсир кўрсатди — ёшларда ўқишга бўлган табиий интилиш сусайди, талантли ўқитувчиларга эҳтиёж қолмади, мактаб қадрсизланди, умуман таълимнинг жамиятдаги ўрни тушиб кетди.

Жамиятда ҳар доим соғлом фикрли юртпарварлар мавжуд бўлади. 1984-85 йилларда ТошДУ ректори С. Ҳ.Сирожидинов қабул имтиҳонларини адолатли ўтказиш учун курашди, хусусан, «ректор рўйхати» тузилишига йўл қўймади. Лекин домланинг бу жасоратини давр ҳазм қила олмади.

Олий ўқув юртларига қабул бўҳрони бутун иттифоққа хос эди, албатта. У Республикамизни ҳам айланиб ўтмаган, анча чуқур томир отиб, миллатимиз келажагига раҳна сола бошлаган эди. Ана шундай шароитда, Ўзбекистон мустақилликка эришди. Ва бунинг дастлабки мевалари қаторида Президент И. А. Каримовнинг 19 та олий ўқув юртида қабулни тест услубида ўтказиш ҳақидаги фармони чиқди.

1992 йилги биринчи тест синовлари тажрибанинг етишмаслиги, бошқа объектив ва субъектив қийинчиликларга қарамай муваффақиятли ўтиб, халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Шундан сўнг тест услубини изчил ва кенг қўллаш ҳукумат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу масалага бағишлаб 1993 йил июл ойида Вазирлар Маҳкамасининг махсус мажлиси ўтказилиб, унда Президент томонидан олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва тест услубини жорий қилиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Комил ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистонда қабул имтиҳонларида тартиб ўрнатиш учун тест услубининг жорий қилиниши миллат келажаги учун қайғуриш, халқпарварлик ва адолатпешаликнинг ёрқин исботидир! Зеро, фақат юксак малакали, чуқур билимли мутахассисларгина жамият тараққиётини таъминлай олади. Бундай мутахассисларни эса фақат ўқув юртларига холис қабул билангина тайёрлаш мумкин.

Халқ ўз кўзи билан тест услубининг афзалликларини кўрди, унинг адолат учун хизмат қилишига гувоҳ бўлди. Бунинг натижаси ўлароқ фарзандларни ўқитишга интилиш яна юзага чиқиб, йилдан-йил кучайиб бормоқда, иқтидорли ўқитувчилар обруси ортмоқда, лицейлар, махсус синфлар, гимназиялар очилиб, қадрини топа бошлади.

Тўрт йилдан буён тест синовлари бўляпти. Мутлақ кўпчилик олий ўқув юртларида у талаб даражасида ўтмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги талабалар қабул қилиш Давлат комиссияси ҳамда тест жараёнини уюшқоқлик билан ўтишини таъминлаш учун тузилаётган вилоят комиссияларининг роли катта.

Тўрт йил оз муддат эмас. У олий маълумотли мутахассис бўлишнинг бирдан-бир йўли — ҳалол мусобақа билан синовлардан ўтиш, бунинг учун эса ўқиш, урганиш, билимни орттириш шарт деган принцип аҳоли онгига сингиб кетиши учун етарли. (Қиёслаш учун мисол: Туркияда ҳар йили тест синовларида миллиондан ортиқ абитуриент қатнашади, лекин бирортасининг ота-онаси эшик қолиб тешик изламайди).

Шу билан бирга матбуот хабарларидан маълум бўлмоқдаки, қабулнинг янги тизимини ҳам, эзгу мақсадлар учун хизмат қилиб келган ўқувчилар олимпиадаларини ҳам бузишга интилувчилар топилаяпти, тестни ёмон отлиқ қилишга ҳам уринувчилар чиқа бошлади.

Бу жуда ачинарли ҳол. Шоир айтмоқчи, беихтиёр ўйга толасан: наҳотки, ота-она ўз илдизига ўзи болта урса? Маъмурий буйруқбозлик даврида илми суст мутахассис маълум погонагача бўлса ҳам ўса олар эди. Бозор муносабатлари шароитида, мулк хусусийлашганда қуруқ диплом кимга керак бўлади? Ў ўз эгасига қанот эмас, оёғига кишан бўлмайдими? Билимга эга бўлмай фақат диплом учун ўқишга сарфланган инсон умрининг энг серунум 4-5 йили зое кетмайдими?

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш учун курашмоқда. Бу муқаддас ният мутахассисларимизнинг савияси халқаро стандартлар талабига жавоб берадиган бўлишини талаб этади. Чет элларда мутахассис сифати асосан иқтисодий фактор билан таъминланади: давлат қанчалик бой бўлмасин, ўқиш пуллик ва анча қиммат. Республикамиз ҳукумати олий таълим юкини ўз зиммасига олган экан, буни қадрламоқ лозим, бузишга интилиш эмас.

Ўқув юртларига қабул жараёнининг объектив ўтишини қатъий таъминлаш сиёсати ҳамон долзарб. Бу соҳада тест услубига алтернатива борми? Саволга жавоб бериш учун тестнинг плюс-минуслари билан танишайлик.

Тест услубининг афзалликлари. 1. Тест топшириувчи ўз билимини ўзи синайди, натижаси имтиҳон олувчининг кайфияти, чарчаган-чарчамагани, таниш-нотанишлигига боғлиқ бўлмайди. 2. Анъанавий имтиҳонда бериладиган саволлар сони чекли, бир кишига яхши таниш ёки осон саволлар, иккинчисига эса бунинг акси тушиши мумкин. Тест варианти эса предмет бўйича бутун программани қамрайди ва барча учун тенг кучли. 3.Тест саволлари олдиндан эълон қилиб қўйилиши мумкинки, бу синалувчилар тўғри тайёргарлик кўришига, барчаси бир хил имкониятга эга бўлишига шароит яратади. 4. Вариантлардаги тест саволларининг кўплиги шпаргалкадан фойдаланишни самарасиз қилади. 5.Анъанавий қабул усулида тўрт имтиҳоннинг учтасидаги юқори баҳо билан ўтган абитуриент сўнгги имтиҳондан йиқилган ҳоллар бўлар эди. Тест услуби эса бу камчиликдан фориг. 6. Тест услуби ўқувчиларда ҳужжатлар билан ишлаш, ўз ишига масъулият, вақтдан тўғри фойдаланиш каби хусусиятларни тарбиялайди. 7. Тест синовларининг ягона тартибда ўтказилиши конкурсни ҳам Республика бўйича ўтказиб энг юқори кўрсаткичга эришган абитуриентларни саралашга замин яратади. 8. Тест материалларини қайта ишлашнинг марказлаштирилгани уни назорат қилишни енгиллаштиради. Ўн йиллаб қабул имтиҳонлари бузиб келинган, лекин уни назорат қилишнинг самарали усули топилмаган. Тест услубидаги бузилишлар эса очилмай қолмайди). 9.Тест жараёни соф механик характерда бўлгани учун, уни ўқитувчилар ўтказиши шарт эмас, қисқа муддат инструкция олган ходимлар уддалай олади. Шу тарзда тест синовларини ўқув юритларидан бутунлай ажратиш мумкин. Бу эса объективликни таъминловчи муҳим омилдир. 10. Тест саволларининг бутун Республика учун умумий бўлиши таълим соҳасида объектив глобал маълумот олишга, таълим соҳасининг динамикасини таҳлил қилишга имкон беради.

Тест услубининг камчиликлари. 1. Барча турдаги имтиҳонни ҳам тест билан олиб бўлавермайди. Хусусан, жисмоний тайёргарлик, санъат бўйича. 2. Айрим фанларда тест услубини қўллаш имконияти чекланган. Масалан, чет тилидан — талаффуз ва сўзлашув, математикадан — исботлашга оид масалаларни ечиш қобилиятини тест билан аниқлаш мумкин эмас. 3. Тест услубида синалувчининг хотира қувватини, билим ҳажмини баҳолаш мумкину, аммо ассоциатив тафаккур, ностандарт ҳолатларда ечим топа олиш каби қобилиятни баҳолаш қийин. 4. Тест саволларига ажратиладиган вақтнинг минутлардан иборат бўлиши айрим ўта қобилиятли, аммо секин фикрловчи ўқувчиларни «йиқитиш» хавфи йўқ эмас. 5. Тест услубида социал факторни (абитуриентнинг оилавий аҳволини, у яшаётган ҳудудда мутахассисларга бўлган эҳтиёжни ва ҳ. к.) ҳисобга олиш мураккаб. 6. Тест синовларининг муҳим камчилиги — «локомотив» (бошқа атама «паровоз») усулини қўллаш учун анча қулай. (Бунда махсус тайёрланган бир-икки киши бир неча абитуриентни, ҳатто бутун гуруҳни «тортиб» кета олиши кўзда тутилади). 7. Абитуриентнинг тасодифий хатоси ёки эътиборсизлиги, масалан, вариантни ёки ихтисос кодини нотўғри белгилаши натижага кескин таъсир кўрсатиши мумкин. 8.Тест ўқувчиларда дарсликлар ва қўшимча адабиёт билан ишлаб билимини чуқурлаштириш, фикр доирасини кенгайтиришга интилиш ўрнига турли савиядаги тест қўлланмаларига «ёпишиб» олишга ундайди. 9. Анъанавий имтиҳон услубида имтиҳон материаллари махфийлигининг бузилиши фақат бир предмет, нари борса бир олий ўқув юрти миқёсида таъсир кўрсатади, тузатиш ҳам қийинлик қилмайди. Тест тизимида вариантларнинг махфийлиги тўла таъминланмаса, оғир муаммо келтириб чиқаради.

Биз, албатта, тестнинг ижобий томонларини ҳам, салбий томонларини ҳам тўла санаб ўтдик, дея олмаймиз. Лекин асосийлари тилга олинган бўлса керак. Энди уларни қиёслаб кўрайлик. Тест услубининг афзалликлари асосан абитуриент билимини объектив баҳолашга, қабулнинг адолатли бўлишига йўналган. Камчиликлари эса кўпроқ абитуриентларнинг айрим тоифаларига алоқадор. Улардан объективликка путур етказиши мумкин бўлгани — олтинчиси. Аслида «локомотив» усули анъанавий имтиҳонлар даврида қилинган «ихтиро»бўлиб, ёзма имтиҳонларда ҳам, оғзаки имтиҳонларда ҳам, қабул пайтидан давлат имтиҳонларигача кенг учрар эди. Профилактика қилинмаса у тест синовларига ҳам «юқиши» мумкин.

Комил ишонч билан айтамизки, анъанавий имтиҳон услубини объектив ўтказиш ҳозир ҳам муškул, аммо тестнинг камчиликларини бартараф этиш мумкин. Хусусан, 6-камчилик ҳақида. 1993 йилдан Наманган Давлат университетида тест синови учун гуруҳларни компютерда махсус алгоритм асосида шакллантириш қўллаб келинади. Бу алгоритмга мувофиқ қайси абитуриент ким билан бир гуруҳга тушишини олдиндан аниқлаб бўлмайди — бу сўнгги абитуриент ҳужжат топширгандан сўнг маълум бўлади. Бу ҳодисанинг тасодифийлиги гуруҳлар ҳеч бир кимсанинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда шакллашишини таъминлайди. Айни пайтда у гуруҳларни соф тасодифий тузишдан афзал, чунки гуруҳлар рўйхати осилганда алгоритм яққол бўлиб, ҳеч кимда шубҳага ўрин қолдирмайди. Бунга қўшимча ҳар бир гуруҳга кирган абитуриент жой номерини тасодифий танлаб ўтказилиши «локомотив» усулини амалда самарасиз қилади.

Тест материалларининг махфийлигини таъминлашга келсак, ҳозир Давлат Тест Маркази бу муаммони ечиш усулини жорий этмоқда.

1-5-камчиликларни ҳал этишда муайян тажриба тўпланди.

Хуллас, 70-80-йилларда дардга чалинган қабул жараёни тўла соғайиб кетгунча, тест номли «дорини» меъёрида қўллаб муолажа қилиш бирдан-бир тўғри йўлдир. Жамиятда мутахассиснинг дипломига эмас, савиясига социал буюртма қарор топгандан сўнг тест бошқа усуллар билан алмаштирилиши ёки қўшиб ўтказилиши мумкин.

Сарлавҳадаги саволга келсак, тест синовдан ўтишга муҳтож эмас, у бор-йўғи бир восита. Ўз нафини, самарасини жаҳонда аллақачон исботлаб бўлган. Синовдан ўтиш лозим бўлган — бу биз, совет тузуми давридаги ҳар хил имтиёзлар ва имкониятларни қўмсаётган кишилар. Фарзандларимизни қонунга вужуд-эътиқод билан амал қилишга, хусусан, олий ўқув юртларига пок йўллар билан киришга ўргатсак, уларда буюк боболаримиздан мерос илмга ташналик, баркамоликка интилиш туйғусини тарбияласак, жамиятимиз тараққиёт карвонида муносиб ўринга кўтарилади.

А. АЪЗАМОВ,
физика-математика фанлари доктори

«ЎЗБЕККИНО»НИНГ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИ

Мустақил мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни, ташқи дунё билан ўрнатилаётган ҳамкорлик муносабатлари ижтимоий-маънавий ҳаётимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида»ги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона ҳисобланган Фармони маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган кино санъатини замонавий шарт-шароитларда қўллаб-қувватлашга, янгича ташкил этишга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Пойтахтимиздаги Киночилар уйида мазкур компаниянинг ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республика ва вилоят кино ташкилотлари раҳбарлари, таниқли киноижодкорлар иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов очди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари В. Чжен, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси А. Орипов, Ўзбекистон адлия вазири С. Мирсафоев, таниқли кинорежиссёрлар М. Қаюмов, Р. Ботиров, Қ. Камолова, кинодраматурглар Ф. Мусажонов, А. Ҳўжаев ва бошқалар сўзга чиқиб, «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компаниясининг ташкил этилиши мустақил давлат миллий киносининг ривожида муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратишда акциядорликнинг ўрни ва унинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан таниқли кинорежиссёр Темурмалик Юнусов компания раиси этиб тайинланди. Шунингдек, раис уринбосарлари ҳам тайинланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, Олий Мажлис Раисининг уринбосари А. Қосимов қатнашди.

(ЎзА).

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Қўйлиқ» иссиқхона хўжалигида сўнгги йилларда помидор ва бодрингдан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

СУРАТЛАРДА: хўжалик ҳаётидан лавҳалар.

Мумтоз адабиётимиз дурдоналари билан фахрланамиз ва бунга ҳар жиҳатдан ҳақлимиз. Ана шу дурдоналарни узоқ асрларнинг чанг-ғуборидан тозалаб, таҳлил этиб, изоҳлаб, шарҳлаб замондошларга етказиш, тарғиб-ташвиқ қилишдек машаққатли илмий-ижодий меҳнат соҳибларининг хизматлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, икки марта Беруний мукофоти совриндори, атоқли олимимиз Абдуқодир Ҳайитметов ана шундай заҳматкаш адабиётшунослардан.

Абдуқодир Ҳайитметов 1926 йил, 27 майда Фарғона вилояти, Данғара тумани Қумқиёли қишлоғида таваллуд топган. Тошкент Давлат университетида таҳсил олиб, 1953 йилдан бери Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиётшунослик институтида хизмат қилиб келади. Олим 1955 йили номзодлик, 1965 йили докторлик диссератацияларини ҳимоя қилган. Унинг «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» (1951) , «Навоий лирикаси» (1961), «Навоийнинг ижодий методи масалалари» (1963), «Навоий даҳоси» (1970), «Навоийхонлик суҳбатлари» (1993) каби тадқиқотлар тўпламлари кенг китобхонлар оммасининг эътиборини қозонган. Унинг раҳбарлиги ва иштирокида беш жилдли «Ўзбек адабиёти» тарихи, икки жилдли «История узбекской литературы» китоблари яратилди.

Навоийшунос олим Машраб «Танланган шеърлар»ини, Комил Хоразмий «Девон»ини, Навоийнинг «Шайх Санъон» қиссасини, Қул Убайдийнинг «Вафо қилсанг» тўпламини нашрга тайёрлашда катта ғайрат кўрсатган. Албатта, бу санаб ўтганларимиз унинг амалга оширган илмий-ижодий ишларидан айримлари, холос. Профессор А.Ҳайитметов 20 дан ортиқ фан доктори ва номзодлари диссертацияларига раҳбарлик қилган.

Олим шу кунларда илмий фаолиятини давом эттириб, улуғ бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тўйига атаб «Фан» нашриётидан «Темурийлар даври ўзбек адабиёти» китобини нашрдан чиқармоқда.

У нашрга тайёрлаган Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунунул-балоға» асари ҳам босмадан чиқиш арафасида. Республикамиз мустақиллигининг беш йиллик байрамига атаб А. Ҳайитметов яқинда «Бўрилар увлаган кеча» номли автобиографик қиссасини ёзиб тугаллади. Биз қуйида шу қиссанинг бир бобини диққатингизга ҳавола этмоқдамиз.



Абдул - ҚОДИР

КАТИНАМ

Мен болалигимни эсласам, кўз олдимга аввало катинам келади. «Катина» бизда «катта эна», яъни буви догани бўлиб, ҳамқишлоқларим бу сўзни алоҳида меҳр билан талаффуз этишади. Мен ўзимни таний бошлаганимда катинамнинг сочлари жийданинг кумуш япроқларидек оқара бошлаган, бўйи ҳам тобора пасаяётгандай эди. Лекин у ҳали этдан тушмаган, ичкари ва ташқари ҳовлининг ўртасида бир қуйлак бўлиб, минг хил юмуш билан қатнагани қатнаган, гўё бир жойда узоқроқ ўтириб қолиш унинг учун гуноҳдай эди.

Катинам Пайғамбарқулвой деган бойнинг қизи бўлиб, ундан катта бир боғ, бир неча таноб ер ва унга туташ тўқайлар мерос бўлиб қолган эди. Лекин у димоғдорлик, бойвуччаликни билмас, меҳнатда ўсган, ҳар қандай ишга қўли келишаверарди. Қўшниларидан бирортасининг келини: «Эна, озгина пахтам бор, шуни саваб беринг» деса, ҳеч иккиланмай: «Олиб чиқ!» дер ва дарров саваб берарди. Баъзилари унга «Эна, жуварини туйдим, лекин елпишни билмайман» деса, чиқиб жуварисини елпиб, дурдек қилиб тозалаб берарди.

Отамнинг қўш хотини бўлиб, ном топилмагандай иккаласининг оти ҳам Хайринисо эди. Икковлари бувимнинг измидан чиқмас, опа-сингилдай яшашар, қозон ҳам битта эди. Улар галма-гал овқат пиширишар, олдини опоқдадам ва катинамга сузишар, икковлари ҳам пиширган овқатларига қайнота ва қайнонанинг яхши баҳосини олишга ҳаракат қилишарди.

Катинамнинг гап-сўзлари ўткир, ҳаёт, табиат ҳақида тушунчалари кенг ва теран эди. У одамларнинг ўзаро тотув, қўшниларнинг эса аҳил яшашларини, кирди-чиқти қилишларини ёқтирар, ҳар тўпда битта кели бўлишини истар, шу туфайли ёш-яланглар бир - бири билан кирди-чиқти қилиб туришини хоҳлар эди. Шунинг учун маҳаллада кели кўпайиб кетса, у: «ҳар ҳовлида кели бор, мохов шекилли феъли бор», деб матал ўқирди. У осмондаги юлдузларнинг уч тўқилиш, беш тўқилиш ҳолатидан тортиб булбулнинг қандай жойга уя қуйишигача биларди.

Унинг исми Шодмон бўлиб, кўпчилик уни «эна» деб, ёшлар «буви» ёки «катина» деб чақиришарди. Мен ва Ражабали бош неваралар бўлганимиз учун, бизни ерy кўкка ишонмас, илигимиз маҳкам бўлсин деб тухум қовуриб, қуймоқ пишириб оғзимизга тутар, бизни ўзидан узоқлаштирмас, она товуқдек ҳар дақиқа биздан огоҳ эди. Менинг икки-уч яшар вақтим. Кунларнинг бирида уйнинг дарчасидан ҳовли томон йиқилиб тушдим. Қаттиқ йиқилмаган, шикастланмаган бўлсам ҳам, қўрққанимдан бўлса керак, қичқириб йиғлаб юбордим. Шу заҳотиёқ олдимда яланг оёқ ҳолда катинам пайдо бўлди ва мени кўтариб, уйнинг ичига олиб кириб, сув бериб овута бошлади. Бу вақтда онам ҳовлининг бир четида кир ювaётган эди. Катинам уни чақириб, қаттиқ дашном берди:

— Болани туғишга ҳамма туғаверади. Гап унинг куйдирмай-нетмай, шикастлантирмай катта қилишда. Боланинг бир жойи синса ё куйса, болада онанинг ҳақи қолмайди. Боланинг ҳар қадамидан ҳушёр бўлиб турмаган она она эмас.

Катинам онамни энг қаттиқ уришгани шу бўлса керак. Йигирманчи йилларнинг охири. Қишлоқда «бой», «камбағал», «шўрога ҳақли», «шўрога ҳақсиз», «колхоз» деган сўзлар пайдо бўлди. Шундан кейин биринчи бўлиб отам қамалди. Бунинг орқасидан яшаб турган жойларимиз, молмулкимиз мусодара қилинди. Уз туғилиб ўсган ҳовлимизга кира олмай, биз болалар гоҳ у қариндошикида, гоҳ бу қариндошникида, гоҳ боғда, гоҳ даладаги капада яшайдиган бўлдик ва бетайин бир аҳволга тушиб қолдик. У онам кичкина ўғли Марипали билан акасиникида, ўзимнинг онам эса мендан кейинги синглим Сорахон билан опасиникида яшайдиган бўлди. Опоқдадам билан катинам боғдаги капада туришар, ичларига чироқ ёқса ёримас, катинамнинг илгариги кайфияти йўқолиб, кўп ўйланар, сиқилар, қўли ишга бормас, гоҳ бизни нима деб овутишни билмай, бизнинг бошимизни силаб юм-юм йиғлар эди.

Бу вақтда қулоқлар ҳамма нарсадан ҳақсиз қилинармиш, боғ-роғлари, ерлари ҳам олиб қўйилармиш, ўзлари эса узоқ-узоқларга юбориларомиш, деган гаплар қанот ёза бошлаган эди. Шу пайт кўча эшик олдига бир отлиқ келиб тўхтади ва опоқдадамнинг отини айтиб чақирди. Опоқдадам чиқиб келган одам билан ўн-ўн беш дақиқа гаплашиб қолди, сўнг қайтиб кирди.

— Уканг Холдорвойнинг қовуни пишибди. Опам невараларини олиб келиб, бир-икки ҳафта туриб кетсин, деб юборибди бир ҳамқишлоғидан. Қишлоқнинг нотинч эканини улар ҳам эшитишибди. Қолаверса, опамнинг ёмон йўллардан беш-ўн кун нарироқ тургани ҳам маъқул, дебди. Шу гапларни айтди-да, ўзи Данғарага ўтиб кетди, — деди катинамга опоқдадам.

Кутилмаган бу таклифдан чолу кампир ўйланиб қолишди. Уч-тўрт лаҳзадан кейин катинам:

— Бор десангиз, бораверaман-да, — деди ва қўшиб қўйди: — Невараларим ҳам дам уникида, дам буникида тентирашиб қолишди. Зора, биз қайтиб келгунча юрт ҳам тинчиб қолса.

Эртасига эрталаб биз опоқдадамнинг жияни Мухтор акамни ва Ражабалини ҳам олиб аравада поезднинг Ганжиравон бекати томон йўл олдик. Холдор тоға Мирза Орол деган жойдаги Яккатут қишлоғида турарди. Онам ҳам менинг Холдор тоғаникига боришимга қаршилик кўрсатмади. Поезд келишига станцияга етиб бордик. Биз аравадан тушиб, поезднинг изи томон йўналар эканмиз, турган-битгани темирдан иборат даҳшатли бир машина, орқасида қатор вагонлари билан бизнинг олдимизда тўхтади ва шундай бир қичқирдики, мен қўрққанимдан орқамга қоча бошладим. Мухтор акам бор кучи билан чопиб келиб, мени вагон томон кўтариб олиб кетди. Менинг поезд билан биринчи учрашувим шундай бўлган эди. Бу вақтда мен тўрт-беш ёшларда эдим.

Поездда бир соатдан ортиқ чамаси юрдик. Одамлар «Поп!», «Попга келдик!» деганда, биз ҳам ерга тушдик. Поезд Ганжиравондагидек, яна бир товуш чиқарди. Мен тағин қўрқиб кетдим. Лекин бу гал қочмадим, турган еримда туравердим. Мухтор ака бир четдан арава топиб келди. Унга чиқиб дарё томон йўл олдик. Араванинг икки томони катта-катта тешиклар бўлиб, йўл бўйи ўзимни ундан тушиб кетаётгандай ҳис этиб бордим. Аравакаш шапка кийган, мўйловдор киши бўлиб, гоҳо-гоҳо папирос чекар, унинг аччиқ тутуни менинг димоғимга ҳам урилиб турарди. Қишлоқда чилим чекканларни кўп кўрганман, лекин папирос чеккан одамни ҳеч учратмаган эдим. У ҳар замонда қаттиқ ва давомли йўталиб ҳам қўярди. Буниси менга ёқмади.

Биз кўзлаган манзилга пешиндан кейин етиб келдик. Холдор тоғанинг хонадони бизни яхши кутиб олди. Биз учун алоҳида бир уй ажратиб беришди. Унинг оиласи билан биз жуда тез апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Холдор тоға бригадир бўлиб, отини миниб,тонгда чиқиб кетганича қоронғу тушганда қайтар, ҳамма ёқда пахта терими бошланган, бу ерда юрган одамни топиш қийин эди. Пишиқчилик фасли. Куз ниҳоятда яхши келган эди. Бу ерда совхоз деган нарса ташкил этилган бўлиб, хотину эркак, ёшу қариларда кўтаринки кайфият устун эди. Қизжувонлар эса кетини узмай қўшиқ айтишар, овозлари дилларга ором бағишларди.

Бу ерларда бизнинг қишлоғимизга нисбатан мева кам бўлса ҳам, лекин дарёга яқин бўлгани учунми, қовун, тарвуз яхши битар, ширин бўлар, кўп экилар экан. Халқ орасида эса: «Бу ернинг қовун, тарвузига дуо кетган», деган гап юрарди. Унинг ҳатто хамаги ҳам ейишли бўлиб, кеч кузгача палаклари юлинмай турарди.

Холдор тоға ҳам нақ дарёнинг бўйига бир пайкал қовун эккан бўлиб, ерга яхши ишлов берганми, ҳосил ҳеч ерга сиғмас, ўтган ҳам ер, кетган ҳам, уни еб тамом қилиш қийиндек эди. Шунинг учун биз — болаларга ҳам пайкалга йўл доим очиқ эди.

Бу ердаги бизнинг севган эрмакларимиздан бири дарё соҳилига бориб, сувнинг нариги ёғидаги катта тепа тагидаги жарликка қараб кўзимиз кўрмаган, бу ердаги афсонанинг қаҳрамони — Ойқизни чақириш, унинг жавобини эшитишга ҳаракат қилиш эди. Бу томондан биз бор овозимиз билан «Ойқиз!» деб чақирар, у эса бизнинг сўзимизни қандай бўлса шундай ўзимизга қайтарар, яъни овозимиз ўзимизга қайтиб келар, биз эса уни ўз ёнимизга даъват этишдан чарчамас эдик. Тасаввуримизда Ойқиз тенги йўқ бир сулув бўлиб, уни кимдир сувнинг нариги бетида яшириб ўтиргандек, унинг биз томонга ўтишига қандайдир ёвуз бир куч йўл бермаётгандек эди.

Меҳнатни севган одам ҳеч қаерда хор бўлмас экан. Шу ердагилар нима иш қилса катинам ҳам уларга қўшилиб қилди: пахта ҳам терди, жуварини дон қилиб, ловияларни йиғиб олишга ҳам қарашди, қовун қоқи қилишга ҳам, мол-ҳолларига ҳам. Холдор тоғанинг бир қизи етилиб турган, олдида тўйи бор эди. Катинам кечалари ўтириб унинг кўрпа, кўрпачаларини қавир эди. У тиккан кўрпа ва кўрпачалар бамисоли бир тоғдек бўлиб кетди. Холдор тоғанинг хотини қайта-қайта катинамни дуо қиларди:

— Илоҳим умрингизга барака берсин. Ёлғизгинангиз эсон-омон қайтиб келиб, тўйлар қилинг. Биз ҳам бориб хизматингизни қилайлик.

Шунда катинам бир йиғлаб олар, бизнинг бошимизни силаб, унга:

— Ишқилиб айтганинг келсин! Менга ўғлим қайтиб келиб, болаларига бош бўлса бас! Бошқа ҳеч нарса керак эмас! — дерди.

Катинам отамдан гапириб, бизнинг юрагимизни сиқмас, қуйлак, иштонларимиз кир бўлса ўзи ювиб берар, бизни бир қадам ҳам кўзидан узоқлаштирмас, оч-наҳор ҳам қолдирмас эди.

Шу ерда эканимизда яна бир муҳим ҳодиса юз берди. Буни ҳам мен ҳеч эсимдан чиқармайман. Кунларнинг бирида эрталаб, Яккатутнинг гузарига бир четан арава келиб тўхтади. Биз болаларни ўша аравага босишди. Совхоз маркази томон йўл олдик. У ерда махсус болалар боғчаси қурилган экан.Боғча бир неча уйдан иборат бўлиб, деворлари оқланган, оппоқ эди. Бизни аравадан тушириб биринчи навбатда илиқ сувларга чўмилтиришди. Сўнг махсус уйга олиб кириб, столларнинг атрофига ўтказишди. Қоғоздай оқ, тоза дастурхон четига эса катта, кичик темир қошиқ ва санчқилар қўйилган эди. Стаканларда қайнаган сут олиб келиб, совутмасдан ичишимиз кераклигини айтишди, оппоқ ундан қизил қилиб пиширилган ва ичига майиз солинган думалоқ булочка нонлар беришди. Биз бу нонларни зўр иштаҳа билан сутга қўшиб ея бошладик. Биз умримизда биринчи марта шу ерда картошканинг ҳалимдек юмшоқ пюресини юмалоқ гўшт қиймаси билан қўшиб едик. Менга бу овқат жуда ёқди.

Сўнг бизни боғчанинг катта ҳовлисига олиб чиқишди. У ерда ёғочдан ясалган турли ўйинчоқ ва қурилмалар бор эди. Уларни ўрганиш унча қийин бўлмади. Орамизда қизлар ҳам бор эди. Улар эса махсус хонага кириб, бирибирига ўхшамайдиган чиройли қўғирчоқларни ўйнашди. Менга ўйинлар орасида баланд супадан пастга сирғалиб тушадиган сирпанчиқ кўп маъқул бўлди. Ражабали ёғоч отни миниб ўйнади. Бу ерда вақт тез ўтдики, тушлик вақти бўлганини ҳам сезмай қолибмиз. Кичкина қўнғироқ чалиниб, ҳаммамизни тушлик овқатга таклиф этишди.

Тушликдан кейин бизни салқин уйларга олиб кириб, болаларга мос каравотлар, тагимизга ва устимизга оппоқ, дазмолланган чойшаблар солиб бериб, ухлатишди. Чанг босиб далада гоҳ қуруқ ерда, гоҳ тақир шолчада ухлаб юрган биз — қишлоқ болалари бундай эътибордан ҳангманг эдик. Бу кун бир умр менинг ёдимда қолди. Бу — болалар боғчасида биринчи ва охирги марта бўлишим эди.

Кечга томон ўша ўрис арава яна бизни қишлоққа олиб келиб қўйди. Йўлда «Қани энди замон яхши бўлиб, шундай оромгоҳлар ҳамма қишлоқларда бўлса!» деган орзу кўнглимдан ўтди. У ерга бизни бошқа таклиф этишмади ҳам. Бизнинг бу «сафаримиз»ни ташкил этган кишилар: «Шакарнинг ози яхши!» дейишган бўлса керак.

Куз давомида қуёш муттасил кулиб турди. Чамамда кузга мўлжалланган ҳамма ишлар кўнгилдагидек бўлди. Пахта режалари ҳам ошириб бажарилди. Бундай тўкин кузни мен кейинчалик ҳам кам кўрдим.

Катинамнинг бироз иши камайиб, зерика бошлаган эди. Лекин у ҳеч қишлоғимиздан, қишлоққа қайтишдан гапирмас, сезишимча, қишни ҳам шу ерда ўтказишга мойилдек эди. Биз — унинг кичкина аскарчалари, у нима деса шуни қилар, нима учундир оналаримизни ҳам бироз эсдан чиқаргандай, тақдир бизнинг юлдузимизни шу — Яккатутга тўғрилагандай эди.

Катинамлар кечқурунлари йиғилиниб, «Иброҳим Адҳам қиссаси»ни, «Китоби Сулаймон Боқирғон», «Девонаи Машраб», «Китоби Биби Фотима», «Шаҳзода Ҳасан» каби китобларни ўқишар, ўқилаётган китобларнинг баъзи жойларига келганда ҳаммалари уввос тортиб йиғлашар, дин йўлида, имон йўлида азоб чеккан қаҳрамонларнинг тақдирига баралла ачинишар, биз ҳам баъзан бир чеккада уларнинг ўқиганларини тинглаб ўлтириб, бувиларимизга ҳамдардлик қилар эдик. Оллоҳ таоло синаш учун Иброҳим Адҳамдек суйган бандаларининг бошига ҳам минг хил қийин савдоларни солиши мумкин экан. Демак, чин инсон охиригача ўз Раббисига садоқатли, сабр-тоқатли, чидамли бўлиши, ҳар ишнинг охирини ўйлаб яшаши, ҳаракат қилиши маъқул ва мақбул экан.

Бир куни шундай китобхонлик жуда узоқ давом этиб, кеч ётдик.

Эрталаб қаттиқ ухлаб қолибмиз. Азонда бирдан эшик тақиллаб қолди. Катинам ўрнидан туриб, эшикни очди.

— Қишлоғингиздан уч-тўртта одам келди. Сизларни қидириб юришибди, — деди шошиб Холдор тоғанинг хотини.

Шошилиб турдик, кийиндик, юз - қўлимизни ювдик. Катинамнинг қўлидан ушлаб, яшин тезлигида ҳовлининг орқа эшигидан дарё томонга чиқиб кетдик. Жарликдан тикка соҳилга тушдик ва қишлоқдан узоқлашиб, ўзимизни Мирза Оролнинг тўқайига урмоқчи ва ўша ерларда яширинмоқчи бўлдик. Кучимиз борича олдинга интилар, чопар эдик. Тўқайга энди қадам қўймоқчи бўлиб турганимизда кутилмаган ҳодиса юз берди. Шунда олдимиздан ўрмон қоровулининг катта-кичик учта ити чиқиб, бор товуши билан вовуллаб, бизга ташланиш учун югуриб кела бошлади. Итларнинг авзои ниҳоятда бузуқ эди. Биз нима қилишни билмай бир-биримизга қараб, бир ерда эсанкираганча туриб қолдик. Шу пайт орқамиздан учта отлиқ етиб келди. Уларнинг олдидаги йўлбошчи таниш одам — Қумқиёли қишлоқ шўросининг раиси, отамнинг собиқ ўртоғи Остон деган киши эди. У шай кийинган, бошида қундуз телпак, юзлари қип-қизил, мўйлови ҳам ўзига ярашган эди. Биз қайта қармоққа илинган эдик. Улар бизни Қумқиёлига олиб кетиш учун келгани очиқ кўриниб турарди. Остон бувимга қараб ҳазил қилиб:

— Эна, қишлоқда ҳукумат сизларга оқ уйларни қуриб қўйибди-ку! Сизлар бўлса бу ерларда қочиб юрибсизлар! — деди истеҳзо билан.

Бувим ҳам унинг гапига яраша жавоб беришга ҳаракат қилиб деди:

— Ҳукуматдан айланай! Биз бечораларни ғамини ҳукумат емаса, ким ерди! Оғзингизга қараб гапиринг, Остонбой. Биз қочиб юрганимиз йўқ. Қайси гуноҳларимизга қочиб юришимиз керак? Укамникига меҳмонга келган эдик...

Бизнинг Мирза Орол сафаримиз шу тарзда тугади. Ўша куниёқ бизни ўрис аравага солиб Қумқиёлига жўнатиб юборишди. Бу сафаримиз қандай аянчли тугаган бўлмасин, ғурбатли кунларда бу менинг қишлоқдан ташқарига биринчи сафарим бўлиб, бундан кўзим анча очилди, ҳаётга бир қадар бошқачароқ қарайдиган, дунё шу бизнинг Қумқиёлидангина иборат эмаслигини тушунадиган бўлдим. Ва яна энг муҳими, бу сафарда кўрганларим бир умр хотирамда гўзал эртакдек нақшланиб қолди. Дарёнинг мавжланиб оқиши, Ойқиз яшайдиган сирли макон, кумушдек оппоқ пахта далалари, ширин таомлар, ранг-баранг ўйинчоқлар билан ёш болаларнинг кўнглини оладиган, катта ҳаётга тайёрлайдиган ажойиб маскан... Демак, дунёнинг у чеккасида ундай, бу чеккасида бундай... Ҳаётда... жаннат ҳам бўлиши мумкин экан, дўзах ҳам. Албатта, дўзахнинг бўлмагани яхши ,эди...

БИЛДИРИШ

Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти 1996 йил, 27 май соат 10.00да ЎзФА Тилшунослик институти мажлислар залида (И. Мўминов кўчаси, 9-уй, 2-қават) филология фанлари доктори, профессор Абдуқодир Ҳайитметов таваллудининг 70 йиллигига бағишланган Илмий кенгашнинг кенгайтирилган мажлисига таклиф этади.

XX аср ўзбек адабиёти

ТАНЛАНГАН НАСР НАМУНАСИ

Абдулла Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси хусусида

Улуғ адиб Абдулла Қодирий эҳтимол ўкинч, лекин комил ишонч билан: «Ҳар бир асарим — бир фарзандим, чироқчимдир», деган экан. Дарҳақиқат, унинг мумтоз асарлари беаёв йиллар шамолларига дош бериб қиммати ошса ошиб, асло камаймай мустақиллик даврига ёруғ юз билан етиб келди. Адибнинг «Улоқда» ҳикояси, сўзсиз XX аср ўзбек адабиётининг дурдона асарларидан биридир.

Маълумки, ҳикоя 1916 йили яратилган, деб ҳисобланади. Илк бор 1923 йили «Болалар дунёси» журналининг 2-3-сонида босилади. 1936 йили алоҳида китоб ҳолида нашр этиларкан, муаллиф: «Бу ҳикоя 1915 йили ёзилган эди. Болалик давримнинг ёдгори бўлгани учун ортиқча ўзгартиришлар киритмадим», деб изоҳ беради. Асар 1969 йили чоп этилган адибнинг «Кичик асарлар» тўпламига киритилган. Мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мустақиллик даврида чиқаётган ўрта мактаб дарсликларида, жумладан, 6-синф «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуасида Қодирийнинг мазкур ҳикояси ҳам ўрин олган.

«Улоқда» ҳикоясига адабиётшунослик илмининг муносабати ўзига хос тарихга эга. 20-30-йилларда асарнинг ўзбек насрининг реалистик изланишларидаги ўрни ва қиммати етарли баҳоланмади, ҳатто эътироф этилмади, дейиш мумкин. Фақат Ойбек «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқотида (1936) ҳикоядаги бадиий маҳорат, реалистик бадиият кўринишлари ҳақида бирмунча холис фикрлар айтган эди. (Унинг ҳукми турғунлик ва ошкоралик даврларида ҳам етакчи аҳамият касб этиб келди).

60-70-йилларда тадқиқотчилар ҳикояни асосан йўл-йўлакай таҳлил қилдилар, асар Қодирий ижодий ўсишини кўрсатиши, унда миллий ҳаёт манзараси жонли тасвирланганини, халқ тилидан маҳорат билан фойдаланилгани, қаҳрамон руҳияти тасвирлангани ва бошқалар маълум даражада эътироф этилди. Ҳикоянинг реалистик оламини англаганлар эса ҳайрат билдирдилар. Масалан, ёзувчи ва адабиётшунос П. Қодиров «Халқ тили ва реалистик проза» (1973) тадқиқотида асарни кенг таҳлил қилади, реалистик асарлигини эътироф этиб ёзади: «Ҳикояда ташқи ҳаёт ҳам, қаҳрамоннинг ички дунёси, психологияси ҳам шундай меъёр билан сиқиқ ва аниқ тасвирланганки, А. Қодирий ўша даврда шундай маҳорат билан асар ёзгани кишини қойил қолдиради».

Адабиётшунос олим И. Султон «Улоқда» ҳикояси ҳақида фикр билдириб, жумладан шундай дейди: «Ўша даврда яратилган асарлар орасида «Улоқда» сингари реалистик характердаги ажойиб ҳикоянинг пайдо бўлишининг ўзи мўъжиза. Фақат ўша пайтда уни қандай пайдо бўлгани тушунарсиз. Ёзилиш тарзига кўра ёркин реалистик асардир». («Санъат» журнали, 1990, 12-сон).

Хўш, «қойил қолдирадиган» ёки «тушунарсиз» жиҳатлар нимада?

Адолат юзасидан айтганда, адабиётшунослик илми ва эстетик қарашлар Қодирийнинг реалистик маҳорати, ҳикоянинг чинакам реалистик бадииятини узил-кесил эътироф эта олмади, иккиланди, нари борса ҳайратини билдириш билан чегараланди.

Маълумки, «Улоқда» ҳикояси жадид адабиёти билан алоқадор эди (буни Ойбек ҳам таъкидлаган), шунинг учун адабиётимиз реалистик тараққиётидаги ўрни етарли баҳоланмай келди. Масаланинг асосий сабаби эса миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти, жумладан, жадид адабий оқими тараққиётидан кўз юмиш, уни бузиб талқин қилишга уринишлар ҳамда бу ҳақда холис фикр юритиш мумкин бўлмай келганлигидир. Бизнингча, асар ҳақидаги энг сўнгги талқинларда ҳам муайян етишмовчиликлар учрамоқда.

Асар ғояси фақат Эсонбой деган кишини от босиши воқеаси ва унга қаҳрамон муносабати ифодаси билангина юзага чиқмаган. Синчиклаб кузатилса, улоқ ўйинидаги хавфдан огоҳ этиш, унинг ҳалокатга олиб келиши ҳаётий-ҳиссий жиҳатдан кўрсатилади, китобхонни уни қоралаш ва инкор этишга ундай боради.

Улоққа тойчасини миниб жўнаган болани онаси шундай огоҳлантиради: «Кийимларингни кир қилма, тойингни қаттиқ чоптирма, улоқчилар орасига кириб бирор ҳодисага йўлиқма, ўртоқларинг билан бир четда туриб томоша қил!».

Томошабин оломон энг зўр чавандозлар ҳақида талашиб-тортишар экан, гап «икки йилдан бери кўринмай қолган» чавандоз хусусида боради. Баъзилар уни: «ўлиб кетган» деса, бошқаси: «Тирик» ёки «От босган, докторхонада ўлган», дейди. Шу тарзда кўпчилик овози ичида улоқ ўйинининг чавандозни ҳалокатга олиб келишига ачиниш ҳисси кўрсатилади.

Ўйин ташкилотчиларидан бўлган Ориф саркор улоқни тўдага ташлагандан сўнг, шундай дейди: «Оғайнилар! Бола-чақаларни четга чиқаринглар, от оёғида қолгудек бўлмасин, ўзларинг ҳам эҳтиётроқ жойда туринглар, ҳайвон билан бўлган иш қийин!»

Камина ҳам бир вақтлар аввалги адабий-эстетик қарашларга суяниб, Қодирийнинг «Улоқда» ҳикояси унинг ижодий такомилида маърифатпарварлик реализмидан чинакам реализмга ўтишни бошлаб берди, деган хулосани айтган эдик («Ўзбек тили ва адабиёти», 1991, 3-сон).

Умуман, XX аср бошлари адабиётида, жумладан, жадид адабиётида қандай реализм бўлган?

Миллий уйғониш адабиёти деймизми, жадид адабиёти деймизми, қисқаси, XX аср бошлари адабиётида битта реализм бўлган. Бу — XX аср ўзбек адабиётининг янги, миллий реализми. Тўғри, у анча жўнлик ва тетапояликдан шаклланишни бошлади. Жуда тез вояга етди ҳам. Ана шу реализмда Беҳбудийнинг «Падаркуш»и, Қодирийнинг «Улоқда»си улкан адабий ҳодисалардир.

Ҳикоя ҳақидаги янги дарсликлардаги (6-, 11-синфлар учун) маълумотлар жуда қисқалиги билан бирга, кўпроқ аввалги қарашлар такроридан иборат.

Ҳикоя шундай бошланади: «Кеча дадамдан сўраб қўйганим учун бугун акам ҳам «керак эмас, борма» деган жеркиришини қилмади. Чойни наридан-бери ичиб, отхонага югурдим.

Дадам билан ойим:

— Оёғинг олти, қўлинг етти бўлиб қолдиёв! — деб кулишиб қолдилар».

Мана шу илк парчадаёқ ҳикоянинг реалистик бадиияти мукаммал намоён бўлади. Биринчи жумла сюжет учун мўъжаз экспозиция. Қаҳрамон (бола)нинг қаерга жўнаши очиқ айтилмаслиги тасвирнинг ҳаётийлигини юзага келтирган. Бу ҳақда очиқ маълумот берилганда, баёнчилик бўларди, тасвир жонлилиги сусаярди. Баён қаҳрамон нутқи асосига қурилган, у — бола, унинг оғзаки нутқида тафсилотлар тўла бўлмаслиги табиий (Оғзаки нутқ одатда шундай бўлади). Иккинчи жумлада (ҳаракатнинг тезлигида) қаҳрамон руҳияти акс этган. Учинчи жумлада атрофдаги персонажларнинг бош қаҳрамонга муносабати аниқ ва тиниқ ифодаланган. Бу муносабатдаги ним кулги муаллиф позицияси билан уйғунлашади, ҳатто тенглашади, дейиш мумкин.

Қарангки, реалистик тасвирга хос аниқлик, холислик, жонлилик, қизиқарлилик, қаҳрамон руҳияти, муаллиф позицияси мана мен деб турибди. Ҳаётдан жонли манзара шундайлигича узиб олингандай. Ҳеч муболағасиз, Қодирийнинг қалами XIX аср рус классик реализмини (Толстойча тасвир) беихтиёр ёдга келтиради.

Ҳикоянинг реалистик бадиияти, адабиётшуносликда айтиб келингандек, баён қаҳрамон нутқи асосига қурилгани, тасвир объекти — улоқ ўйини «халқ ҳаётининг мароқли, жонли томони» (П. Қодиров) эканлиги билангина белгиланмайди (албатта, асар бадииятидаги бу жиҳатларни инкор этмаймиз). Таъбир жоиз бўлса, ҳикоянинг **тенгсиз бадиияти** аввало тасвирга хос холислик, аниқлик ва қизиқарлиликка асосланади. Муаллиф ҳукми, асар ғояси ғоят аниқ ва қизиқарли тасвир қобиғига сингдириб юборилади, натижада жозибали холислик юзага келади. Бунда баённинг бош қаҳрамон нутқи асосига қурилиши жуда қўл келади. Унинг нутқида болаларга хос соддалик ва ҳайратли кузатувчанлик гавдалантирилади, бошқа томондан эса шу асосда тасвир аниқлиги ва қизиқарлилиги гўзал тарзда намоён бўла боради. Шу билан бирга холис тасвир турли персонажларнинг ёшига ва бир-биридан фарқли шуурига мос, ҳаётда қандай бўлса, шундайлигини кўрсатувчи нутқлари ғоят жонли ва ҳаётий эканлиги билан ҳам боғлиқ. Айниқса, томошабин оломоннинг нутқи (овозлари) чинакам реалистик маҳорат билан берилган.

Холис тасвирнинг реалистик ютуғи яна шунда кўринадики, миллийлик, улоқ ўйинига муносабатнинг миллий тарзи, одамларнинг ўзбекона қиёфаси, маънавияти, руҳияти ғоят ёркин гавдалантирилган.

Юқоридагиларнинг барчаси баённинг реалистик белгилари асосига қурилган. Асардаги баён асосан бош қаҳрамон нутқи, шунингдек, у билан муносабатдаги персонажлар нутқлари ва бош қаҳрамон назаридаги оломоннинг холис нутқидан иборат.

Ҳикоя бадииятининг яна бир муҳим томони тасвирга хос эпиклик, воқеавийликдир. У. Норматов ёзувчининг «...қатор ҳикоялари жанр «рамкаси»ни ёриб чиқиб, йирик эпик тур томон тортиб кетган», деган ҳаққли хулосани илгари сурган эди. Бу ҳукм «Улоқда» ҳикоясига ҳам тааллуқлидир. Ҳикояда бир неча ғоят жонли ва ҳаётий воқеа ва эпизодлар бор. Булар: бола (Турғун)нинг уйида тойчасини эгарлаб, улоққа жўнаши; йўлда у билан ҳамроҳ бўлганлар гурунги; Валад исмли чавандознинг улар билан кўришиб ўтиши ва ҳоказо. Булардан ташқари боланинг кўплаб персонажларга, жой ва воқеаларга муносабати, ички кечинмалари — руҳияти ифодаси эпик кўламни янада оширади. Назаримизда, кўплаб персонажларнинг турли вазиятдаги изчил ва ҳаётий нутқлари, оломон овози эпик кўламга эга (фақат бола назари билан чегараланмай, ўзича мустақил ва холис ҳам).

Ҳикоянинг реалистик жозибасини оширган омиллардан бири қаҳрамон руҳиятининг ҳаққоний ва ҳаётий ифодаланишидир. Қодирий жуда қийин ва нозик вазифани — қаҳрамоннинг ўз нутқи асосига қурилган баён таркибида унинг руҳияти, қалб тебранишларини беришни уддалай олган етук санъаткордир. Тасвирда қаҳрамон руҳияти асосан унинг ҳаракатлари ҳосиласи сифатида кўрсатила боради, баъзи ўринларда ички монолог чизгилари учрайди.

Асарда бола руҳияти билан боғлиқ ҳаракатлар кўп ва улар изчил ҳаракатда, ўзгаришда бўлиб, хилма-хил товланишларга эга.

Дарвоқе, биринчи кечинма боланинг «чойни нари-бери ичиб, отхонага югуриши»дан бошланган.

Одамлар билан улоққа бораётганда ўз кечинмасининг улар томонидан тасдиқланишини кўриш истаги ва туйғусида бўлади. Ҳамроҳлардан бири ёлғондан, эркалаб «Баракалла, Турғун чавандоз!», деб ҳам қўяди. Ёзувчи боланинг ана шу туйғусини ишонарли далиллайди. Турғуннинг акаси Маҳкам яхши чавандоз, бобоси эса машҳур чавандоз бўлиб ўтган. Ҳамроҳлар буни эътироф этганларида, бола тойчанинг устида фахр билан кеккайиб боради.

Улоқ бўладиган жойда бола ўзини чавандоздай ҳис қилади. Бу туйғу маҳалладош тенгқурлари билан учрашганда ва улар билан от чоптиришганда ҳам сақланади.

Улоқ ўйинининг қизиқарли тасвири бола баёни орқали берилиб, унинг охирида бола туйғуси ҳам намоён бўлади: «Тақимга босиш ўзи жуда ҳам нашъалик-да». Боладаги бу туйғу унинг чавандоз бўлиш орзуси билан боғлиқ кечинмасининг энг юқори нуқтасидир.

Боладаги иккинчи кечинма фожиали ҳодиса — Эсонбой деган кишини от босиши воқеаси муносабати билан пайдо бўлган ачинишдир. Бола Эсонбой ҳақида шундай ўйлайди: «Бечора бултурги ҳайитда менга ярим сўм ҳайитлик берган эди. Илоҳи яхши бўлсин, деб кўнглимдан ўтказдим». Табиийки, бола бу фожиани қаттиқ ўйлаган. Ёзувчи буни тасвирлаб ўтирмайди, кечинманинг портлаш нуқтасини беради. Эртаси уйқудан туриб, Эсонбойнинг ўлганини эшитгач, боладаги ачиниш кечинмаси энг юқори даражада намоён бўлади: «Менинг уйқум учди».

Биринчи кечинма жараёни кенг тасвирланган эди. Жанр ва тасвир талабига кўра иккинчи кечинмани жуда сиқиқ ва самарали бериш ёзувчининг реалистик маҳоратидан далолат беради.

Шу масала билан боғлиқ ҳикоя бадииятининг яна бир қирраси — тасвирнинг қисқалиги ва меъёр мукаммаллиги ҳақида ҳам тўхталиш жоиз.

Ёзувчи қаҳрамонлар муносабати, портрет, жой тасвирида ҳам, воқеаларни давом эттиришда ҳам, муносабатлар, туйғулар, тақдирлар алоқадорлигини таъминлашда ҳам қисқаликка амал қилади, ошиқчаликка йўл қўймайди, меъёрни мукаммал ҳолда сақлашга эришади.

Тасвирда ўша давр тарихий муҳитини гавдалантирувчи чизгилар бор. Жумладан, кийимлар ва анжомлар даврга мос: мўғил эгарча, ўрус юган, ўрисча шим, амиркон этик, кумуш чопқон қамчи, оқ жужунча камзул, шоҳи қийиқча... Ҳикояда халқ ҳаётининг диний қирралари ҳам ҳаққоний тасвирланган. Одамлар «худо хоҳласа, илоҳи» сўзларини кўп ишлатадилар, ҳайит ва ҳайитликлар эсланади.

Ҳикояда ғоя яширин ҳолда берилган. У асосан улоқ ўйинини инкор этиш пафоси орқали акс эттирилади. Синчиклаб кузатсак, улоқ хавфи ҳақидаги огоҳлар, ҳис ва шуурлардан ташқари, тасвир сўнгида инкор пафоси бўртиб туради. Албатта, аввалги чизгилар унга замин тайёрлаб келади. Эсонбой воқеасидан кейин боланинг ҳаракат ва туйғулари жиддийлашади, ҳатто чавандоз бўлишга қизиқиш ҳисси сўнади: «Мен улоқ тугагунча томоша қилиб турдим. Лекин яхшики энди ҳеч кимни от босмади». Кўринадики, бола баёнида ўйиндан совиш, бетарафлик, хафалик оҳанглари пайдо бўлади. Ачиниш кечинмаси кучая боришини ҳис этамиз. Тасвир сўнгида унинг портлаши («Менинг уйқум учди») ғоят сиқиқ ва самарали ҳолда тасвирланади. Эътибор берсак, унда ҳикоя ғояси ҳам шуурий-ҳиссий тарзда гўзал ифодасини топган.

Хуллас, ҳикоя Қодирий ижодий ўсишида, янги реалистик насрда, умуман, XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида улкан аҳамиятга эга бўлган мумтоз асардир. Дарҳақиқат, У. Норматовнинг «Абдулла Қодирий» тадқиқотида ёзгандай: «Улоқда» ҳикояси фақат Қодирийнинг ютуғи бўлиб қолмай, октябр инқилобигача бўлган ўзбек адабиётидаги реализмнинг чўққиси, реалистик ҳикоянинг энг яхши, етук намунасидир».

Уз вақтида аллома Фитрат асарнинг қимматини баҳолаб, «Адабиёт қоидалари» тадқиқотида (1926) ҳикоя жанри ҳақида назарий маълумот берар экан: «Абдулла Қодирийнинг «Тинч иш»и, «Улоқда»си адабиётимиздаги гўзал ҳикоя намуналаридир», деб ёзган эди.

Юсуфали ШОНАЗАРОВ,
филология фанлари номзоди.
Хўжанд

«ТАКАЛЛУМ»

«Мирзо Абдулқодир Бедил ҳазратлари яшаб ўтган даврда форс адабиёти мухлисларини янги асарлар билан ҳайратлантириш ниҳоятда душвор эди. Мазкур адабиётда бу пайтгача қудратли шоирлар, турфа услубдаги ижодий мактаблар яшаб ўтган бўлиб, форс шеърияти жаҳон адабиётига залворли ҳисса қўшиб улгурган, ўзининг авж пардаларида гўё қуйлаб бўлгандек эди», деб ёзади хоразмлик шоир ва таржимон Матназар Абдулҳаким Бедилнинг «Қорақалпоғистон» нашриёти чоп этган «Такаллум» номли ғазаллар мажмуасига ёзган сўзбошисида.

Дарҳақиқат, Бедил — шарқ шеъриятининг улуғ мутафаккирларидан, форс шеъриятида янги даврни бошлаб берган сиймо. Алломанинг ғазаллари шу пайтгача ўзбек тилига таржима қилиниб, китоб ҳолда чоп этилмаган эди. Истеъдодли шоир М. Абдулҳаким бу мураккаб ижодий ишга журъат этиб, бор иқтидорини ишга солган. Аслиятнинг оҳанг, фикр ва туйғуларини таржимон ўзбек тилига имкон борича тўлароқ ўтказишга ҳаракат қилган ва аксарият намуналарда бунинг уддасидан чиққан. Бедилнинг руҳий олами шукуҳи ўзбек тилида қай тарзда жонланганини ушбу кичик мисолда ҳам кузатиш мумкин:

Менинг кўнглим учун, бил, ғам
яралган,
Икки кўзим туфайли нам яралган.
Қанот қоққан эдим бир субҳидамда,
Кечикмасдан қафас шул дам
яралган.

Мирзо Абдулқодир Бедилнинг «Такаллум» ғазаллар мажмуаси икки минг нусхада нашр қилинган. Тақризчи—шарқшунос Абдулла Аҳмедов. Рисолага М. Аҳмедов ва З. Ишманова муҳаррирлик қилишган. Безовчи мусаввир И. Кидиров. Баҳоси шартнома асосида.

«ҲУР НИДО»

Наби Жамолиддин ҳозирги замон ўзбек шеъриятининг навқирон авлодига мансуб истеъдодли ёш шоирлардан. Унинг шеърий машқлари республика газета ва журналларида эълон қилина бошланганига анча бўлди. Ва, мана ниҳоят унинг «Ҳур нидо» деб номланган шеърлар тўплами яқинда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти томонидан босмадан чиқарилди. Мажмуадаги шеърларда ёш қалбнинг ҳаёт мураккабликлари, турмуш зиддиятлари қаршисидаги ҳис-ҳаяжонлари, гўзаллик ва мўъжизалар олдидаги ҳайрат ва сукутлар жозиб ифодаларини топган. Ёшликка хос сурурли кайфият шоир шеърларининг мазмун, мундарижасига сингиб кетган.



Осмон яқин,
Осмон кўкимтир,
Кўксига у бош қўяр, ана.
Ўтлар яшил,
Ўтлар сарғимтир
Муҳаббатнинг рангида олам.

Наби Жалолиддиннинг айрим шеърларида бироз ҳазин оҳанглар ҳам учрайди. Бу ҳазинликни унинг афғон урушида кўрган-кечирганлари бугун ёш шоир қалбида акс-садо бераётган хотира қийноғи, деб тушунмоқ лозим.

«Ҳур нидо» шеърлар мажмуаси икки минг нусхада чоп этилган. Муҳаррирлар А. Хўжамов, У. Қўчқор. Китобни рассом М. Карпузас безаган.

доимий ҳамроҳ

Анвар ОБИДЖОН

ЭРКИН ВОҲИДОВГА ОЛТИАРИҚЧА ТЎЁНА

Анвар Обиджон ижоди теша тегмаган услублар, ажабтовур топилмалар билан азалдан ажралиб туради. Унинг достоннамо шеърий гулдастаси ҳам устозга ўз меҳрини изҳор этишнинг янгича услуби сифатида қабул қилинса ажаб эмас.

«Қўлбола тўёна» бу йил 60 ёшга тўлаётган забардаст ва суюкли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг мухлисларига албатта манзур бўлади, деган умиддамиз.

Ухлар олтмиш ёшли йигитча
Бошга қўйиб «Ёшлик девони»н.
Тушида шавқ кечиб бу кеча,
Жононларга улашар жонин.

Ойни тўсиб тутунтан кимса,
Ота бошлар бошқатдан таъна:
«Ғазал-пазал — эскирган нимча...
Чалғияпмиз курашдан яна...»

Шоир ухлар қилмасдан парво
Ғаж-ғужларнинг «гулдираги»га.
Ўхшатди ё инфуруш момо —
Аравасин ғилдирагига.

* * *

Ўзни севишни билмаган
гилни севишни билмагай,
Кўзни севишни билмаган
дилни севишни билмагай.

Бўлса ғазалнинг атри кўп,
бўлгай тилимнинг қадри кўп,
Сўзни севишни билмаган
тилни севишни билмагай.
Ёрни ёмондан қўрмаган
юртни ёвуздан асрамас,
Қизни севишни билмаган
элни севишни билмагай...

* * *

Тушимда
янчиб,
парчалаб,
Кулаётган эмишман!
Ичаётган эмишман...
Қучаётган эмишман...
Учаётган эмишман...
Файласуфлар:
Ҳар қандай уйғониш
ижобий, дейишади.
Мен... уйғониб кетдим...
Шу ижобийми?!

* * *

Хайрли тонг, гулкўнгил устоз,
Уйқу яна заҳирангизда.
Тонгни ўпинг, Хуршидбек шоввоз
Тортиқ этган набирангиздек.

Чиқинг, ҳаёт чорлар ҳовлида,
Кутар ҳаёт — елкада сочиқ.
Чой ҳам келар оби-тобида,
Ҳаёт каби хушбўй ва аччиқ.

* * *

Қанддоннинг ёнида «Сергей Есенин»,
Нонуштадан туйқус айний бошлайсиз.
Бол қолиб, беқиёс ташбеҳлар жизин
Тилингиз куйганча чайнай бошлайсиз.

Бунчалар исёнчи, бунчалар латиф...
Таниш бу вулқонли ҳислар мактаби.
Уларга ёт — шоҳлар кашф этган тартиб...
Эҳ, само фарзанди! Руснинг Машраби!

Таржима сеҳри-ла «қочди жин хумдан»,
Қоғозлар жангари шеърдан иккиқат.
Есенинча бездик ҳаёт, тузумдан,
Лек ўзни осмоққа топмадик журъат.

Гар шоир бўлмаса, балки бет қотиб,
Чиқарди Сергейдан ўғрининг зўри.
Ҳайҳотки, кимлардир ўзин дер адиб,
Синчиклаб тикилсанг, ғирт туғма ўғри.

* * *

Шоир кўққис силкиниб кетар
Қайрағочга теккандек яшин.
Шу паллада бибиблаб нетар
Савил қолгур хизматчи мошин.

Ғилдиракли бу темир аждар
Илҳомингни ғажиб тўймас ҳеч.
Туйғунг билан опкетиб саҳар,
Уйқунг билан ташлаб кетар кеч.

* * *

Байроқдор бино — чўнг режалар уйи!
Ҳар гал бир тислангум борганим чоғда.
Тўртинчи қават, ўв-в, баландлигини
Англарман...
Тургандек «Шарқий қирғоқ»да.

Қаршилайсиз ҳоргин...
Кўзлар умидвор
Гўё сайловчилар ризолигидан.
Билдимки, ноиблик оғирдир минг бор
Энгелс колхозин аъзолигидан.[1]

* * *

«Ёлвориб мен пастда дердим:
бир нафас ёнимга туш,
Азгануш, ҳой, Азганушим,
Азганушжон, Азгануш».
Энди дерман: бунда ишқмас,
иш қулиман вақти зиқ,
Ол-да рухсатнома пастдан,
Азгануш, ёнимга чиқ...

* * *

Дард йўққи — шеър йўқ, деб ғудрана бошлар,
Амал бор. Рўзғор бут. Буёқ — кайф-сафо...
Шиддат кутар «Эзма чоллар»дан ҳатто
«Ҳозирги ёшлар»,
Эҳ, ҳозирги ёшлар!

Ҳовли шай,
Чорбоғ шай — осуда Дўрмон,
Шеър эса туғилмас, вақт ўтди талай.
Наҳот зилзилабоп палатка қулай
Ўн кунда ёзмоқ-чун яна зўр достон?

* * *

Машҳурлар — синиқдил.
Йўлдош ҳар лаҳза
Уларга маломат, таъна, эътироз...
Ўйларимда ўйчан кезасиз баъзан,
Хаёлимда хаёл сурасиз, устоз:
Яссавий лаҳм аро назмий зар қазди,
Бистомийга қудрат берди саёқлик,
Насимий қони-ла кундага ёзди...
Кулфат шон келтирди уларга тоғдек.
Амалдор кулфати — оддий алифбе,
Курсидан йиқилса, ётар жонталаш.
Истеъдод аҳлининг фожиаси не?
Мансабга сургунлик — Тепага қулаш!

{1.Эркин ака 70-йилларда Пахтаободдаги шу колхознинг фахрий аъзоси эди.}

* * *

Орзум кўпу мажолим қани?!

* * *

Иситмалаб ётар қаламим...

* * *

Ғунчалар юмдалаб гулни гул бўлар,
Устанинг шаҳдини қўзғар қув шотир.
Аслида шум ёшлар жа яхши билар:
Шеър ёзган шоиру зўр ёзган моҳир.

Билишар сўз айтмоқ кечганин қийин,
Бек «Қизил Қалам»нинг куч ва шитобин.
«Доҳий»га беш карра саждадан кейин
Бир бор Темур дея олмоқ азобин.

Гарчи юрт энди ҳур, шукрона минг-минг,
Гоҳ Ўтган кундасиз, гоҳо Ўшасиз.
Сирожиддин, Аъзам,
Иқбол, Нор...ларнинг
«Машқ»ин ўқиб, беҳос чўчиб тушасиз.

Бошни бир силтайсиз, жамланади хуш,
Топиб, шод қучасиз Бугунингизни.
Олиб қочар кўлга чиройли оққуш
Ҳадикка лиқ тўла тугунингизни.

Ҳадикчи қўрқоқмас,
чин қўрқоқ удир —
Ботинмас ким ҳадик оша сакрашга.
«Арслон ўргатувчи» бўлса ҳам ботир,
Устамон шоирга тенгмас курашда.

Она тилим ўлмас, деган Булбулсиз
«Юқори бозор»да қиммат вақт Тўти.
Ёт тилда ариза ёзса бўзчи қиз,
Ўзбекча сўйлади сиз боис Гёте.

Бўй етмас узум биз тулкичаларга
«Нидо»ю «Ўзбегим», «Руҳлар исёни».
Ҳали кўп саҳнабоз қулайди «жар»га
Кўрмай битта «Олтин девор»нинг шонин.

Ханжар бир эрмакдек саркарда учун,
Олишса-да шердек гоҳ кўл жангида.
Матмуса кошифи — тиғдор Ҳажвчи
Не ажаб, қолса дев Шоир чангида...

Биламиз, ҳаммасин биламиз, устоз,
То ўзбек насли бор, бутдир қадрингиз.
Бу юртда атторнинг эшаги холос
Ҳануз ёд билмаган бирон сатрингиз.

* * *

Домла Саид Аҳмад, дўлайиб бурнин,
Деганди:
— Ижодкор? Борми ўз ўрни?



Асримиз сўнгида тарихга ёриб —
Киролди Эркину Абдулла Ориф.

* * *

Бағишлов шеър битинг бу оқшом тўрт байт
Қайтгач Олий Мажлис идорасидан.
Сиз севган қишлоқ бор, кўргансиз бир пайт
Боқиб Останкино минорасидан.
Доңғи Туркистонни қилгудек қарам,
Шоиру ҳофизу бодринглар кони.
Аҳлига бегона дабдаба, ҳашам,
Бахти — сув, томорқа.
Бойлиги — нони.
Ҳашамлар кетидан чопиб толмаймиз,
Тирмашамиз қонаб тирноқларимиз.
Балки биз шаҳарсиз яшай олмаймиз,
Бизсиз яшай олар қишлоқларимиз...
Хулласи, ҳув ўша Олтиариқ ҳам
Бу йил етмиш ёшга тўлар омон-соғ.
(Демак, сиз кўз очмай, ўн йил муқаддам,
Жонзич бу депара бўлган яп-яйдоқ).

* * *

Митти, юпун бир шоҳ бўлганин,
Мамлакати Қишлоқ бўлганин
Сўзлаб юрар сирли донишманд.

Бир-бир қоқиб йиллар эшигин,
Шилдироғин, тожли бешигин
Излаб юрар сирли донишманд.

* * *

Олтмиш ёш нимадир...
ўткинчи чопар...
Тангри одиллиги — умидлар нури.
Ўғлига қолмаса, кимга ҳам қолар
Қирғинда ёш кетган Отанинг умри...

Апрел, 1996.

ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИРИК РУҲЛАР

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло яқинда «Тирик руҳлар» номли янги романини ёзиб битирди. Асарда 20-30-йилларнинг зиддиятларга тўла ҳаёти, октябр тўнтаришларидан кейин болшевикларнинг ҳокимият тепасига келиб, аввал бошда чин инқилобчиларни йўқ қила бошлагани, Туркистонда ўтказишган қирғинликлари, Қўқон мухториятини қонга ботирганлари ҳамда мухторият раҳбарларидан бири, ватанпарвар инсон Убайдулла Хўжаевнинг фожиали қисмати ҳақида ҳикоя қилади.

Биз қуйида эътиборингизга «Тирик руҳлар» романидан парча эълон қиляпмиз.



«Бармоқлар муштга айланмасдан қирқиш керак. Бармоқлар муштга айландими, у кучга айланади».

Инқилобнинг биринчи кунлариданоқ болшевиклар шунга амал қиладилар. Шу йўлни тутдилар.

Ленин бошлиқ болшевиклар чор империяси ағдарилгач, ҳамма халқларга мухторият ва ҳуррият ваъда қилган бўлсалар-да, орадан кўп ўтмай бу ваъдаларидан ўзлари ваҳимага тушиб қолишди. Русияга қарам ўлкаларнинг бирин-кетин мухторият учун курашлари гўё рус давлатини яккалаб, бойликлардан маҳрум қилиб, унга таҳдид солаётгандек, болшевикларни талвасага солиб қўяди. Болшевиклар шошилинч равишда 1917 йилнинг декабрида, ҳали мухторият олинганига ўн кун бўлмасдан Туркистон мухторияти раҳбарларига таслим бўлишни талаб қилиб ултиматум юбордилар. Болшевиклар томонидан риёкорона қилинган бундай ҳаракатга мухторият раҳбарлари, «Совет ҳукуматини танишни, таслим бўлишни бутунлай рад этамиз», деган қатъий фикр билдирилди. Ушандан буён мана икки ойдан кўпроқ вақт ўтди, болшевиклардан бирор жавоб йўқ. Уларнинг ниятлари, бу сукунатнинг боиси нима, ҳозирча тангридан ўзгага аён эмас.

Мухторият қувончи билан халойиқ қаҳратон қиш чилласини ҳам ўтказади.

Туркистон мухторият олганига ҳали уч ой ҳам бўлмасдан, 1918 йилнинг илк баҳори — 19 февралда унинг маркази Қўқон шаҳри қонга ботирилди. Туркистон ўлка Ҳарбий комиссари Перфилов бир маҳалда ўн икки замбаракдан Қўқон аҳолиси устига ўт очиш, ёндирувчи снарядлар ёғдиришни буюрди. Шаҳар аланга ичида қолди. Ўн минглаб кишилар ҳалок бўлди. Туркистон мухторияти жойлашган бино вайрон қилиниб, кули кўкка совирилди. Сибир қамоқларидан келтирилган каллакесарлар хонадонларни, бойларнинг бисотларини талаб, гўдакларни она кўкрагидан юлқиб, найзаларга илиб, ёнаётган гулханга отдилар...

Осмону фалакка ўрлаган фарёду нолалар, йиғи-сиғи, қонли кўз ёшлар, вайронаю харобаликлар фақат Қўқон шаҳринигина эмас, бутун Туркистонни қоп-қора булутдек босганди.

Мухторият истаган Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларга Фрунзе, Куйбишев бошлиқ тўп-аслаҳалар билан келган каллакесарлар хонадонларга ўт қўйиб, бегуноҳ халойиқни қиличдан ўтказди. Мухторият раҳбарлари назорат остига олинди.

Болшевиклар макр йўлига ҳам ўтади. 1918 йили Қўқонда оққан қон таъсирида мухторият учун курашаётган бошқа ўлкалар болшевикларга қарши қўзғалиб қолмасликлари, уларни вақтинча тинчитиш ва ўзларини бегуноҳ кўрсатиш ниятида туркий ўлкаларнинг айримларига, жумладан, 1919 йили Бошқирдистонга мустақиллик берадилар.

Қўқон мухторияти қонга белангандан кейин, унинг раҳбарлари бошпана излаб ҳамда курашни давом эттириш учун мухторият олган турли шаҳарларга тарқалиб кетдилар. Мунаввар қори, Чўлпон, Мустафо Чўқайлар Москва, Уринбург шаҳарларига, Убайдуллахон қадрдон дўсти Заки Валадийнинг мухторият олган ватани пойтахти Уфага боради.

Лекин... фарёдлар бўлсинки, Бошқирдистондаги Истиқлол шодликлари ҳам Қўқондаги каби узоққа бормайди, қонга ботирилади. Халқ алданади. 1919 йили берилган истиқлол орадан бир йил ўтар-ўтмас, 1920 йили болшевиклар томонидан барбод қилинади. Убайдуллахон ҳаёти бу ерда ҳам хавф остида қолади. Ҳарбий-инқилобий қўмитанинг раҳбарларидан бири Илёс Алқин шу қўмитанинг масъул котиби вазифасида хизмат қилаётган Туркистоннинг кўзга кўринган арбобларидан бўлган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев Бошқирдистоннинг Тачура деган ерида болшевиклар томонидан Илёс Алқин билан бирга ҳибсга олиниб, Оренбург, ундан кейин Москванинг Бутир турмасига олиб кетилади...

Мана, неча ойки, Убайдуллахон Бутир турмасининг бир кишилик қоронғу хонасида. Ватан соғинчидан унинг қалбида портлагандек ногаҳон «воҳ» деган садо чиқади-ю ўзига содиқ дардкаш топгандек кўз ёшлари билан фиғон қилади.

Фиғонким, гардиши даврон айирди шоҳсуворимдан,
Ғамим кўп, эй кўнгил, сен бехабарсан оҳу зоримдан.
Ғуборим ишқ водисида барбод ўлди, андоғким,
Биёбонлардан Мажнун тўтиё излар ғуборимдан...

Убайдуллахоннинг кўнглидан ўтган Фурқатнинг бу нолиши унга бир оз таскин берган бўлса ҳам, Урусия зулми фақат ўз бошидан эмас, авлод-аждодлари устидан ҳукмрон бўлиб келганини ўйларкан, бошларини деворга уриб алам ва бедодликдан дунёга жар солгудек бўларди.

— Нега бизни қамадилар? Гуноҳимиз нима? Бизни қамаганлар ўзлари кимлар?..

Бу адолатсизликлар бошида давлат раҳбари Ленин билан Сталин турмаганида, кимларгадир арз этмоқ имкони бўларди. Бу қирғин, қон тўкишларнинг соҳиблари ўзлари бўлгач...

Бу азобдан қутулиш учун жиноят ўзи нима, жиноятчи ким, сенларми, менми, деб очиғига ўтиб қўяқолай, деб ўйлайди-ю аммо бу билан ютмаслигига ақли етиб, яна тилини тияди-да худодан ўзига сабр тилайди.

Терговчи: «Охирги марта айтиб қўяй, ёлғон гапирганлигинг учун ҳам жазо бор», деб яна дағдаға қила бошлади.

Терговчининг гапи мантиқсизлигига ичидан кулиб:

— Ёлғон учун жазо амалда бўлса, жуда маъқул, унда мен ютқазмайман, — деди Убайдуллахон.

— Ундай бўлса, қани ростини айтчи, Тошкентли... Ўзбек!.. Бошқиристонга, Уфага боғлиқлигинг нимадан иборат, нега келдинг, гапир?

— Бизлар ҳаммамиз мусулмон, тилимиз, урф-одатимиз бир туркий халқлармиз.

— Турклар!.. Басурман!

Терговчининг бу маломати Убайдуллахоннинг нафсониятига тегади:

— Жаноб терговчи, ҳақоратга ўтманг! Алҳамдулилло, басурмон эмас, мусулмонман.

— Мусулмонми, басурманми, менга фарқсиз! Гуноҳларингга иқрор бўлмасанг, Инқилоб қонуни билан отиб ташлаймиз.

— Бор нарсани йўқ, йўқ нарсани бор, деб ёлғон сўзлаш, мусулмонликда гуноҳи азим!

Убайдуллахоннинг бундай жавоби терговчини яна ғазабга миндирди.

— Ҳозирдан терговни бас қиламан. Буюк рус халқини ҳақорат қилганингнинг ўзи, устингдан ҳукм чиқаришим учун етарли! Демак, сенингча, руслар — христианлар ёлғончи, демак, мусулмонлар роспўй...

— Айни замонда, жаноб терговчи, сиз рус эмассиз!

Терговчи қаҳр билан:

— Нима? — деди ўшқириб.

Убайдуллахон:

— Христиан ҳам эмассиз, сиз болшевиксиз! Лев Никалаевич Толстой — у рус! У худога ишонган, ёлғонни гуноҳ билган рус! — деди босиқлик билан.

Убайдуллахон оғзидан Толстой номини эшитган терговчи бу «азиат» Толстойни қаёқдан биларкан, деган хаёлга келди-ю унинг кейинги айтган гаплари қулоғига ҳам кирмай, хо-холаб кула бошлади:

— Толстойни ҳам биламан дегин!

— Биламан эмас, Толстой ҳам мени биларди!

Терговчи олдингисидан ҳам қаттиқроқ хо-холади. Унинг бундай кулишини Убайдуллахоннинг Толстой деган ёзувчи борлигини эшитмаганлигидан, деб тушуниш мумкин эди. Чунки Совет давлати инқилобнинг дастлабки йиллари ўз атрофида илмли, зиёли кишилар эмас, аксинча, раҳм-шафқатни билмайдиган, совет тузумига содиқ, буйруқни бажарувчи одамлар бўлишини муҳим деб билган эди. Москвадаги Бутир турмасининг ҳозирги терговчиси ҳам худди шундайлардан эди.

Терговчи қаршисида турган Убайдуллахонга қараб ғазаби яна авж олди. Кўзларига тергов қилмаёқ уни бўғиб ўлдириш лозим бўлган ашаддий душман бўлиб кўриниб кетди. У билан савол-жавоб қилиб ўтирмасдан асосий масалага ўтишни афзал билди:

— Илёс Алқин ким?

Бундай бемаъни саволга Убайдуллахон ҳам маънан муносиб жавоб қайтарди:

— У-ми? Одам!

— Одам эмас!.. Советларнинг, бошқирд халқининг ашаддий душмани!.. Сенинг дўстингми, у?

— Менинг дўстим.

Бундай жавоб, Убайдуллахонни душманлигига иқрор қилгандек, терговчини қувонтирди.

— Жиноятчининг дўсти ким бўлади? Жиноятчи! Илёс Алқин ўз жиноятига, совет давлатига нисбатан душманлигига тўла иқрор бўлди. Сен... ўжарлик қилишинг бефойда.

— У сизларга душман бўлиши мумкин, аммо жиноятчи эмас! — Убайдуллахоннинг бу сўз ўйини маъносига аниқ тушунолмаган терговчи унга дарғазаб тикилди:

— Нима?.. Адвокатлигингни бас қил! Душман бўлармишу жиноятчи бўлмасмиш! Совет ҳукуматига душманлик бу жиноят эмасми?

Убайдуллахон бу гапни қай маънода айтди, бунинг тагида қандай фалсафий қараши борлигини бу терговчи тасаввур ҳам қилолмасди.

Убайдуллахон, «жиноятчи эмас», деб жавоб қилганда душманлик ва жиноят нималигига бир адвокат сифатида ҳамда жаҳон адолат қонунчилигидан келиб чиқиб ёндошган эди. Шунинг учун терговчининг «Бошқирдистонга нима мақсадда келдинг, Илёс Алқин билан алоқанг қандай, дўстларинг ким?» сингари сўроқларини эшитиб ўтирмасдан, ҳаммасига бир йўла жавоб айтиб, чакагига уриб қўяқолишни маъқул топиб, Илёс Алқин ҳам, ўзи ҳам ҳеч қандай жиноятчи эмаслигига ишонтирмоқчи бўлади:

— Совет давлатининг доҳийси Ленин ҳар бир миллатга мустақиллик ваъда этган бўлса, биз Лениннинг сўзига амал қилиб, ишониб, мухторият учун курашган бўлсак, бунинг нимаси жиноят?

Убайдуллахоннинг асабини босиб, вазминлик билан қилган бундай жавоби терговчини яна ҳам тутоқтирди: уни ҳозир бўғиб ташлагудек ғазаб билан ўрнидан туриб, у томон кела бошлади. Аммо хўрлик ва аламига чидай олмаган Убайдуллахон очиқ жангга ўтиб, «халқни алдаган Ленин, сизлар», демоқчи эдию, айтишга улгурмади — ғазабига чидолмаган терговчи тўппончани қарсиллатиб стулга урди. Кўзлари қинидан чиққудек унинг олдига бориб, ёқасидан силкита бошлади. Бир неча ой Бутир турмасида ётиб озган, табиатан жуссаси кичик бу одамни терговчи бир қўли билан бўғиб, бир қўли билан шапалоқлаб ура бошлади. Аммо Убайдуллахон нима учундир, жонсиз қўғирчоқдек, унга қаршилик кўрсатмади. Гапириш, нажот сўрашнинг фойдаси йўқ, дегандек ўзини унинг ихтиёрига қўйиб берди. Ниҳоят жазавасидан тушиб ўзига келган терговчи уни ғазаб билан туртиб, силжитиб, курсига ўтиргизди.

Орага жимлик чўкди. Терговчи моҳорка исидан сасиб кетган хонада яна босиб-босиб чекди. Сочлари тўзғиган, ёқалари йиртилиб, тугмалари узилган маҳбус болшевиклардан раҳм-шафқат кутиш ортиқча эканлигига ишонч ҳосил қилгач, бу жоҳиллар оёғи остида ўзини хор қилмай, кўнглидаги бор ҳақиқатни айтиб, хуморидан чиқишни, ундан кейин пешонасига ёзилган нима бўлса, шуни кўришни ўйларди:

— Жиноятчилар кимлигини мана энди айтаман.

— Ростини айт!

Маҳбус синган кўзойнагини тўғрилаб, жуда вазминлик билан:

— Мен қамоқда ётганим Масков — русларнинг киндик қони томган ватани, Русия уларнинг жонажон юртлари! Унга ташқаридан кимдир келиб ҳукмини ўтказмоқчи бўлса, мол-мулкини талаб, бойликларига эгалик қилмоқчи бўлса, ўз ғайриқонуний, урф-одатларига зўрлаб бўйсундирмоқчи бўлса ёки у қандай олижаноб ниятлар, ваъдалар билан бостириб кириб келган бўлмасин, босқинчи саналмай, йўқми? Бировнинг ҳовлисига бостириб кириб, бир бечоранинг бор мол-мулкини талаган босқинчи, жиноятчи саналмай, бор-йўғидан айрилиб жабрланган уй эгаси жиноятчи саналса... Бу қайси инсоф китобида ёзилган? Биз Туркистон халқлари рус юртига бостириб кирдикми? Ўз урф-одатларимизга, қонунларимизга русларни бўйсундирмоқчи бўлдикми, қайси гуноҳимиз учун болшевиклар олдида биз жиноятчи бўлиб қолдик? Жиноятчи, талончи, зўравон ким?

Убайдуллахоннинг бу гапларида қанчалик мантиқ, қанчалик ҳақиқат бор, бу жоҳил терговчи бу ҳақда ўйлашни истамасди. Унинг бирдан-бир фикри Убайдуллахонни йўқ жиноятига иқрор қилдириш, отиш, ўлдириш!

Унинг ғазабини қўзғатган нарса Убайдуллахоннинг гапларидаги ҳақиқат эмас, йўқ, гуноҳни дарҳол бўйнига олмай қилган қайсарлиги эди. Терговчи унинг бу гапларини эшитишни истамасди.

— Бас!.. Бас!..

Терговчининг дўқ-пўписа, дағдағасига қарамай, бу жоҳилларнинг қўлидан қутулиб бўлмаслигини билган Убайдуллахон кўнглидаги гапларни тўкиб ташлади:

— Қўқон, туркий халқларнинг тарихий она юрти Туркистон мухторияти барбод қилинди. Қўқон қонга ботирилди. Халқи таланди, шаҳар ўт ичида қолиб, кулга айланди. Сиз болшевиклар, бизларнинг олдимизда жиноятчи бўлмай, бизнинг душманимиз саналмай, бизлар жиноятчи бўламизми? Сиз душман саналмай, биз душман саналамизми? Айбимиз — таланганимиз, айбимиз — чор зулмидан қутилиб, сиз болшавойларга қуллуқ қилганимизми? Истиқлол қилганимизми?

Маҳбус гапларининг кутилмаганда бундай якунланишидан гангиб қолган терговчи, давомини кутмасданоқ, тўппонча билан бўйнига туширди. У ўтирган жойида ерга беҳуш қулади. Терговчи талвасада телефонга ёпишди...

Убайдуллахон Бутир турмасида узоқ ётиб қолди.

* * *

Убайдуллахондан Бошқирдистондаман, деб келган хабардан бошқа унинг қамалиб Бутир турмасида ётгани-ю қамоқдан чиққанидан уйидагилар хабардор эмас эди. Унинг ўлик-тиригидан қариндош - уруғи ҳам, онаси ҳам бехабар, фироқда ўртаниб, ўз ёғига ўзи қоврилган, дарди ичида эди.

1920-1930-йиллари қамалганларнинг ҳаммаси қамалишларидан олдин, айримлар қамалган вақтида хотинларини ўзлари билан бирга душман сифатида жазо тортишларининг олдини олиб, улардан ажралганлари ҳақида талоқ хатини расмийлаштиришга мажбур бўлганлар. 30-йилларда Маориф вазирлигида котиб бўлиб ишлаган, ўша йиллари халқ душмани деб отилиб кетган Асадулло Хўжахонов, Мунаввар қорилар ҳам шундай қилганлар.

Ватан учун жон фидо қилган, миллатим деб бутун умрини сарфлаган садоқатли бу инсонларнинг гуноҳи нима? Гуноҳи аксилинқилобчилик эмиш! Аксинча, аксилинқилобчи эмас, ҳақиқий инқилобчилар дейиш керак уларни. Ахир, инқилобни бошлаган ҳақиқий инқилобчилар Туркистон халқлари эмасми! Гуноҳлари — ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилганларими? Ахир, бу инқилобнинг ғалабасида уларнинг ҳам ҳақлари йўқми?

Чоризм тузуми ва унинг зулмига қарши озодлик ва истиқлол учун курашиб, инқилоб қилганлар фақат ёлғиз болшевиклармиди? Меншевиклармчи? Кадетларчи? Эсерларчи? Жадидларчи? Рус империясининг зулми остида инграб, унга қарши умр бўйи курашиб келган Туркистон халқлари-чи? Ахир, буларнинг ҳиссаси йўқмиди? Инқилобга йўл очган даставвал Туркистон халқлари-ку!

Судланувчи Убайдуллахоннинг нима демоқчи эканини сезган суд раиси ўрнидан туриб қўнғироғини чалиб, уни тўхтатмоқчи бўлади-ю аммо у сўзини давом эттириб деди:

— Инқилобнинг ғалаба билан ҳал бўлишида болшевикларнинг хизмати инкор этиб бўлмайдиган даражада катта! Аммо, инқилобий ҳаракат, чор Русияси тузумига қарши кураш қаердан, қачон бошланган?..

Эски сана билан 1281 йил, 19 зулҳижжа, янги ҳисобда 1865 йилнинг 15 майида генерал Черняев Тошкент шаҳрига босиб кирганини болшевиклар тарихдан яхши биладилар. Мана, инқилоб қаердан бошланди. Бу инкор этиб бўлмас тарихий ҳақиқат! Генерал Черняев Туркистондаги қонхўрликлари, босқинчиликларини халқдан яшириб, ўзини оқлаш мақсадида не-не макр, алдов йўлларини изламайди. Тошкентнинг энг эътиборли кишилари бўлган Мулла Солиҳбек додҳо, Бердибой саркор Себзорий, Файзбачча Тошкандий, Мулла Қўшқазоқларни ўз ҳузурига чорлаб, Петербургга, подшо жанобларига номига, ўзи айтиб туриб, қуйидаги мазмунда халойиқ номидан хат ёзишларини талаб қилган:

«Қанча вақтдуркими Фарғона ҳукмдорлари Туркистон аҳлига зулм қилиб келмоқдалар, закот, хирож жуда оғир, олиқ-солиқ қоидалари бузилган, ноҳақ қонлар тўкадилар, шариатга амал қилмайдилар, уламоларга қулоқ солмайдилар, айниқса, қипчоқ, қирғиз ва қозоқлар кўп зулм кўрдилар. Шу сабабдан, биз халқимиз билан, иккиланмасдан рус аскарларини таклиф қилдик, токи Фарғона ҳокимларидан қутилиш, фуқаролар тинчлигини кўзлаб...»

Буни эшитган Мулла Солиҳбек узоқ хаёлга толади. Бунга розилик бериш бир ўзигагина эмас, халқига ҳам хиёнат, золимлар ёнини олиш бўларди. Қўлида қилич яланғочлаб турган жаллодга қарши чиқишдан мурод ҳосил бўлмаслигини ҳам у яхши биларди. Шу боис ниҳоятда доно ва ўз виждонига хилоф бўлмаган йўлини танлаб: «Биз хатда бўлган воқеани ўзгартирмаймиз. Аммо мен бор ҳақиқатни ёзаман. Яъни: «Руслар Туркистон шаҳарларини жанг-жадал билан эгалладилар. Жумладан, Тошкентни ҳам. Кўп ҳолларда улар кечаси, тўсатдан ҳужум қилдилар, ҳеч қандай музокарасиз, ҳеч бир шартсиз (аҳоли учун), ҳамма ерда қаттиқ жанг бўлди, айниқса, Тошкентда, зулҳижжа ойининг ўртасидан то сафар ойининг 12-сигача жанг бўлди, шаҳарни 42 кун сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирдилар... руслар бостириб кирганда, сешанба кундан то пайшанбагача шаҳар кўчаларида жанг борди. Ниҳоят руслар сулҳ тузишни таклиф этдилар ва шундан сўнг биз ҳам сулҳга розилик бердик ва сулҳ шартномаси тузилди...».

Мулла Солиҳбек додҳонинг ниҳоятда донолик билан рус босқинчилигини фош қилиш мазмунидаги бундай мактуби генерал Черняев ғазабини қўзғади. Аммо у ўз ғазабини қанчалик сездирмоқчи бўлмасин, қилич дастасига беихтиёр бориб қолган қўлларининг қалтираши, унинг ички дунёси қасос қасдида ёнаётганини ошкор этиб турарди.

Ғазабини яширолмаган генерал Черняев: «Кимки Мулла Солиҳбек додҳо тарафдори бўлса, бир томонга ўтсин», деди. Сўнгра унинг буйруғи билан хат ёзиш маросимида иштирок этган, Мулла Солиҳбек додҳо фикрига қўшилган у бошлиқ етти кишини шу ондаёқ генерал Черняев соқчилари қуршаб олиб, почта аравасига солишиб, Коффол ва Дум деган жойга олиб кетдилар.

Генерал Черняевга қаршилик кўрсатганлар ва Мулла Солиҳбек додҳо тарафдорлари ҳаммаси кейинчалик халқдан яширин равишда Томскка бадарға қилиниб, ўша ерда йўқ қилинади.

Бу курашнинг бошланиши эди, холос! Болшавойлар эса халқларга озодлик берган, инқилоб қилган бизлар, деган даъво билан чоризм устидан қозонилган ғалабага фақат ўзлари эгалик қилмоқчи бўлсалар. Тавба!.. Бу қайси адолат қонунига киради? Бу Туркистон ҳиссасига хиёнатку»

Чоризм зулмини тортган биз жабрдийда Туркистон халқлари империя тузумига қарши кураш бошлаганимизда, болшовойлар партияси у ёқда турсин, уларнинг раҳбари Владимир Ленин ҳам ҳали дунёга келмаган эди.

Убайдуллахоннинг бу гаплари суд ҳайъатининг жони-жонидан ўтиб кетди, уларни оёғи куйган товуқдек, бир дам типирчилатиб қўйди.

Судланувчи Убайдуллахоннинг инқилоб ва мухторият, истиқлол учун курашганлар ҳақидаги инкор этиб бўлмас тарихий далиллари суд ҳайъати аъзолари орасида пичир-пичир бошланишига сабаб бўлди. Ғазабга келиб ўрнидан дикка турган суд раиси қўнғироғини кетма-кет чалиб:

— Судланувчи Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, сафсатани бас қилинг, акс ҳолда суд мажлисини тўхтатаман,— деб дўқ қилди.

Унга жавобан Убайдуллахоннинг:

— Мени гуноҳкор санаб суд қиляпсизлар, гуноҳим нима, айтайми, йўқми? — деган гапи гўё у гуноҳларини бўйнига олаётгандек, суд раисини бир оз ўйлатиб қўйди-ю унга сўзини давом эттириш имкониятини берди:

— Мен адвокатман! Адвокатни ишонтирадиган бирдан-бир таянчи аниқ далиллар ва мантиқ. Ҳа, мантиқ! Ишонтирарли сўз. Одам ўлдирганни ҳам дарҳол гуноҳкор санаб бўладими? Жаллод, деб дарҳол ҳукм чиқармоқ ҳам бутунлай хато! Ҳатто оқлаш ҳам мумкин. Ҳа, худди шундай. Бунинг учун қонун ҳакамларида мантиққа етадиган фаҳм-фаросат, илм бўлмоғи зарур.

Жангчи душманни енгиш учун ўқ отади. Ватан ҳимояси йўлида ўлдиради, ғозий бўлади, ўлса, шаҳид! Бу жиноят эмас, қаҳрамонлик. Халқ бахти, озодлик учун курашганлар, жонини қурбон қилганлар асл фарзанд саналади. Хўш, шундай бўлса, ўз эрки, ўз ватани истиқлоли учун рус империяси тизимига қарши курашганлар нега душман саналсин? Бу қайси адолатли давлат қонунига ёзилган! Наҳотки, Туркистон мухториятини қонга ботириб, ўн минглаб бегуноҳ қари-қартанглар, гўдаклар қонини тўккан, хонадонларига ўт қўйиб, култепа қилганлар жиноятчи бўлмай, бу шафқатсизликка қарши курашган халқ, унинг фарзанди мен жиноятчи бўлсам!..

Бу аччиқ ҳақиқатларни эшитган суд раиси қўнғироғини чалишни ҳам унутиб, жаҳл билан столни урди. Ҳайъат аъзолари судни тўхтатиб, кетишга ҳозирлангандай бирин-кетин ўринларидан тура бошладилар.

Убайдуллахон бор ҳақиқатни айтиб, хуморидан чиқишга қарор қилган эди. Чунки у инқилобнинг дастлабки кунлариданёқ Лениннинг: «Ким биз билан бирга эмас, демак, у бизга душман! Душманга эса шафқат йўқ!» деган буйруғига амал қилиб, судсиз, терговсиз ушлаган жойларида балоғатга етмаган 14-16 ёшли болаларгача шафқатсиз отаётган болшевиклар совет сиёсатига очиқдан-очиқ қарши чиққан Мухторият тарафдори, унинг раҳбарларидан бири бўлган менга раҳм-шафқат қилармиди, омон қўярмиди, деб тушунган эди.

Бунга қатъий ишонган Убайдуллахон суддан кечирим сўровчи айбдор сифатида эмас, балки тарих олдида бор ҳақиқатни айтиб қолишни бурч деб билган виждонли одам сифатида, суднинг қаршилик кўрсатишига қарамай, рус империяси тузуми ва унинг зулмига қарши болшовойлар эмас, биринчилардан бўлиб Туркистон халқлари кураш бошлаганликларини янги-янги далиллар билан бирма-бир санаб айтаверди. У келтираётган далиллар чор ҳукуматигина эмас, унинг ўрнига келган шўролар ҳукуматининг сиёсатини ҳам фош қилиб ташлайдиган, рад этиб бўлмас, тарихий далиллар эди.

ТИЛЛА БАЛИҚЧА ФОЖИАСИ

Бир шеър хаёли

Замон асов дарёга ўхшайди. Дарёнинг шиддати баъзан мустаҳкам қирғоқларни емиради, баъзан янги ўзанлар очиб, оқимини ўзгартиради. Лекин у оқимга қарши бўлган барча тўсиқларни шафқатсизларча оқизиб кетади. Дарёнинг оқимига қараб, унинг остида нималар борлигини билиш қийин. Қачонки, дарёнинг суви камайса ё вақтинча қурисагина сув остида қандай манзаралар борлиги аён бўлади. Шунда нималар чўкиндига айлангану, нималар оқиб кетганини билиш мумкин.

Замон ҳам шундай! Ўтиб кетгандан сўнггина унинг қандайлиги аён бўлади. Янги замон эса шиддат билан давом этади. Одамлар эса ўтган замонни тафтиш ва таҳлил қилиш билан овора бўладилар. Унинг яхши-ёмон жиҳатлари, оқ-қора саҳифалари ҳақида бир-бирларига афсус надоматлар билан сўзлаб юрадилар. Шу таҳлид замон ва одамлар бир-бирлари билан асрлар давомида келишолмайдилар. Замон бўйсунмайди. Одамзот эса... «Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ» тарзида кўникади.

Замонлар-замонларга инсоният маънавий дунёсининг бебаҳо дурдоналарини, халқларнинг ноёб фазилатларини, ўлмас анъаналарини мерос қилиб олиб ўтади. Замонлар ибратли жиҳатлари билан бир-бирларини бойитади, тўлдиради. Фаровон ва ёруғ кунларни ҳадя этади. Аммо замонлар замонларга тузумнинг тузалмас асоратларини, маънавий мажруҳлик, миллий парокандалик, маданиятсизлик сингари жиддий қусурларни ҳам олиб ўтадики, булардан кўз юмишга асло ҳаққимиз йўқ. Тарих саҳифаларида бунга мисоллар кўп.

Маънавий мажруҳлик ҳар қандай миллат учун офат. Миллий парокандалик халқ бирлигининг илдизларини яширади. Ақлий заифлик эса ҳар қандай одамни сўқирлик ва нодонлик кўчасига бошлаши табиий. Биз — мустамлака даврида ушбу кулфатларнинг барчасини бошимиздан ўтказдик. Шўро замонининг мафкура байроғи баланд кўтарилган сари миллатларнинг миллий анъаналари барҳам топиб бораверди. Зўрма-зўракилик ва даҳшатли зулм билан халқлар минг-минг йиллик ўтмишидан, ота-боболарининг хотираларидан, тарихий ва маданий меросидан жудо қилина бошланди. Бу ҳақда жуда кўп ва хўб айтилди, ёзилди ва ёзилмоқда. Вақт-соати келиб бор ҳақиқатнинг рўй-рост айтилиши муқаррар. Лекин ҳозир гап бу ҳақда эмас.

Бизга «порлоқ коммунизм»ни ваъда қилган тузумнинг бу каби даҳшатларини, зуғум ва алдовларини, турфа кўринишдаги риёларини чуқур англаб етган жасоратли халқ шоири Абдулла Орипов бундан ўттиз йил муқаддам, «социализм тўла-тўкис ғалаба қилган» даврда ўзининг «Тилла балиқчага» деган машҳур шеърини ёзди:

Тухумдан чиқди-ю келтириб уни
Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
Ташландиқ ушоқ еб ўтади куни,
Хору хас, хазонлар устин ёптилар.

Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
Ва мудроқ толларнинг аччиқ хазони.
Менга алам қилар тилла балиқча
Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни.

Ушбу шеър туфайли шоирнинг бошига не-не маломат тошлари ёғилгани аён. Шеърни айнан кўлмак ҳовузни бунёд этганлар ва унга оқиб келаётган сувнинг йўлини тўсганлар «қилич яланғочлаб» муҳокама қилдилар. Улар ҳовуздан кўнгилни айнитадиган бадбўй кўлмак ҳиди келиб турганини билишса ҳам, ҳақиқатни тан олгилари келмади. Буюк социализм ҳовузларида мутлақо кўлмак бўлмайди, деб даъво қилишди. Гарчи улкан ҳовуз тўла «ташландиқ ушоқ»ни кўриб турган бўлсалар ҳам, бу энг улуғ ноз-неъматлар, деб аюҳаннос солишди. «Хору хас, хазонлар устин» ёпганлигини билиб сезганлари ҳолда, бу ҳовузнинг зеб-зийнатлари, гўзаллиги, дея қайта-қайта мақтанишди. Улар «мудроқ толларнинг аччиқ хазони»дан кўнгиллари айниганини ҳис қила туриб, бу толлар «жамиятимиз»нинг мангу уйғоқлигидан, умрбоқийлигидан далолат, дея ҳайқиришди. Ғазаб отига минган муҳокамачиларнинг ҳайқириғидан илҳомланган қанча-қанча ғаразли қаламлар ишга киришди. Улар ҳам зўр бериб кўлмакли ҳовузни ҳимоя қила бошладилар, уни мадҳ этишдан чарчамадилар.

Тилла балиқча эса бепарво. У ўз дунёси — кўлмак ҳовузда шодлигидан чарх уриб сузгани сузган. Кундалик емиши — ташландик ушоқ унга ноёб таом бўлиб туюлади. Хас-хашаклар ва хазонлар кўлмак сув бетида қалқиб юрганини сезмайди ҳам. Сезганида уларни атиргул ўрнида қабул қилиши тайин эди. Шундай бўлсада, бу хунук манзарани ажиб бир гўзаллик ўрнида қабул қилади. Ва завқу шавқ билан тепасидаги хору хасга қараб интилади. Уни олий зотларнинг инъомлари деб билади.

Тилла балиқча лоқайд. У ўзини, ўзлигини билмайди, қавмини мутлақо унутган. Бу ҳовузга қачон, қандай тушиб қолганини эслолмайди. Унинг юрагида ҳақиқий балиқлик туйғуси ўлиб бораётганидан бехабар, бош мияси карахт, сезги аъзолари кўлмак таъсирига мослашган. Кўзлари олисни кўрмайди, атрофидаги шакл ва рангларни фарқлай олмади. Ҳамма-ҳаммаси унга кўлмак бўлиб кўринаверади. Кўлмак таъми балиқнинг эт-этига сингиб кетган. Ялтираб турган тилла тангачаларидан ҳам кўлмакнинг акси ва ҳиди келади. Ўлжага ташланишга ҳоли йўқ, жасорати сўнган. Унга тегишмаса бас. У бировга тегмайди. Баъзида хазонлар орасидан тўшиб қоладиган тангадай ёруғда ўзининг соясини кўриб хурсанд бўлади. Мендан зўр балиқ йўқ деб ўзига-ўзи мақтанади, гуппилик қилади. Ўз-ўзига ўта маҳлиё бўлиб қолган тилла балиқчанинг ҳаракатларида, қанот қоқишларида такаббурлик, кеккайиш, мунофиқлик аломатлари кўринади. У ҳовуз қирғоқларида қандай воқеалар содир бўлаётганлигини сезмайди. Нуқул ҳовузнинг ўнгидан чапига, чапидан ўнг томонига қараб сузгани сузган... Ҳовузнинг суви эса бадбўй, сасигандан сасийди...

Э, бародарлар, мен шўрлик ва бечора тилла балиқчага жуда-жуда ачинаман. Унга ниҳоятда раҳмим келади. Жон-жаҳдим билан уни кўлмак ҳовуздан қутқармоқчи бўламан. Сиз-чи? Сиз тилла балиқчага ачинамайсизми, унга раҳмингиз келмайдими, уни қутқаришга шошмайсизми? Нега? Нима учун?...

Саволлар балиқчанинг тангаларидай кўп. Сиз бўлсангиз жавоб беришга ошиқмайсиз. Менинг сўзларимни лоқайдлик билан тинглайсиз. Тилла балиқча фожиасидан заррача ҳаяжонга тушмайсиз. Меҳрингиз тошга айланиб, дийдангиз қотиб қолган. Чунки сиз...

Сиз эса... жон-жаҳдингиз билан бозорга ошиқасиз. Бозорда кун сайин ўсиб бораётган нарх-наво зиналаридан юқорига зўр бериб ўрмалайсиз. Мана мирзатеракдек кўкка бўй чўзаётган баланд-баланд баҳоларга етолмай толиқасиз, нафасингиз қайтиб ҳансирайсиз. Бозорда бир-бирини алдаётган оломонни, нафси хакалак отган олиб-сотарни, инсоф ва диёнатни аллақачон сотиб юборган чайқовчини кўриб қаттиқ ранжийсиз. Хулас, бозорда ҳақиқий деҳқондан, савдогардан бошқа ҳамма тоифа «савдо» қилаяпти. Улар қайсидир жиҳатлари билан тилла балиқчага жуда-жуда ўхшайди. Ахир, улар ҳам дунёни фақат бойлик топишдан, қандай ярамас йўллар билан бўлмасин бойлик орттиришдан иборат деб биладилар. Бир аллома адиб айтганидек: «Э, бутам, пул ҳукмрон бўлган жойда эзгу сўзга ўрин йўқ, гўзалликка ўрин йўқ».

Тилла балиқча эзгу сўзни мутлақо тушунмайди. Гўзалликни ҳис этишдан аллақачон маҳрум бўлган.

Бир гал тилла балиқча билан сўзлашмоқчи бўлдим...

«Аҳволинг қалай, тилла балиқча?»

«Зўр! Нолимайман. Ишим — маишат».

«Ахир, кўлмак ҳовуздаям маишат қилиб бўладими?

«Бўлмасам-чи. Ҳақиқий маишатни шундай гўзал ҳовузда яшаганлар билади».

«Кўлмак ҳиди бадингга урмадими, тилла балиқча?»

«Йўқ! Чунки ҳид сезмайман, таъм билмайман. Бировнинг дарду ғами билан ишим йўқ. Куюниб, ёниб яшаш менга бегона».

«Унда нуқул ҳовузда яшашдан зериккандирсан?»

«Зерикиш деганинг нимаси? Менга емиш бўлса бас! Куним ўтганига минг бора шукур. Ушоққа ул-бул қўшиб ташлашган куни байрам бўлади. Тўйиб-тўйиб овқат еганга не етсин!»

«Қоринни ўйлашдан, туну кун овқат ейишдан бошқа заррача ташвишинг қолмабди».

«Балиқларнинг ақли ҳам, ташвиши ҳам қорнида бўлади. Менга бундай саволлардан кўра, озгина ушоқ бер, мазалик нарсалардан ташла. Қорним таталаб кетаяпти!»..

Тилла балиқча билан савол-жавобимиз айнан шу тарзда бўлишини англаб, бу ниятимдан қайтдим. Қайтдиму беихтиёр Чингиз Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романида тасвирланган манқурт афсонасини эсладим:

«Манқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, болалик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. Ўзининг инсоний қадр-қимматини идрок этолмаган манқурт хўжалик ишлари нуқтаи назаридан бир неча афзалликларга эга эди. У натовон ва забонсиз бир махлуқ бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткор ва беозор. Қочаман-қуяман деган хаёл унинг тушига ҳам кирмайди. Қулдор учун энг даҳшатли нарса — қулларнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган. Ёлғиз манқуртгина бундан истисно, исён кўтариш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт. Бундай тушунчалар унга бегона! Унга соқчи қўйишга, айниқса, бузуқ ниятли киши сифатида ундан гумонсирашга ҳожат йўқ. Манқурт худди ит каби ўз эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ. Унинг фикри-зикри қорин тўйғазишда, шундан бошқа ташвиши йўқ...»

Нега сен ҳам манқурт ҳолига тушиб қолдинг, тилла балиқча? Наҳотки, аслингни, асл зотингни унутган бўлсанг? Ер юзидаги жамики жонзотлар устидан даҳшатли тажрибалар ўтказишга мўлжалланган ушбу кўлмак ҳовузга ташламасларидан олдин ким эдинг? Ўз номинг билан тилла балиқчасан-ку! Наҳотки, достонларда таърифланган, эртакларда ҳақиқат ва эзгулик тимсолида тараннум этилган тилла балиқча манқуртга айлансанг? Билсанг, авлодларинг уммонларни сўрашган, улкан-улкан уммонларга эгалик қилишган, бахтлик-тахтлик бўлишган. Мана бу сен макон этган кўлмак ҳовуз жойлашган юрт эса бебаҳодир. Бу юртдан буюк-буюк, улуғ-улуғ алломалар чиққан. Бу юрт кўзларида жасорат, қалбларида имон, сўзларида ҳақиқат, киприкларида ўт ёнган марду-майдонларнинг Ватанидир! Афсуски, бу Ватан, бу юрт ҳам етмиш йилдан зиёд кўлмак ҳовуз ҳолига тушиб қолган эди. Ҳовузни тозаламоқчи бўлганлар қатағон қилиндилар, уни тоза сув билан тўлдирмоқчи бўлганлар эса кишанланиб, жабр-зулм қамоқхоналарида жон таслим этдилар. Ҳовузни мадҳ этганлар ҳамиша эъзозланиб, мартабаларга эришдилар. Қулоч-қулоч мукофотлар олдилар...

Таниқли адиб Саид Аҳмад шундай деб ёзади: «Олтмишинчи йилларда Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқчага» деган шеъри анча шов-шувга сабаб бўлган. Агар бу шеър йигирма йил олдин ёзилганида борми, бугун орамизда Абдулла Орипов бўлармиди-йўқми, буниси ёлғиз худога аён... Тилла балиқча дунёда денгизлар, уммонлар, мовий ва зилол кўллар, тоғ ошиб тушаётган шаршаралар, қирғоққа сапчиган дарёлар, ойнадек булоқлар борлигини қаёқдан билсин! У яшаётган оламнинг чегараси қулф!»

Яратганга минг бора шукурлар бўлсинким, етмиш йил давомида занглаб кетган ўша қулф бузилди, чегаралар, замон шиддатли оқими ўзгарди. Кўлмак ҳовуз ўз-ўзидан дарз кетди. Ҳовузнинг захлаб кетган қирғоқлари аста-секин емирила бошланди. Янги замон руҳи билан эса бошлаган мустақиллик бўрони мудроқ толларни уйғотди, хас-хашакларни тўзғитиб юборди. Жаҳаннамга айланган ҳовузнинг кўлмагини титроқ босди... Алвидо, кўлмак ҳовуз!..

Ашурали ЖЎРАЕВ

Қутлаймиз

ДЎСТИМНИНГ ҲАЗИЛ ЁШИ

Адабиётга кириб келган биз тенги ижодкорлар жуда ажойиб замонларга рўпара бўлдик. Эътиқоднинг сохта чўққилари парчаланди, онг ўзгарди, тушунчалар эврилди. Айниқса, қўлга қалам тутганларни давр чинакамига имтиҳон қилди.

**Ижодий мулоқот.
Ш. Отабоев хонанда М. Йўлчиева билан**

Айтадиларки, ҳаётда ҳар қанча ўзгаришлар рўй бермасин, одамнинг пешонасида битилгани бўлади. Дўстим Шодмонбекнинг пешонасига ижодкорсан, деб ёзилган. У бу қисматдан қочиб қутулолмайди. Зеро, бошқа қисматни истамайди ҳам.

Шодмонбек адабиётда камтарин, дўст-биродарликда камсуқум, оилада маърифатли инсон.

Эҳтимол, у эллик ёшга тўлмаганида мен умрнинг бунчалик учқурлигини эрта англамасдим. Лекин биз ҳамон ёшмиз. Чунки юрагимиздаги баҳор мавсуми ҳали унниққани йўқ. Туйғуларимиз орзулар билан ҳамон чийралган.

Шодмонбек адабиётда машъал бўлиб ёнмаса-да, унга ҳавас қиладиган жиҳатлар кўп. Қалами назокатли, эътиқоди эркин, қаҳрамонлари жиддий. Унинг яқинда чоп этилган «Ширмонбулоқ оқшомлари» номли китобини ўқиганлар, шубҳасиз,, бунга амин бўлишади.

Дўстим кулгуни ҳам севади. Шу боисдан у «Дўрмон ҳангомалари» номли туркумини ёзишда давом этмоқда. Ундаги воқеабанд латифалар адабиётсеварлар аҳли орасида кўп замонлар оғиздан оғизга ўтиб юрса, ажаб эмас. Зеро, у ҳар бир шоир ёки ёзувчининг феъл-табиатидаги бетакрор ғаройиботлардан чимдим-чимдим мутойибалар дасталайди, ранжитмайдиган тарзда қоғозга туширади. Муҳими, ўқиганлар кўнглида ижодкорлар дунёсига ҳавас уйғотади.

Шодмонбекнинг тўрт фарзанди бор: уч ўғил, бир қиз. Икки ўғли рассом. Биттаси ҳатто истеъдоди шарофати билан Американи ҳам кўриб келди.

Айтмоқчи, ёзувчи дўстим рассомлар билан жуда яқин. Улар ҳақида кўп нарсалар ёзган, энг илғор йўналишларини тинмай кузатиб келади.

Айни замонда Шодмон Отабек Алоқа вазирлигига қарашли «Хабар» рўзномасига бош муҳаррирлик қилмоқда. Дарвоқе унинг журналистика соҳасидаги фаолияти ҳам баракали.

Лекин ўйлаб қарасам, бу эллик ёш шунчаки ҳазилга ҳам ўхшаб кетади. Асосий ишларимиз кейинги эллик ёшнинг гарданида, шекилли.

Азиз дўстим, шунинг учун белни маҳкам боғланг!

Мирпўлат МИРЗО

Эрих ФРОМ

ФРАНТС КАФКАНИНГ «ЖАРАЁН»И

Америкалик файласуф Эрих Фромнинг (1900-1980) «Севиш санъати», «Инсон қалби», «Унитилган тил» каби асарларида инсон ва тарих муаммолари фалсафий жиҳатдан таҳлил этилган, тоталитаризм моҳияти, демократия ва гуманизм масалаларининг янги қирралари кашф қилинган. Э. Фромнинг жузъий қисқаришлар билан эътиборингизга ҳавола этилаётган «Франтс Кафканинг «Жараён»и асари файласуф ижодидаги теран тадқиқотлар сирасидан.

Франтс Кафканинг «Жараён» романи — рамзлар воситасида ёзилган бадиий асарларнинг нодир намунасидир. Худди тушдаги каби, романда ҳар бири ўзича аниқ ва реал воқеалар намойиш этилган, бироқ умумий, яхлит манзара ҳақиқатга зид ҳамда хаёлий. Бу асарни тушуниш учун уни, гўё бизга биров ўзи кўрган узундан-узоқ, оғир тушни сўйлаб бераётгандай тасаввур билан ўқиш лозимки, тушдаги макон ва замонда рўй берадиган ташқи ҳодисалар туш кўраётган кишининг, айни пайтда роман қаҳрамони Йозеф К. нинг уй-хаёллари ва ҳис-туйғуларини акс эттиради.

Роман бироз ножўядай туюладиган гап билан бошланади: «Афтидан, кимдир биров Йозеф К.га тухмат қилган, чунки у, бирор-бир ёмон ишга қўл урмаган бўлса-да, қамоққа тушиб қолди».

Бу «туш», таъбир жоиз бўлса, К. ўзини қамоққа олинганини англаган, яъни «мени тутишди», деб иқрор бўлган дамда бошланади. «Тутилган» сўзи нимани англатади? Бу ғалати сўзда икки хил маъно бор. «Уни тутишди» деганда политсиячилар К. ни ҳибсга олишди, деган маъни бўлса, бу ибора унинг ўсиши ва ривожланишини тўхтатиб қўйишди, деган маънони ҳам билдиради. Айбдорни политсия «тутган», организм ўзининг мўътадил ривожидан тўхтатиб қўйилган, яъни «тутилган». Роман мазмунидан кўринадики, «тутилган» сўзи биринчи маънода қўлланган. Шунинг билан бирга, асарда рамзлар воситасида бу иборанинг иккинчи маъноси ҳам ойдинлашади. К. ўзини тутишгани ва оқибатда ўсишдан тўхтаганини тушуниб етади.

К. ни тутишгани сабабини Ф. Кафка маҳорат билан ёзган қуйидаги кичик парчада шундай тушунтиради. К.нинг ҳаёти қандай кечганига эътибор қилинг:

«Бу баҳорда К. кечки дамларнинг аскар қисмини шундай ўтказди: ишдан сўнг, агар вақт қолган бўлса — чунки у соат тўққизгача идорада ўтирарди — ёлғиз ўзи ёки бирор-бир ҳамкасби билан кўча айланиб сайр қилар, кейин пивахонага кирарди, ва бу ерда қари-қартанг жаноблар тўдасида уларнинг ҳар доим ўтиришадиган столида соат ўн бирларгача баҳузур ўтирарди. Баъзан бундай тартиб бузилиб ҳам турар, масалан, К. нинг меҳнаткашлиги ва садоқатини қадрлай биладиган банк директори уни автомобилда сайр қилишга ёки боғ-ҳовлисига кечки овқатга таклиф қилиб қоларди. Бундан ташқари К. ҳафтада бир марта Элза отли бир санамрастаникига ташриф буюрар, хоним туни билан тонгтача ресторанда хизмат қилиб, кундуз куни келган меҳмонни фақат тўшакда қаршиларди».

Бу — файзсиз, якранг, муҳаббату қут-баракадан бенасиб ҳаёт эди. Аслида ҳам у ривожланишдан тўхтаган, ич-ичидан, юрагининг тубидан келаётган овоз унга бу ҳақда, шахсига тажовус қилаётган хавф ҳақида берган хабарни эшитган эди.

Асар давомида қуйидагиларни ўқиймиз: «Ҳар кун соат саккизларда унга нонушта олиб келадиган хизматкор ошпаз хотин бугун қорасини кўрсатмади. Бирор марта бундай ҳол рўй бермаган эди». Бу детал бир қарашда аҳамиятсиздай туюлади. Дарҳақиқат, унга нонушта олиб келишмаганидай майда гап унинг қамоққа олингани ҳақидаги ҳалиги бироз ножўядай туюлган хабарга унча боғланмайди ҳам: бироқ бу, худди тушдагидай, арзимас деталда К. нинг феъл-атворига доир муҳим хабар бор. К. «бировнинг қўлига қараган» одамдир. Унинг барча ишқу амали бошқаларга музтар бўлишга қаратилган, у ҳеч қачон бировга нимадир беришни ёки ўзи чора-тадбир излаб топишни мақсад қилмаган. У ўзгаларга қарам, қорнини тўйдирадиган, ғамини ейдиган, ҳимоя қиладиганларга муте, ҳамма нарсани онасига боғлиқ, деб қарашга одатланган, онасини восита қиладиган ва унинг ёрдами билан истагини қондирадиган гўдакдай масъум эди. Бировга қарамлик кайфиятдаги одамларда бўлгани каби, унинг учун энг муҳими — ёқимтой ва мулойим бўлса бас, шунда бошқалар, айниқса, аёллар у муҳтож бўлган нарсани раво кўришади; К. одамларнинг ўзидан жаҳллари чиқиб, мурувват кўрсатмай қўйишларидан қаттиқ қўрқади. У ўзига лозим кўриладиган яхшиликлару мурувватлар манбаини шахсидан ташқарида, деб ҳисоблайди, унинг учун яшашнинг моҳияти мана шу манбанинг марҳаматини йўқотиб қўйиш хавфига усталик билан чап беришдан иборатдир. Бундай кайфият оқибати уни ўз кучига бўлган ишончини йўқотишга ва қўлига, мурувватига кўз тиккан киши ёки кишиларнинг эътиборидан тушиб қолишдай даҳшатли қўрқувга гирифтор этади.

К. ўзини ким ва нима учун айблаётганини билмайди. У ўзидан: «Булар қанақа одамлар?. Улар нимани гапиришаяпти? Қайси идорада улар?» деб сўрайди. Бироздан сўнг, яъни суд хизмати тизимида юқори лавозимини эгаллаб турган киши — «инспектор» билан гаплашгач, ичидан келаётган овоз равшан эшитилади. К. инспекторга асосий масалага, яъни уни нимада айблашаётганига ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳар хил саволлар беради; инспектор жавоб қила туриб, К. ҳозирги аҳволида, қолаверса, бошига кулфат тушган ва ёрдам излаётган ҳар қандай одам тушуна оладиган муҳим гапни айтади. Инспектор шундай деди: «Гарчи мен сизнинг саволларингизга жавоб қилмаётган бўлсам-да, лекин сизга битта маслаҳат бера оламан: биз ҳақимизда ва ўзингизни нима кутаётгани тўғрисида камроқ бош қотиринг, яхшиси, нима қилишингиз лозим — шуни ўйланг». Инспектор нимани назарда тутаётганини К. тушунмади. Муаммо унинг ўзида, ботинида экани, ўзини фақат ўзигина халос эта олишини у юз тушунмасди, инспекторнинг маслаҳатини қулоққа олмагани эса унинг мағлубиятидан далолатдир.

К. ҳаёти самарасиз ўтаётганини ва тобора таназзулга юз тутаётганини ғира-шира англарди. Бутун роман давомида биз унинг ўзини ҳимоялаш ва халос қилиш учун уринганини кўрамиз. Хотима эса фожиали: гарчи у ботинидан келган овозни эшитса-да, бироқ тушунмади. Қамоққа олинишининг туб сабабларини билиш ўрнига қалб сасидан — юраги айтиб турган йўриқдан қочишга уринди. Имкон қадар ўзига ёрдами тегадиган даражада ҳақиқатнинг тагига етиб, ўзгаришга интилиб, ўзига кўмаклашиш ўрнига йўқ жойдан нажот қидирди, яъни ташқаридан: таниш адвокатлару хотинларнинг «алоқалари»га умидвор бўлди; у ўзининг софдиллигини исботлашга уринди ва айбдор эканини айтиб турган овозини ўчиришга тиришди.

Агар бу қадар ахлоқи заиф бўлмаганида, у, балки, бирор-бир чора топарди. Бироқ унга ахлоқнинг атиги битта қонуни, яъни кучли ҳокимиятнинг «Бўйсунилсин!» деган амри маълум эди, холос. У ҳукмрон шахс нуфузига кўр-кўрона бўйсунадиган онг — «авторитар онг» эгаси эди, бундай онг соҳиби учун энг улуғ фазилат — итоаткорлик ва энг катта гуноҳ — қайсарликдир. Бундан ўзгача онг шакли — эзгу, чин инсоний, яъни бизни ўзлигимизга қайтишга даъват этувчи қалб амримиз борлиги К. нинг хаёлига келиши даргумон.

Романда онгнинг бу икки шакли рамзларда кўрсатилган: эзгу онг инспектор ва кейинча, руҳоний образида акс этса, авторитар онг — бу суд, ҳакамлар, ҳакамларнинг ёрдамчилари, бу иш билан алоқадор алдоқчи-адвокатлар ва бошқалар. К. нинг фожиаси шундаки, у ўзининг ички овози — кўнгил сасини эшита туриб, буни авторитар онг овози деб янглишди ва бир қадар бўйсуниб, бир қадар исён қилиб ўзини айблаган авторитаризм вакилларидан ҳимояланган бўлди, аслида эса ўзи учун, ўзининг инсоний шарафи учун курашмоғи лозим эди.

«Суд» бу ерда — истибдод, зўравонлик, порахўрлик, нопоклик: суднинг иш кўриш тартиби на соғлом ақлга, на адолатга тўғри келади. Бу манфаатпарастлик тизимининг рамзи — «қонунлар мажмуаси»дир. Судда ана шуни қўллашади. Ягири чиқиб кетган бу китобларнинг (уларни К. га суд хизматчисининг хотини кўрсатади) бетлари букилган, «биттасининг муқоваси синиб, икки бўлакка ажралган, бўлаклар шундоққина ипига осилиб турибди». «Бу ерни наҳс босиб кетибди-ку!» деди К. бош чайқаб ва китобни қўлига олишдан олдин хотин этаги билан унинг устидан чангни қоқишга мажбур бўлди.

У тепада турган китобни олиб, очиб қаради ва адабсиз суратга кўзи тушди. Эркак билан аёл диванда онадан туғилгандай — қип-яланғоч ўтиришибди, гарчи мусаввирнинг шарм-ҳаёдан ҳоли ниятини пайқаш осон бўлса-да, маҳоратига тан бермай илож йўқ эди, очиғи, суратда эркак билан аёлнинг таналаридан бошқа ҳеч нарса кўзга ташланмасди. Улар кўзга хунук кўринар, ўтиришлари ҳам ғайритабиий, тўғрига йўналган, тасвирнинг нотўғрилигидан бир-бирларига бурила олмасди. К. китобни варақлаб ўтирмади ва иккинчи китобнинг биринчи бетини очди. Бу «Гретанинг ўз эри Гансдан кўрган жабр-зулмлари» деб номланган роман эди.

— Бу ерда ҳуқуққа доир қанақа китобларни ўқишишини энди билдим! — деди К. Ҳали шу одамлар мени суд қилишмоқчими!»

Порахўрликни кўрсатадиган яна бир далил шуки, суд хизматчисининг хотинидан терговчи ва талаба-ҳуқуқшунос эрмак учун фойдаланишади, хотин ҳам, унинг эри ҳам бунга қаршилик кўрсатолмайдилар. К.нинг судга муносабатида ва ўзига «ишонувчан назар билан қараб юрган, хайрихоҳлигидан қатъий назар, кўнгилчанлик кўрсатмаган, боз устига: «Ҳамма исён қилади, начора», деб айтган суд хизматчисига ҳамдардлигида исён аломати бор. Бироқ К. нинг норозилиги феъли-ҳуйидаги итоаткорлик билан қоришиб кетган. Ҳеч қачон унинг хаёлига адаб-ахлоқ қонуни авторитар судга эмас, балки ўзимга тан, деган фикр келмаган.

Бундай ғоя мутлақо унинг миясида бўлмаган, деган таъкид ҳам унчалик тўғри эмас. Бир сафар, иш якунига етар паллада у ҳар қачонгидан кўра ҳақиқатга яқин келади. У ҳақиқий инсоний онг овозини эшитади. Бу овоз руҳонийдан чиқади. К. касбдоши италиялик меҳмонни шаҳарга сайр қилдириш учун у билан учрашгани черковга жўнайди, бироқ италиялик белгиланган соатда келмайди ва К. маълум бир муддат черковда ёлғиз ўзи қолади. Ўзини черковда бироз паришон сезади ва бўм-бўш бинода, афтидан, ваъз ўқишга чоғланган руҳонийнинг хатти-ҳаракатидан хавотирга тушади. Руҳонийнинг овози кучли эди, «даъват аниқ, равшан янградики, бир ёкка қочишнинг иложи йўқ:

— Йозеф К!..»

Руҳоний К. нинг нимада айбланаётганини ва айни пайтда унинг иши ёмон тугашини ҳам биларди. Бу жойда К. нинг ўз ботинига теран назар ташлашига — қалб овозига қулоқ тутиш ва аслида мени нимада айблашаётир, деб сўрашига имкони бор эди, бироқ у, одатдагидай, мутелик хусусиятидан келиб чиқиб, ўзига яна ким ёрдам бера олиши мумкинлигини аниқлаш билангина қизиқди, холос. Унинг нуқул четдан ёрдам кутишини маъқул кўрмаган руҳонийнинг гапларини эшитиб, К. атиги чўчиди, руҳонийнинг эса асаби қўзиди. Ҳақиқатан ҳам, руҳонийнинг жаҳли чиқди, бироқ бу меҳрли-мурувватли инсоннинг ғазаби эдики, бу инсон айни дамда қаршисида тағин бир гуноҳи азимни кўриб турар ва инсоний нуфузини йўқотган бандасига ёрдам бериб бўлмаслигини, унга фақат унинг ўзигина халоскор бўла олишини биларди. Руҳоний К. га гапирган гапларидан ортиқ яна бир нима айталмасди. К. ташқарига чиқиладиган эшикка яқин жойда турибмиз шекилли, деб тусмоллаб гапирганида, руҳоний сўради:

«— Сен ҳали кетишни хоҳлаяпсанми?

Гарчи К. бир дақиқа аввал кетиш ҳақида ўйламаган бўлса-да, дарҳол жавоб қилди:

— Албатта, мен кетишим керак. Мен банкда прокурист бўлиб хизмат қиламан, мени кутишаётир, бу ерга бир чет эллик ишбилармонга черковни томоша қилдиргани келган эдим, холос.

— Начора, — деди руҳоний ва қўлини К. га узатди, — ундай бўлса кетавер.

— Бироқ қоронғида бир ўзим чиқиб кетолмайман, — деди К».

К. нинг аҳволи қоронғуда бировнинг ёрдамисиз йўл тополмайдиган одамнинг фожиали тараддудидан далолат беради. У нажот излади, бироқ нажот қўлини чўзган руҳонийни — ягона илинжни ҳам инкор этди. У ўз феъл-атворидаги музтарлик, яъни мудом бировга қарамлиги боис руҳонийни тушунмади, аслида тушуна олмасди ҳам. У руҳонийдан сўради:

«— Сенга менинг бошқа керагим йўқми?

— Йўқ, — деди руҳоний.

— Бошида сен менга жуда меҳрибонлик билан муомала қилдинг, — деди К., — ҳаммасини тушунтирдинг, энди эса мени, гўё кераксиздай, кетказаяпсан.

— Ахир, сен боришинг керак-ку? — деди руҳоний.

— Ҳа, албатта, — деди К. — Сен мени тушунишинг керак.

— Аввал сен менинг кимлигимни билишинг лозим, — деди руҳоний.

— Сен турма попининг ёрдамчисисан, — деди К. ва тағин руҳонийга яқинроқ келди; гарчи ўзини шошилаётгандай кўрсатган бўлсада, унинг дарҳол банкка қайтишига ҳеч қандай зарурат йўқ, ҳали бу ерда бироз туриши мумкин эди.

— Демак, мен ҳам судга хизмат қиларканман-да, — деди руҳоний. — Нега энди менга сендан бирор нарса керак бўларкан? Судга сендан ҳеч вақо керак эмас. Келганингда суд қабул қилади, кетаётганингда қўйиб юборади».

Руҳонийнинг сўзидан унинг авторитаризмга қаршилиги аён кўринади. У инсоний биродарлик туйғусидан келиб чиқиб, К. га ёрдам бермоқчи эди, бироқ айни пайтда уни халос этишда бевосита иштирок эта олмасди. Бу, руҳонийнинг фикрича, фақат К. нинг — ёлғиз унинг ўзигагина тегишли муаммо эди. Модомики, у курашдан бош товлаётган экан, сўқирқалблигича қолаверсин, аксинча, ботинидаги ҳақиқатни инсоннинг ўзидан бошқа биров кўра олмайди.

Романда бир ноаниқлик бор: асарнинг бирон-бир жойида руҳоний сиймосидаги ахлоқ қонуни билан суд тимсолидаги қонуннинг айнан бир нарса экани ҳақида гапирилмайди. Аксинча, роман мазмунидан аёнки, турма попининг ёрдамчиси бўлган руҳоний суд тизимининг бир бўлагидир. Бироқ асардаги ушбу ноаниқлик К. нинг қалбидаги мавҳумликни рамзий акс эттиради. Унинг назарида суд билан руҳоний яхлит, улар орасидаги фарқни ажрата олмайдиган аҳволдалиги туфайли ҳам у авторитаризмга қарши кураш асирига айланди ва ўзини тушуниб етмади.

К. га қамоққа олингани тўғрисида хабар қилишганидан бери бир йил ўтди. Мана, эртага 31 ёшга тўладиган куннинг шом маҳали, унинг иши бой берилган — тақдири ҳал. Уни қатлга олиб кетиш учун икки нафар жаноб келишди. Жон-жаҳли билан уринганига қарамай, барибир, масаланинг моҳиятига етиш К. га насиб этмади. У нимада айбланаётгани-ю ким айблаётганини ва қандай қилса халос бўлишини, барибир, аниқлай билмади.

Роман, худди аксарият тушлар каби, қўрқинчли босинқираш билан якунланади. Жаллодлар қатл олдидан масхаромуз маросимни ижро этаркан, К. биринчи марта машъум қисматининг моҳиятини англайди: «Мен мудом ҳаётга тиш-тирноғим билан ёпишиб яшашга уриндим, бироқ мақташга арзигудай мақсадни кўзламадим. Бу нотўғри. Наҳотки, бир йилга чўзилган жараён менга сабоқ бўлмади? Наҳотки, мен ақлсиз қайсарлигимча кўз юмсам? Наҳотки, кейин, орқамдан жараённинг бошида мен зўр бериб уни тугатишга уринганимни, боз энди, якунида — уни қайта бошлаганимни гапириб юришса? Йўқ, бундай дейишларини истамайман!»

К. илк дафъа ўз ҳаётининг бефайз ва уволлигига амин бўлди. У биринчи марта дўстлик ва инсоний биродарлик қудратининг моҳиятига ета билди: «Унинг нигоҳи тош конига ёндош уйнинг юқори қаватига тушди. Худди ярқ этиб ёнган чироқдай у ёқда, юқорида туйқусдан дераза ланг очилди ва жуда олисда, тепада, бемажол ва ингичка бўлиб кўринган одам шитоб билан пастга энгашди ва қўлларини янада узоқроққа чўзди. Бу ким бўлди? Дўстми? Оддий оқибатли инсонми? Чиндан шундай одам борми? У ёрдам беришни истадими? У ёлғизмиди? Ёки ҳамма унинг ортидамиди? Балки улар ёрдам беришмоқчидир? Эҳтимол, яна қандайдир далиллар ёддан кўтарилгандир? Шубҳасиз, бундай далиллар бор эди, гарчи мантиқ ҳарчанд метиндай мустаҳкам бўлмасин, чиндан яшашни хоҳлаган инсон дош беролмайди. У бирор марта кўзи билан кўрмаган ҳакам қайда? Ҳузурига кириш унга насиб этмаган олий ҳакам қайда? К. қўлларини кўтарди ва кафтларини очди».

К. умр бўйи жавоб қидирди, аниқроғи, бошқалардан жавоб олишга уринди, энди эса ўзи саволлар бераётир ва булар ҳаққоний саволлар. Ўлим олдидаги қўрқув шарофати туфайли у оламда меҳр-муҳаббат ва дўстлик борлигини кўришга муваффақ бўлди ва ақлга, мантиққа қанчалик зид бўлмасин, жон таслим қилаётиб у илк дафъа ҳаётга ишонди.

А. ОТАБОЙ таржимаси

МАФТУНКОР РАҚС ЮЛДУЗИ

Ўзбек халқининг севикли қизи, атоқли санъаткор Бернора Қориеванинг муборак туйи Ватанимиз осмонида истиқлол қўёши порлаган, маданий-маънавий қадриятларимиз, имон-эътиқодимиз руҳий кучга тўлаётган, санъатимиз юксалиб, жаҳон, миқёсида намоён бўлаётган бир вақтда ўтмоқда.

Бернора Қориеванинг бой ижодини, ўлчаб бўлмас фаолиятини, ўзбек санъати тараққиётидаги ўрни ва кашфиётларини бир мақола ҳажмида тўлалигича баён этиш қийин.

Бу улкан санъаткор ўзбек маданияти ва театри тарихида, ўзбек санъатида янги жанр ҳисобланган балет санъатининг пойдеворига биринчилардан бўлиб тамал тошини қўйган ва унинг ривожига бутун ижодини, фаолиятини бағишлаган, ўзбек балет санъати ижрочилигини Европа ижрочилиги даражасига кўтарган, уни жаҳонга танитган, нафосатга тўла ёркин образлари билан халқ муҳаббатига сазовор бўлган улуғвор ўзбек балеринасидир. Бу жиҳатдан у ўзбек театри ва мусиқа санъатида бетакрор из қолдирган, маданиятимиз равнақига улкан ҳисса қўшган Муҳитдин Қориёқубов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоев, Ҳалима Носирова каби сиймолар қаторидан ҳақли равишда жой олишга арзигулик муўтабар шахсдир.

Менинг бу муўжизакор санъаткор билан узоқ йиллар бирга ишлаганим, унинг ижодини муттасил кузатишим шундай фикр юритишга ҳуқуқ беради. Москвадаги Хореография билим юртида, машҳур хореограф Мария Александровна Кожуховадан таҳсил кураётганида ҳам, театрда бирга ишлаган даврларимда ҳам унинг ижодий лабораторияси менинг диққат марказимда бўлган. Бироқ бу санъаткорнинг чексиз муўжизакор ижоди сирлари, юксак чўққилар томон тинимсиз интилиши, ундаги илоҳий куч ҳамон мен учун жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Бетакрор балеринанинг образ яратишдаги изланишлари қаердан бошланади, қаерда тугайди, буни билиш мушкул... Балки бундай лаҳзалар тинимсиз, оромсиз машқлар, ҳаловатсизлик, машаққатли меҳнат, сабр-бардош билан санъат йўлида риёзат чекишдадир... Эҳтимол, бунинг сабаби истеъдодининг юксаклигида, маънан баркамол, ақлан етуклигида, ирода кучининг мустаҳкамлигидадир. Ҳар ҳолда, бунда катта бир сир, илоҳий қудрат яширинлик кўринади менга.

Улкан романтик ва лирик санъат соҳибаси Бернора Қориева 35 йил мобайнида севимли театрида томошабинларга қувонч ва завқ бағишловчи, уларнинг руҳиятини бойитувчи эллик бешдан ортиқ партияларни ижро этган. Ҳаётбахш бу образлар қайтарилмас санъат дурдоналари эди.

«Оққуш кўли» балетида Одетта-Одилия, «Жизел»да Жизел, «Золушка»да Золушка, «Боқчасарой фонтани»да Мария, «Дон Жуан»да Донна Анна, «Маскарад»да Нина, «Ойимқиз ва безори»да Ойимқиз, «Сухайл ва Меҳр»да Меҳр, «Нурхон»да Нурхон, «Севги тумори»да Сони, «Муҳаббат ва шамшир»да Зарина ва бошқа образларида актриса юксак инсоний туйғулар, эзгулик фазилатларини классик рақс шаклларида нафис ва ниҳоятда гўзал ижро этди, уларнинг ҳар бирига ўзига хос сайқал ва жило берди.

«Оққуш кўли» ва «Жизел» каби балетларда ўйнаган партиялари Б. Қориеванинг юксак санъатини намойиш қилган. Уни бир вақтлар бу ўта мураккаб образларни яратган, бутун дунёга машҳур улкан балеринолар қаторига олиб чиққан. Томошабинларнинг севимли қаҳрамонлари бўлиб қолган Одетта-Одилия ва Жизел актрисанинг лирик лаёқатига мос тушган, оддийлик, кўнгилчанлик ҳамда романтик гўзаллик уйғун бўлган қуйма образларга айланган эди.

«Боқчасарой фонтани»даги Мария ва «Ойимқиз ва безори»даги Ойимқиз жуда мураккаб ва хилма-хил образлар бўлиб, психологик таҳлил охиригача етказилган, томошабиннинг умрбод ёдида қолган. Бернора Қориева лирик йўналишдаги балетларда бўлса-да, «Дон Жуан»да Донна Аннанинг фожиавий тақдирини, мураккаб руҳий зиддиятларини, ички азоб-уқубатга тўлиб тошган қурашини шу қадар таъсирли ифодалар эдики, ҳатто ўзимиз ҳайратда қолардик.

Актриса ижросидаги Золушка доимо орзулар билан яшовчи, ўйчан ва нурга тўла муҳаббат туйғулари билан йўғрилган сеҳрли фариштага айланган эди. Хачатуряннинг «Спартак» балетида нозикниҳол, гўё эндигина очилаётган ғунчадек яшнаб турган Фригияси билан залга ёш ва жозонли яратилган эдики, томошабин балеринани ҳинд қизи сифатида тасаввур этиб, унинг тақдирига қалбдан ачинарди. Зарина («Муҳаббат ва шамшир») қиёфасида актриса афсонавий романтик образ яратган эди. Баъзан эҳтиросли, айни чоғда босиқ, содда оқила бўлиб кўринарди. Зарина кучли ва қатъиятли маҳбуба. У жанг майдонида душман ҳамласидан севгилиси ҳаётини кўкрак тутиб сақлаб қолган қаҳрамон даражасига кўтарилган эди.

Беқиёс истеъдод соҳибаси бўлган Б. Қориеванинг маҳорати «Анна Каренина» балетида яна ёркинроқ намоён бўлди. У Анна Каренинадек ўта мураккаб партиянинг энг яхши ижрочиларидан бири деб тан олинган эди. Балет саҳнасида камолот чўққисини забт этган ўзбек балеринасининг истеъдоди ва маҳоратини ҳеч иккиланмасдан жаҳонда классик балетнинг гениал ижрочилари Галина Уланова, Мая Плисецкая, Рая Стручковалар қаторига қўйиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, бу йилларда Бернора Қориеванинг санъати юксак чўққиларга кўтарилди. Юбиляримиз санъатига бир зум назар ташласангиз, унинг истеъдоди илоҳий эканига ишонч ҳосил қиласиз. Дарҳақиқат, санъатга илоҳий муносабатда бўлган санъаткоргина халққа манзур бўлади, унинг юрагидан жой топади.

Москва, Ленинград, Киев, Минск, Англия, Франция, Германия, Италия, Куба, Мексика, Бразилия, Аргентина, Ҳиндистон, Таиланд каби кўпгина мамлакатларда Ўзбекистоннинг классик балети шаънини кўтарган, чет эл томошабинларини ҳайратга солган ҳам шу ўзбек балеринаси эди!

Бернора Қориеванинг инсонийлик, олижаноблик фазилатларига тўхталмай бўлмайди. Одамларга ҳурмат, меҳр-шафқат, аёлларга хос назокат, иффат, орифлик, собитлик ва оқиллик, меҳнатсеварлик, имон ва эътиқод — булар ҳаммаси Бернора Қориева ҳаётининг мазмунини ташкил этган.

Кейинги йилларда унинг фаолият доираси янада кенгайди. Ун йилдан буён у Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг президенти вазифасини бажариш билан бир қаторда, икки йилдан буён Алишер Навоий номидаги Катта театрга раҳбарлик қилмоқда. Ижод билан ташкилотчилик бир киши шахсида мужассам бўлиши камдан-кам учрайди. Бернора Қориева ана шундай ноёб хусусият соҳибасидир. Раҳбар сифатида у ўта талабчан, ўзи ҳам тинмайди, бошқаларга ҳам тиним бермайди. Катта тажриба, санъат илми ва назариясини чуқур идрок этиш, келажакда театр санъатининг ривожини кўра билиш, ҳамиша унинг тараққиёти фикри билан яшаш, мавжуд камчиликларнинг олдини олиш, ижодкорларга ёрдам бериш, ёш томошабинларни рағбатлантириш Б. Қориева раҳбарлигининг ёрқин саҳифаларидир.

Маълумки, ҳозирги кунда халқимиз маънавий ҳаётида театр санъати муҳим аҳамият касб этмоқда. Уюшманинг тадбирлари мана шу улуғ мақсадни амалга оширишга қаратилган. Республикадаги театрларнинг ижодий ишларини такомиллаштиришга ёрдамлашиш, маънавий камолот сари етакловчи ва ижодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган фестиваллар, кўрик ва конкурслар ташкил қилиш, театрларнинг халқаро алоқаларини кучайтириш, имконият даражасида театр ходимларининг ижтимоий ҳимояланишларига эътибор бериш каби тадбирлар уюшмада муттасил ўтказиб келинмоқда.

Бернора Қориева ташаббуси билан чет элларда гастроллар ўтказиш, ўзбек санъатини дунёга танитиш соҳасида ҳам бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Фақат кейинги икки йил ичида Таиланд ва Жанубий Осиё мамлакатларида балет труппаларининг гастроллари ўтди.

«Мулоқот» театр-студияси ва Фарғона театрлари Голландия, Италия ва Полшада спектаклар намойиш этдилар, бир қатор концерт труппалари Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Африка мамлакатларида гастролда бўлиб қайтдилар. Театрнинг чет эллар билан алоқаси ҳам кучаймоқда. Америка ва Италия композиторларининг опера асарлари билан театр репертуари бойитилди. Миллий операларни тиклашга ҳам аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда театр Амир Темур юбилейига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Юбилей кунларида соҳибқиронга бағишланган иккита янги опера спектакли саҳнага чиқиши кутилмоқда.

Шу муборак юбилей кунларида барча театрлар жамоатчилиги халқ эъзозлаган ўзбек балеринаси Бернора Қориевани самимий табриклайдилар, узоқ умр, соғлиқ, баҳт-саодат, баракали ижод тилайдилар.

Мамажон РАҲМОНОВ,
профессор

Ўзбек қизи Бернора Қориева мени бир умрга мафтун этди. Биз талабалик йилларида дастлабки қувонч ва ташвишлар, ютуқ ва камчиликларни биргаликда баҳам кўрганмиз. Ўша кезлардаёқ Бернора Қориева ўзининг доимий оптимизми, тиришқоқлиги, кузатувчанлиги билан ҳамманинг эътиборига тушганди. Мана бутун ана шу ажойиб хислатлари... туфайли ҳар бир образга ўзини том маънода бағишлай билиши туфайли давримизнинг баркамол санъаткори сифатида шуҳрат қозонди, бутун дунёга танилди.

Марис ЛИЕПА,
машҳур балерина, Халқ артисти

ОДДИЙГИНА УЛУҒ САНЪАТКОР

Т. Юсупова актрисалар Г. Жамилова ва М. Тешабоева билан.

Бу аёл ҳақида баландпарвоз сўзлар, ялтироқ жумлаларни ёзиб бўлмайди. Уни ортиқча таърифлашга ҳам ҳожат йўқ. Чунки унинг табиати, туриш-турмуши, муомаласи дабдабозликни кўтармайди. Кўриниши ҳам, ўзини тутиши ҳам ниҳоятда оддий ва самимий. Ҳамкасблари бу аёлни жуда ҳурмат қиладилар: ҳамма учун у оддийгина Тўти опа. Лекин Тўти Юсупович саҳнада мутлақо танимайсиз. У саҳнада гоҳ уксиб-уксиб йиғлаётган мушпипар, гоҳ ҳаётидан мамнун дилбар аёл, гоҳ мунис ва меҳрибон она бўлиб қалбингизга кириб боради. У шундай табиий, самимий ҳаракатланиб, оддийгина сўзлайдики, сиз унинг актрисалигини, рол ижро этаётганини унутасиз. Тўти Юсупованинг қаҳрамонлари билан бирга яшай бошлайсиз, уларнинг тақдирига беихтиёр шерик бўласиз. Санъаткорнинг маҳорат кучи ҳам шунда бўлса керак. Шу сатрларни ёзаяпману, хаёлимда Тўти опанинг яратган образлари намоён бўлаётир. У яратган образларга, аввало, инсонийлик мезонини белгиловчи асосий омиллар нуқтаи назаридан ёндошиш керак. Санъаткорнинг қирқ йиллик ижод йўлига назар ташласангиз, у яратган магзи тўқ, бақувват образлар силсиласи бирма-бир кўз ўнгингиздан ўтади. Бу образларнинг ҳар бири актриса умрининг мазмуни, ижод йилномасининг бетакрор зарварақларидир. Фарзанднинг яхши-ёмони бўлмаганидек, Тўти Юсупова саҳнада жонлантирган образларнинг ҳар бири умрининг бир бўлаги, қалбининг бир парчасидир.

Тўти Юсупова учун саҳнада ролнинг катта-кичиги, яхши-ёмони, аҳамиятли-аҳамиятсизи йўқ. Фикримизнинг далили сифатида унинг «Комиссия» спектаклидаги Раҳима образини олайлик. Бу спектаклда актриса фақат биргина кўринишда иштирок этади. Каттагина бир монолог у ижро этган Раҳима образининг асосини ташкил қилади. Биргина кўринишда уни гоҳ аччиқ қисматидан ўксиб йиғлаганининг, гоҳ қувончдан чарақлаб кулганининг гувоҳи бўламиз.

Табиийлик, тугаллик санъаткор ижро услубига хос бўлган энг характерли хусусиятлардан. У ҳар қандай образни мукаммал ижро этиш, ҳар қандай ҳолатни табиий гавдалантира олиш имкониятига эга. Агар «Улимдан кучли» драмасидаги Она фожеавий образ бўлса, «Келинлар қўзғолони» комедиясидаги Сотти унинг мутлақо акси ёхуд «Куёв» комедиясидаги Раҳима билан ўзбек классик шеъриятининг беназир намояндаси Нодирабегим образлари ўртасида қандай муштарак жиҳатлар бўлиши мумкин? Ваҳоланки, актриса бу образларнинг ҳар бирини томошабинларга бирдек манзур эта олган. Айниқса, Сотти образини шу қадар қиёмига етказиб ўйнаганки, асар муаллифи Саид Аҳмад уни Тўти Юсуповага атаб ёзмаганмикин, деб ўйлаб қоласиз.

Шу ўринда «Бой ила хизматчи» драмаси қайта қўйилганда унда Тўти Юсупова ижро этган Сифат буви образини эслаб ўтиш ўринли. Режиссёр Б. Йўлдошев актриса билан биргаликда Сифат буви образини юксак поғонага кўтаришга, уни асар ўз ичига олган бутун воқелик ичидан олиб ўтишга муваффақ бўлдилар. Бу ўзига хос ижобий янгилик эди. Шунисси диққатга сазоворки, Сифат буви — Тўти Юсупова ўша даврнинг ҳамда Солиҳбойлар муҳитининг типик вакили тарзида намоён бўлади. Спектаклда бу образ Солиҳбой ва Хонзодаларнинг ярамас кирдикорларини рўёбга чиқаришда мудҳиш воситачи, жирканч қурол сифатида катта аҳамият касб этади.

Актриса ижросидаги турли-туман образлар ҳақида гап кетар экан, айниқса, оналар қиёфасига алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Тўти Юсупова ижросидаги она образлари ўзининг ниҳоятда самимийлиги, одмилиги, одамийлиги билан томошабинларни жалб этади. Хусусан, унинг «Қиёмат қарз» спектаклида яратган Зеби образи шу маънода алоҳида аҳамиятга эга.

Бу спектаклда Тўти Юсупова Шукур Бурхоновдек буюк актёр билан шерик бўлиб рол ижро этганди. Шунинг учун ҳам биз раҳматли Шукур аканинг Тўти Юсупова ҳақидаги қуйидаги фикрларини келтиришни лозим топдик:

«Артистга ҳусн шарт эмас. Унда юрак бўлиши керак. Ҳар бир ролни ўйнаганда ўша ролга таллуқли бўлган кулфат ҳам, қувонч ҳам, дард ҳам, баҳт ҳам, хуллас ҳамма-ҳаммаси ана шу юракдан жонли йўсинда сизиб чиқиши керак. Ана шунда образ табиий чиқади. Томошабин актёрга ишонади. Тўти ана шунақа юраги бор, заҳматкаш актриса. У томошабинни доимо ўзига эргаштириб келган, бундан буён ҳам томошабинларнинг умиди, ишончи Тўтида бўлади. Сиз унинг «Қиёмат қарз» спектаклидаги мен билан бирга ўйнаган ролини кўрганмисиз... Тўти ҳеч қачон саҳнага «қуруқ қўл» билан чиқмайди. Ҳар доим томошабинга айтмоқчи бўлган гапи, юқтирмоқчи бўлган дарди бор. Ҳозир айни ишлайдиган, кучга тўлган пайти. У фақат ишлаши, енг шимариб ишлаши керак».

Улуғ актёрнинг бу гапларида жон бор. Умуман, Тўти Юсупова Шукур Бурҳонов билан ишлаган дамлари, у кишининг йўл-йўриқлари ҳақида ҳозир ҳам чуқур самимият, меҳр-муҳаббат билан эслайдилар. «Шукур Бурҳоновни таърифлашга сўз йўқ, — дейди актриса. — Уларнинг саҳнага чиқиб келишлари, бир оғиз сўзларининг ўзиёқ кўп нарсадан дарак берарди. Жуда кўп муаммоларни ҳал қиларди. Шукур ака спектаклда ўйнайдиган кунлари биз саҳна ортида оёқ учида юриб, шивирлашиб гаплашардик. Ортиқча тараҳа-туруқлар бўлмасди. Шукур акага бўлган ҳурматимиз ниҳоятда баланд эди. Бу одам шундай ҳурматга муносиб ҳам эди».

Санъаткор ўзининг қадрдон «Ҳамза» театридаги барча ҳамкасбларини, режиссёрларни чуқур муҳаббат билан тилга олади. Айниқса, устозлари Тошҳўжа Ҳўжаев ва Александр Гинзбург билан бирга кечган ижод жараёнларини ҳаяжон билан эслайди.

— Тошҳўжа Ҳўжаев ва Александр Осипович билан ишлаганимизда репетиция пайтларида улар бизни ўтирган жойимиздан қўзғатмасдилар. Бунинг сабабини ҳозир сизга тушунтириб бераман. «Улимдан кучли» спектаклида бир монологим бор эди. Ана шу монологни Тошҳўжа аканинг гаплари буйича ўтирган жойимда айтардим. Бир куни шу монологни айта туриб, ўзим билмаган ҳолда беихтиёр ўрнимдан туриб кетдим. Шунда Тошҳўжа Ҳўжаев: «Ана энди саҳнага чиқсангиз», булади. Сиз ролга энди тайёр бўлибсиз, бировнинг кўрсатмасисиз, ўзингиз ўрнингиздан қўзғалиш даражасига етдингиз», дегандилар. Шунингдек, у киши: «Партнёр билан ўртангизда илмоқ бўлиши керак, — дердилар. — Сиз илмоқ ташлайсиз, у илиб олади. Лекин саҳнада ҳаддан ошманг. Трамвайдан бошингизни чиқарманг, бошингизни бошқа транспорт илиб кетади».

Ҳа, Тўти Юсупова буюк санъаткорлар, улкан партнёрлар билан неча йиллардан буён ёнма-ён ишлаб келмоқда. Бу йиллар унга ҳам ҳаёт, ҳам ижод борасида катта сабоқ бўлди. Унинг меҳнатлари бугунги авлод билган ва билмаган ўнлаб спектаклларда чуқур из қолдирди. Уларнинг ҳар бири бугун Тўти опа учун фарзандидек азиз, қадрли. Биз Тўти опа билан суҳбат асносида шогирдлари ҳақида сурадик.

— Мени устоз сифатида кимлар тан олади, буни билмайман. Лекин бирор одам келиб нимани-дир сураса, албатта, жавоб беришга, ўзимдаги бор нарсадан бир чимдим илинишга ҳаракат қиламан. Лекин бир нарсани қувонч билан айтаманки, бугун кўпчиликнинг назари тушган ёш актриса Лола Элтоева менга шогирд сифатида азиз. Биз у билан бир видеофилмда суратга тушганмиз. Шундан сўнг унинг табиий ва самимий ижроси, бегубор боқишлари менга ёқиб қолди. Унинг битта қараши кўп нарсалардан дарак беради. Муҳими, мақсади аниқ бўлмагунча қўймайди. Оиласи ҳам жуда яхши. Айниқса, онаси оқила аёл. Ўйлайманки, бу қиз театримиз жамоасининг умидларини оқлайди.

Бизнингча, шогирдга устознинг бундан ортиқ баҳоси бўлмаса керак. Айниқса, бугун қутлуғ ёшга қадам қўйган, ҳамон саҳнада ўзининг ажойиб образлари билан томошабинлар қалбини забт этаётган, оилада яхши уй бекаси, меҳрибон она сифатида катта ҳурматга сазовор бўлган, театр жамоаси орасида ўз ўрнига эга, ўзбек театр санъатида ўзига хос из қолдиришга улгурган Тўти Юсуповадек улуғ санъаткорнинг баҳоси ҳар қандай ёш ижодкор учун катта мукофот, деб ўйлаймиз. Илойим, бугун санъат остонасига илк қадамларини қўяётган барча қизларимизга Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупованикидек сермаҳсул, қадрли, халқ меҳр-муҳаббатига тўлиқ бўлган ижод йўлини насиб этсин.

Гулчеҳра УМАРОВА

Театр

ЁШ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Хоразм вилоят Давлат қўғирчоқ театри ташкил топганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин қисқа фурсат ичида театр ўзининг мустаҳкам репертуарига эга бўлиб, фестивалларда қатнашишга, пойтахтлик томошабинларга спектаклар кўрсатишга улгурди. Жамоатчи мухбиримиз театр директори Давронбек ОТАБОЕВ ҳузурида бўлиб, театрнинг бугуни ва мавжуд муаммолари хусусида бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— Давронбек Жуманазарович, аввало, театрнинг бугунги репертуари мазмуни ҳақида сўзлаб бersангиз.

— Маълумки, бизнинг театр ташкил этилгунча Оғаҳий номидаги вилоят театри қошида М. Қурязов раҳбарлигида қўғирчоқ театр-студияси фаолият кўрсатарди. 1993 йили Хива шаҳрида Хоразм Давлат Қўғирчоқ театри ташкил этилгандан сўнг шу студия раҳбари Мансур Қурязов унга бош режиссёр, Одамбой Абдуллаев саҳналаштирувчи режиссёр этиб тайинланди. Ҳозирги кунда театрда бир қанча малакали актёрлар — Уринбой Иброҳимов, Юсуфбой Юсупов, Мақсуд Бобожонов, Отабек Ниёзметов, Гулбаҳор Юсупова, Нуқулжон Раҳимова каби актёрларимиз фаолият кўрсатмоқдалар.

Албатта, катталар театрими, болаларникими, бундан қатъий назар, ҳар бир спектаклнинг ўзига хос чиқишида саҳна безакларининг роли катта бўлади. Шу маънода бош рассомимиз Солий Қодиров хизматлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Репертуар масаласига келсак, бугунги кунда театримиз саҳнасида «Афанди ҳангомалари», «Тўғри ва эгри», «Чодир жамол», «Зумрад ва Қиммат», «Кашмир қўшиғи», «Туҳмат тош ёрар», «Дўстлик боғи», «Сусамбил», «Шоҳсанам қиссаси», «Олтин балиқ» каби ундан ортиқ спектакллар намойиш этилмоқда.

— Давлат қўғирчоқ театри янги ташкил бўлган пайтидаёқ фестивалда қатнашишга муваффақ бўлган экан...

— Ҳа, бу бизнинг театримиз учун катта синов бўлган эди. Ўша 1993 йили октябр ойида, яъни ташкил этилганидан 4—5 ой кейин Андижонда бўлиб ўтган республика қўғирчоқ театрларининг IV фестивалида қатнашдик. Тўғри, спектаклимизда бир қатор камчиликлар ҳам мавжуд эди. Лекин ёш театр жамоасининг шундай катта анжуманда қатнашгани қувончли ва айни пайтда масъулиятли бўлди, деб ўйлайман. Чунки шундан сўнг репертуар устидаги ишларни қизғин олиб бориб, бир қанча янги асарлар яратишга муваффақ бўлдик.

1995 йили Тошкент шаҳрида ўтган республика қўғирчоқ театрларининг V фестивалида анча муваффақиятли қатнашдик. Унга тақдим этилган «Шоҳсанам қиссаси» ва «Сусамбил» спектакларимиз жамоатчилик ва мутахассислар томонидан яхши қабул қилинди. Бош рассомимиз Солий Қодиров фестивалнинг «энг яхши рассом»и, Қодир Искандаров эса «энг яхши бастакор»и сифатида тан олиндилар ва фестивалнинг махсус совринлари билан тақдирландилар. Шунингдек, спектакларимиз республика телевидениеси орқали бир неча бор намойиш этилди.

Кези келганда саҳна асарлари муваффақиятига муносиб ҳисса қўшиб келаётган қўғирчоқ устаси Шомурод Тоиров, тикувчи Шарофат Ибодуллаева, саҳна ишчиси Қаҳрамон Қурбонов, саҳналаштириш бўлим мудири Маҳмуд Отабоев каби хизматчиларимизни алоҳида тилга олиб ўтишни истардим.

— Бугунги кунда ижодий жамоа қандай ишлар билан банд?

— Шу кунларда театримиз биноси таъмирланаётгани туфайли бу ерда спектакллар қўяётганимиз йўқ. Лекин қўл қовуштириб ўтирмасдан, жойларга бориб томошалар кўрсатяпмиз. Вилоят халқ таълими бошқармаси, хусусан, Хива шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари билан ижодий ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз. Таътил кунларида ўтказилган «Янги йил томошалари» ва «Навруз томошалари» каби тадбирлар ёш томошабинларга маъқул бўлди. Бундан ташқари Хива шаҳридаги Баёний номидаги гимназияда қўғирчоқ театр-студияси ташкил қилганмиз. Мутахассислар билан фикр алмашиш ва амалий ёрдам олиш мақсадида республика қўғирчоқ театрининг бадиий раҳбари Шомурод Юсупов, театр бош рассоми Вениамин Окудин, Санъат институти қўғирчоқ театрлари актёрлари кафедраси катта ўқитувчиси, Қозоғистон халқ артисти Бекбулат Пиржоновларни театримизга бир неча бор таклиф қилдик.

Маҳаллий ҳокимият, Маданият ишлари вазирлиги ва вилоят маданият ишлари бошқармаси томонидан ҳам бизга катта амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Маълумки, Президентимизнинг Фармони билан Хива шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланадиган бўлди. Шу санага бағишлаб махсус дастур асосида театрлаштирилган томошалар кўрсатиш режалаштирилмоқда.

Муаммоларга келсак, булар биринчи галда ўзимизга боғлиқ бўлган ишлар — ижодий ишларни янада жонлантириш, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш ишига муносиб улуш қўша оладиган спектакллар сафини ортириш масаласидир. Ўйлаймизки, ижодий жамоа бу вазифаларни уддалашга қодир. Энди ўзимизга боғлиқ бўлмаган баъзи масалалар ҳам борки, буларга тўхталмасликнинг иложи йўқ. Аввало, театр жамоасини уй-жой билан таъминлаш иши жуда мураккаб кечаётир. Бундан уч йил аввал бошланган таъмирлаш ишлари ҳали ниҳоясига етгани йўқ. Шунинг учун ҳозир фақат кўчма ҳолда томошалар кўрсатишга тўғри келяпти. Ҳақиқий ижодий муҳитни юзага келтириш учун, аввало, жамоанинг моддий-маънавий шароити яхши бўлиши керак. Агар бу муаммолар ҳал этилса, шубҳасиз, Хоразм Давлат қўғирчоқ театри янада яхши асарлар билан болаларга хизмат қилишга, уларни санъатга, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашга бутун имкониятларини сафарбар этади.

Ойбек ТИЛЛО
суҳбатлашди

Қашқадарё янгиликлари

РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

Қашқадарёлик таниқли мусаввир ва ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Садриддин Салимов асарларининг Қарши шаҳридаги мусиқа билим юрти фойесида очилган кўргазмаси томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Унга муаллифнинг 200 дан зиёд рангтасвир асарлари ва ҳайкаллари қўйилган. Кўргазмани кўздан кечирган Юнесконинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик, санъаткорлар, зиёлилар рассомнинг портретлари, суратлари, пейзаж асарлари, ним ҳайкалларида Қашқадарё одамлари, табиати, тарихий воқеалари ёрқин акс эттирилгани, кишиларни фикрлашга, юксак орзуларга чорлашини таъкидлаб, ишларига юксак баҳо бермоқдалар.

ТИНИБ-ТИНЧИМАГАН ОДАМ

Бу ёруғ оламда инсон қизиқишу интилишининг чегараси йўқ. Аммо, бу борада ҳеч ким Чироқчи туманининг машҳур Чиялисойида яшайдиган Абдусодиқ Абдухолиқовга тенг келмаса керак. Тиниб-тинчимаган бу йигит шу йил икки қаватли уйининг юқорисида тарих, этнография музейи очди. Унда омочнинг қадимий тиши, кўҳна жарроҳлик асбоблари, мис, кумуш идишлар, адрас кўрпа, тош товоқлар, ёғоч буюмлар, эски чироқлар, тангалар, пуллардан тортиб, табиат яратган ғалати шаклларгача мавжуд. Осори атиқалари сони кун сайин кўпайиб, катта хона торлик қиляпти.

Абдусодиқ бу билан чекланиб қолгани йўқ. Кенг ҳовлида 7 минг терак ўстирмоқда, жувоз, атлас тўқиш цехи қурди, яна иккита зотдор отда улоқ чопади, эшик, дераза ясайди, расм ишлайди, шахсий дукон очган. Кечки пайтлари музейни кўргани келган ҳамқишлоқларига дутор, рубобда диллбар куйлар чалиб беради.

ҲАҚИҚИЙ САРОЙ

Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» қишлоғида жойлашган маданият саройи қишлоқ аҳлининг ҳақиқий оромгоҳига айланмоқда. Бу ерда ташкил этилган тарих музейи, 600 ўринли муҳташам томошахона, фойедаги турли суратлар, жиҳозланган тахта сўрилар, муўжазгина фаввора, бой кутубхона томошабинлар баҳри дилини очади. Яқинда бу ерда «Вилоят араблар маркази» очилди. Миллий қадриятларни улуғлашга бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда.

«Жейнов» ҳужалиги раиси Муроддила Саидовнинг айтишича, қишлоқ аҳли ҳар йили яхши ишлаб, пахта ва бошқа экинлардан зўр ҳосил олади, бундан миллион сўмлаб даромад олинади. Шуларнинг кўп қисми аҳолининг маданий-маиший, уй-жой шароитларини яхшилашга сарфланади.

Н. ТИЛОВ,
ўз мухбиримиз

Қутлаймиз!

ҲИКМАТЛАРГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Дунёда биз фойдаланадиган барча нарса — ашёларимиз вақтинчалик. Чунки вақт ўтгани сари уларнинг шаклу шамойилига путур етиб, ишлатишга яроқсиз бўлиб қолади. Аммо шундай нарсалар борки, унга на вақт, на об-ҳаво инжиқликлари таъсир эта олади. Бу ҳикматли сўзлардир. Турмуш тажрибаларида туғилган ҳикматлар аждодларнинг энг улуғ мероси сифатида авлодларга ўтади. Аммо ўтган вақт ҳикматларни рангсизлантирмайди. Аксинча, ҳикматларнинг янги-янги қирралари очилиб бораверади. «Одамзотта ато этилган неъматларнинг энг табарруги сўз бўлса, ҳикматлар сўзларнинг гавҳаридир. Муомала муносабатларимизда улардан қанчалик фойдаланса, кўнгилларимиз шунчалик оройиш топади», дейди Ҳасанхўжа ака.

Давраларнинг ҳадисини олган домланинг бу мулоҳазаларида ҳам ҳикмат мужассам. Дарвоқе, юқорида айттанимиздай улар қанча кўп қўлланса, шунча ярқираб, кўнгилларга нур бўлиб кираверади. 60 ёшини қаршилаётган домла ҳикматли сўзларнинг мана шу бебаҳо ҳислатини англаганидан уларни тилидан қўймайди. Яссавию Суфи Оллоёрдан, Машрабу Фузулийдан байтлар ўқийди. Аммо у киши айримларга ўхшаб нутқига қўрк бериш, кишиларни суҳбатларига лол этиш ниятида бундай қилмайди.

Ҳикматли байтларни ёд олиш, ваъз ўқишнинг обдон ҳадисини олиш мумкин. Аммо уларни қўллаш кишидан масъулият талаб қилади. Бу ҳикматларни қўллайдиган одамнинг аввало ўзи шунга муносиб бўлмоғи керак. Буни эса ҳамма ҳам уддалайвермайди. Шунинг учун ножоиз гап-сўзлар, хатти-ҳаракатлар бўлаётганда аксарият сукут сақлаб, бошни эгиб, ўзини кўрмаган, билмаганга солиб туради. Ҳасанхўжа домла эса бундай маҳалларда, албатта, ўз муносабатини билдиради. Ҳар қандай жойда ҳам дадил туриб, фикрини айтади.

Домла 1961 йилдан буён ўзи таълим олган табаррук даргоҳ — Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетида муаллимлик қилади. У Эркин Воҳидов, Норбой Худойберганов, Раҳматулла Иноғомов, марҳум шоир Анвар Эшонов, Талъат Солиҳов каби истеъдодли шоир ва адабиётшунослар билан бирга таҳсил олган. Эҳтимол, мана шундай кишилар давраси ҳам Ҳасанхўжа ака кўнглини ҳикматли сўзларга ошуфта этгандир. Эҳтимол, талабаликда тушган меҳр кейинчалик шарқ мутафаккирлари асарларини урганишга чорлагандир. Дарвоқе, домла номзодлик диссертациясини «Фузулий ва ўзбек адабиёти» мавзусида ёқлаган.

Рўзғорида ҳам, университет аудиториясида ҳам, сайру саёҳатлар чоғида ҳам донишмандлар ўгитини эслатиб туриш таомилини билган Ҳасанхўжа ака инсон учун энг кераклиги — яхшилар даврасида бўлиш, уларга эргашиш деб билади. Шунинг учун таниқли ҳофизлару машҳур шоир, ёзувчи, олимлар даврасини ўюштиришга ҳаракат қилади. Уларга журабоши бўлади. Турли тадбирлар ташкиллаштириб, яхшиларнинг ҳузурбахш суҳбатларидан кўпчиликни баҳраманд этади. Бордан юқади деганларидек, яхшилардан яхшилик ўтади. Уларнинг пойи қадами теккан жой ҳам табаррук бўлади, дейди домла.

Ижодкорлар: (чапдан) Ҳ. Муҳаммадхўжаев, О. Ёқубов, У. Норматов ва Р. Иноғомовлар.

«Одамларимизнинг насиҳатларга, ахлоқ-одоб хусусидаги гап-сўзларга эътиборсиз бўлиб қолганига сабаб аксарият қишиларнинг Навоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб сингари улуғлар ғазал, рубоийларининг муъжиза эканлигини билмаслигидандир. Агар билиб, буни англаганларида эди, диллари нурланган бўларди. Шунинг учун боғчада ҳам, мактабда ҳам фарзандларимизни бу улуғ меросдан баҳраманд қилишимиз керак. Чунки Навоий ёки Бобурнинг лоақал ўнта байтини ёд билган одам, ҳарқалай ёвузлик қилолмайди», дейди Ҳасанхўжа ака.

Одамларни яхшиликка даъват қилиб, бир неча китоблар, ўнлаб мақолалар чоп эттирган, айниқса, юрт кезиш, одамлар даврасида бўлишни одат қилган Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаевнинг бундай эътиборли уй-мулоҳазалари жуда кўп. Турмуш тажрибаларини елкасида ортмоқлаб, донишмандлар дурдоналарини дилига жойлаб, хўп ярашган оппоқ соч, ҳикматларга ошуфта содда кўнгил билан табаррук ёшини қаршилаётган домланинг орзулари бисёр. Улар ичида энг сараси, албатта, бир-биридан ораста ўғил-қизлари, ширин-ширин набиралари, қавм-қариндошлари, талабалари, даврадошлари дилини донишмандларнинг ҳикматомуз сўзларидан баҳраманд этишдир.

Абдулла УЛУҒОВ,
филология фанлари номзоди, доцент

Манзура Собир қизи — Ойдиннинг 70 йиллиги

ЯНГИЛИК ШАЙДОСИ ЭДИ

Манзура Собир қизи ҳаётда ойдин йўл қидириб, янгиликка шайдо бўлиб ва уни жон-дили билан ҳимоя қилиб бадиий ижодга кириб келди. Эндигина йигирма ёшга кирган бу ижодкор 1926 йилда нашр этилган китоби-пиесасини «Янгиликка қадам» деб номлади ва унга Манзура Собир қизи (Ойдин) деб имзо чекди. Нурга интилиш, янгиликка ташналик—инсонни руҳий, ахлоқий баркамол кўриш орзуси ижодининг бош ва доимий белгиси бўлиб қолди. Одатда, ёзувчилар узоқроқ ҳаёт йўлини босиб ўтгач ва кўпроқ руҳий таржимаи ҳолни йиққач драматургияга қўл урар эди. Ойдин бу қийин соҳада қаламини синаб кўрди, кейин бу майдонда қалам сурмади. Аммо ёш ижодкорнинг бу жанрдаги изланиши, уриниши унинг ижодий йўлида бир муқим фазилат бўлиб қолди. Ойдин турмушда, воқеликда юз бераётган янгиликларни тезда илғаб олар ва уларни фаоллик билан қўллаб - қувватлар эди, тарғиб-ташвиқ қилар эди. Шу туфайли унинг асарларида тарғибий-ташвиқийлик ва ахлоқий-маънавийлик руҳи устунлик қилади, ҳужжатлилик—жонли турмуш манзаралари салмоқли уринни эгаллайди.

Аслида Ойдин ўзбек адабиётига ўзига хос ҳикоянавис сифатида кириб келди ва тан олинди. Айни пайтда жамоат ва давлат арбоби сифатида ҳам маданиятимиз ривожига ўзининг салмоқли улушини қўшди. У бир-биридан масъул лавозимларда ишлаб, ҳурмат зиналарининг баланд чўққиларигача кўтарилди: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб, Ўзбекистон Радиоқўмитасининг адабий эшиттиришлар бўлимида масъул муҳаррир, собиқ Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитасида инструктор, «Ўзбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журналида масъул муҳаррир бўлди, Ўзбекистон Олий Кенгашига ноиб қилиб сайланди. Бу ишларда Ойдин ажойиб ташкилотчилик талантини намойиш қилиб, элнинг ҳурмат-эъзозига сазовор бўлди.

Тўғри, Ойдин ҳам ўз даврининг — Шуро замонининг фарзанди эди. Аммо у бошқа қаламкаш дўстлари каби бу ишларга меҳнаткаш инсонинг бахт-саодати, келажаги, инсоннинг маънавий баркамоллиги нуқтаи назардан, яъни орзу туйнугидан қараб ёндашди. Ойдин хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, унда фаол иштироки учун жон куйдирди. Бу масала ҳозир янада жиддийроқ қўйилмоқда. Ойдин ҳалол меҳнатни ғоят улуғлади, меҳнатсиз турмуш инсонни емиради ва ўзи учун, халқ учун қилинган меҳнат инсонга шон-шараф келтиради, деган фикрни жуда қунт ва шиддат билан тарғиб этди («Кўнгил тўлдими, яхши йигит» ҳикояси). Бошқа бир асарида «Халқ шунақа меҳрибон бўлади, бу меҳрни туғдириш учун жонни аямай халққа хизмат қилиш керак» дейди.

Бу Ойдиннинг инсонни баҳолашдаги бош мезони эди (бу фикрни унинг ўзига ҳам нисбат бериш мумкин). Ҳозир миллий мустақилликка чиққан пайтимизда ўзимиз, юрт учун ишлаб, янги жамият қуриш ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Инсон ҳар доим фақат ҳалол меҳнати билангина яхши яшаган ва тилагига етган. Сўнгра мумтоз адабиётимиз юрагининг тўрида камбағални, адолатни ҳимоя қилиш турган. Ойдин ҳикояларининг марказида ҳам шу ғоя—камбағалпарварлик, адолатпарварлик туради. Ойдин асарларида бундай боқий мавзу, боқий фикр, орзу-армонлар жуда кўп ва шу туфайли бугун унинг меросига мурожаат этиб турибмиз. Сўнгра Ойдин ҳикояларида ўзбек миллий турмуши, халқимизнинг миллий характери, миллий руҳи ва ўзига хос психологияси чиройли акс этди. Унинг ҳикояларида миллий бадиий тафаккурнинг кучлилиги ҳатто асарларининг сарлавҳаларидан ҳам аниқ сезилиб туради: «Дундиқдан ҳам ёш экан», «Чақалоққа чакманча», «Садаганг бўлай, командир», «Шу жувоннинг ўзидан ҳам, кўзидан..», «Эр юрак», «Асл ёр», «Суҳбати жонон», «Уялди шекилли, ерга қаради», «Икки кўзи шунда», «Олтин узукка олмос кўз»... Булар қандай халқчил, мафтункор, жозибали сарлавҳалар!

Зотан Ойдин ўзининг ижодкорлик қобилиятини ҳикоячиликдагина намоён эта олди. Гарчанд у «Тонг қушиғи» (1931), «Чечан қуллар (1933), «Ойдин шеърлари» (1937) каби шеърий тўпламлар нашр этган бўлса-да, булар жуда жўн тўқималар эди.

«Ямоқчи кўчди» ҳикоясида ямоқчининг ўғли бойнинг ёнғоғини тераётган бўлади. Бойнинг арзандаси Ўлмасбой уни ўйинга тортади ва шу жараёнда Ўлмасбой йиқилиб оёғи лат ейди. Бой шу тасодифдан ўз манфаати учун фойданади: ямоқчидан товон талаб қилади ва ҳовлисини зўрлик билан тортиб олиб, ўзини қишлоқдан бардарға қилдиради. Хонга хотин бўлишга кўнмаган ва ўз севгилисига содиқ қолган жасур қизни хон қайнаб турган қозонга тириклай ташлатиб куйдириб ўлдиради. Асар қаҳрамонона руҳи билан кишини мафтун қилади.

Ойдиннинг бир туркум ҳикоялари замондошлари маънавий дунёсининг таҳлилига бағишланган. «Садаганг бўлай, командир» ҳикоясида мураккаб тақдирли асар қаҳрамонларининг психологик ҳолати, руҳий дунёси, чуқур изтироблари курсатилади. «Кўнгил тўлдими, яхши йигит» ҳикоясида «Ишсиз одам зерикади», деган жумла бор. Асарда шу муаммо таъсирли таҳлил этилади. «Ўзидан курсин» ҳикоясида қолоқлик ва янгиликка интилмасликнинг фожиасини кўрсатади: йигит қизни ойдин йўлга етаклай олмагач, ундан воз кечиб, бошқага уйланади ва кўзи очилган қиз ҳаётда ўз ўрнини топишга жазм қилади. Ойдин бундай сабоқли ҳикояларни кўп ёзган.

Ойдин Фарҳод қурилиши иштирокчилари ҳақида «Ширин келди», «Ширинга мактуб» каби кўтаринки пардада ва юмор оҳанги билан йўғрилган очерклар ёзди. Ҳалима Носирова тўғрисидаги «Саҳнамизнинг булбули», Мукаррама Турғунбоевага бағишланган «Қўш қанот» очерклари Ойдиннинг ўзбек аёлларининг камолатидан чин юрагидан қувонганини ва маданиятимизнинг ҳақиқий жонкуярларидан бири эканлигидан далолат беради. Унинг «Музикадаги мунг билан Ҳалима йиғлар, музикадаги шодлик билан Ҳалима куларди. Ҳалима ашулаларга жон киргизар, уларга махсус қочиримлар, безаклар ижод қиларди. Шунинг учун халқ орасида кўп ашулалар «Ҳалима Носированинг ашуласи» деган қўшимча билан юрадиган бўлиб қолди», деган фикри ғоят тўғри, топиб айтилгандир.

Ойдин чиндан ҳам инсон ва юрти камолотидан юрак-юрагидан қувонадиган, ҳар қандай катта-кичик янгиликни астойдил қўллаб-қувватлайдиган ва кенг тарғиб қиладиган ёзувчи эди. У фидойи меҳнаткашларни, янгиликка интилганларни яратиш жараёнида ўзлари ҳам улғайиб, фозиллашиб бораётганларни «менинг қаҳрамоним» деб улуғлар эди. Ойдин ҳикоялари, очерклари ва унинг ижодкор сифатидаги тимсоли мана шундай фазилатлари билан ҳамиша ҳамнафасдир.

Салоҳиддин МАМАЖОНОВ

МУШТАРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда қардош Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги ўқувчилари билан бир қатор учрашувлар бўлиб ўтди.

Қишни жумҳуриятларда газетамизнинг мухлислари жуда ҳам кўп.

Тахririятимиз улар билан домий равишда боғланиб туришга, адабиёт, санъат соҳасидаги янгиликларни, икки мамлакат халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқаларини изчил ёритиб боришга ҳаракат қилади.

Ўш Давлат дорилфунуни филология факултетида бўлиб ўтган учрашувда талаба ва ўқитувчилар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталиги ўзларининг доимий ҳамроҳлари эканлигини алоҳида таъкидладилар. Газетада эълон қилинаётган мақолалар, хусусан тарих, маданий мерос, қардошлик алоқалари мавзуидаги чиқишлар кўпчиликка маъқул келаётгани айтилди. Бугун адабиёт, тарих дарсликлари қайтадан ёзилаётган, миллий, маънавий-ахлоқий қадриятлар ҳаётимизда ўз ўрнини қайтадан топаётган экан, бундай пайтда газетанинг шу мавзулардаги долзарб чиқишлари биз учун ғоят муҳимдир, — дейишди бўлғувси педагоглар.

Вилоятнинг Новқат туманидаги бир қатор хўжаликлар ва мактаблардаги учрашувларда ҳам айни шу нарса қайта-қайта такрорланди. Ўқитувчилар кейинги пайтларда Ўзбекистонда нашр этилаётган газета-журналларга бўлган эҳтиёж ошиб бораётганлигини, уларни ўз вақтида олиб ўқишда эса айрим муаммолар ҳам мавжудлигини айтдилар.

Жалолободда бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган ўзбек миллий марказидаги учрашув қизғин баҳс-мунозарага айланиб кетди. Илдизлари бир бўлган туркий қондош халқлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришда, халқларимиз эришган мустақиллик моҳиятини, интеграция ниқоби остида унга нисбатан қилинаётган турли тазйиқларни одамларга тўғри англатишда зиёлилар, оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёс эканлиги учрашувнинг бош мавзуси бўлди.

Учрашувлар Ўшдаги Заҳириддин Бобур номидаги ўзбек давлат драма театри биносида утказилган ижодкор зиёлилар ҳамда ёшлар иштирокидаги ижодий мулоқот билан якунланди. Газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев жорий йилда ўзининг қирқ ёшини нишонлаётган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигининг кенг қиррали фаолияти, келажак режалари тўғрисида йиғилганларга батафсил сўзлаб берди ҳамда муштарийларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди. Газетанинг йиллик тахлами ва энг сара мақолаларидан ташкил топган икки жилдлик китоб Ўш давлат Университети кутубхонасига топширилди. Фаол ўқувчилардан бир гуруҳи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

Газета ўқувчилари билан бўлган учрашувларда шоир Турсунбой Адашбоев, «Ўш садоси» газетаси бош муҳаррири Абдуғани Абдуғафуров, «Ўш жангиғиғи» газетаси бош муҳаррири Асқарбек Сидиқов, ёзувчи Мирзоҳид Мирзараҳимов, қирғиз адиблари Каримшоқ Тошбоев, Абибулла Пазилов, Бўпа Каримова, Жипар Ақунова ва бошқалар иштирок этдилар.

Ўз ахборотимиз

КУТУБХОНАЧИЛАР ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

Шу йил 13-15 май кунлари Хоразм вилоятида Республика вилоятлари корхоналари кутубхоналари раҳбарларининг анъанавий семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Президентимиз И.Каримовнинг жорий йилда Хоразм вилояти фаоллари билан бўлган учрашувида вилоят кутубхоналари ҳақида билдирган танқидий фикрлари кенгаш ишининг бош мавзуси бўлди. Маданият ишлари вазирлиги Маданий-маърифий ишлар бошқармаси бошлиғи Рустам Ҳўжаевнинг кириш сўзидан сўнг вазирликнинг Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ғ.Нарзуллаев, Хоразм вилояти Боғот тумани марказий кутубхонасининг директори Х.Саидов, Наманган вилояти маданият ишлари бошқармасининг бошлиғи Х.Сайдуллаев ва бошқаларнинг кутубхоналар фаолиятини яхшилаш тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Хива тумани Хива жамоа хўжалиги ҳудудидаги бирлашган кутубхона шохобчаси олиб бораётган ишлар билан танишдилар. Шунингдек, меҳмонлар шу туманда жойлашган Р.Мадаминов жамоа хўжалигидаги Нажмиддин Кубро тарихий ёдгорлиги ҳамда янги қишлоқ маданият марказини, Қўшкупир туманида жойлашган Аз-Замахшарий мажмуасини ва бошқа тарихий масканларни бориб кўрдилар.

Ғ.НАРЗУЛЛАЕВ
Г.НУРИМОВА

УЧРАШУВ МУНАҚҚИДЛАР СУҲБАТИ

Ёзувчиларнинг Дурмондаги ижод боғида урушда қатнашган адиблар ва олимлар билан учрашув бўлди.

Учрашув аввалида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов сўзга чиқиб, аҳли ижод орасидаги уруш фахрийларини Ғалаба байрами билан табриклади.

Адабиётимиз оқсоқолларидан Иззат Султон, Матёқуб Қўшжонов, Шоислом Шомуҳамедов, Назармат ва бошқалар ўз сўзларида уруш хотираларини ёдладилар.

Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раисининг ўринбосари Собиржон Охунжонов учрашув қаҳрамонларини байрам билан табриклай туриб, тинчлик ва осойишталик йўлига ўз умри жонларини тикиб, қирғинбарот жанглардан музаффар қайттан отахонлар бизга ғанимат эканлигини, ҳозир ёнимизда юрган чоғларида уларга қўлдан келганича хизмат этмоғимиз, меҳр кўрсатмоғимиз лозимлигини таъкидлади. Дурмонда уюштирилган учрашув шу маънода фахрийларимиз кўнглини чоғ этди.

М. РАВШАН

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасида «1995 йил адабий танқидчилиги ва адабиётшунослиги» мавзуида давра суҳбати бўлди.

Давра суҳбатини Ёзувчилар уюшмаси адабий-танқид кенгашининг раиси адабиётшунос олим Тура Мирзаев кириш сўзи билан очди. У ўтган йили эълон этилган адабий-танқидий, илмий-назарий асарларда қўлга киритилган ютуқлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Сўнгра адабий гурунг иштирокчилари ёш адабиётшунос олимлар Дилмурод Қуроновнинг 1995 йилда эълон этилган адабий-танқидий мақолалар тўғрисидаги, Сайфиддин Рафиддиннинг ўтган йили чоп этилган адабий-танқидий китоблар ва дарсликларга бағишланган маърузаларини тингладилар.

Дилмурод Қуронов маърузасида Азиз Қаюмовнинг «Шайх Нажмиддин Кубро қутби даҳр...» («Гулистон», № 1), Ориф Усмоннинг «Кубровия тариқати» («УзАС, № 21), Раҳим Воҳидовнинг «Латоифнома» латофати» (УзАС, № 5), ёш мунаққид А. Ёқубовнинг «Навоийга берилган бир баҳо хусусида» (УзАС, № 5), Қодиржон Эргашевнинг «Бобурнинг беш рубоийси» (УзАС, № 6), Абдулҳамид Исмоилнинг «Қоши ёсинму дейин...» («ЎШЮ» № 1,2), Муҳаммаджон Имомназаровнинг «Адиб Аҳмад қачон яшаган?» (УзАС, № 3), Қ. Маҳмудовнинг «Манбаларни қайтадан кўрмоқ керак» ва Эргаш Умаровнинг «Тили ҳам қадимий» (УзАС, №7) номли мақолалари мисолида ўтган йили адабий танқидда мумтоз адабиётимиз тарихи, миллий қадриятларимиз ардоғи алоҳида янгича нуқтаи назарлар билан бойитилганлиги, мумтоз адибларимиз юбилейларига бағишланган саҳифаларда «навбатчи» материаллардан қочишга ҳаракат қилинганлиги таъкидланди.

Шунингдек, маърузада асримиз бошидаги адабий жараённи, жадид адабиёти намояндалари ҳаёти ва ижодини урганишга бағишланган мақолаларга, шуролар сиёсати мустаҳкамланган давр адабиётига муносабат билдирган мақолаларга, бугунги адабий жараён муаммоларини урганиш, янги пайдо бўлган бадиий асарларни баҳолашга оид мақолаларга ҳам батафсил тўхтанилди. Айниқса, ўтган йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг танқид, адабиётшунослик саҳифасида кечган баҳсга алоҳида муносабат билдирилди. Маъруза давомида Н. Каримовнинг «Беҳбудий ва жадид адабиёти», Ш. Ризаевнинг «Истибдодга қарши исён», Ҳалим Сайиднинг «Беҳбудийни қатл этган ким?», «Мажбурий ҳаж тафсилотлари», С. Мамажоновнинг «Ҳамза ва жадидчилик», И. Ҳаққулнинг турк тадқиқотчиси Ҳ. Узбойнинг «Чўлпон шеърлари» номли китобига ёзган тақризи, Умарали Норматовнинг «Ғаройиб робиталар» мақолалари тилга олинди.

Маърузачи 1995 йил адабий танқидида бадиий асарни таҳлил қилишда қўлланилган методлар, мунаққидларнинг бадиий асарга ёндашув усуллари, мақолаларнинг услубий-шаклий, бадиий хусусиятларига алоҳида тўхталди. А. Исмоилнинг «Қоши ёсинму дейин...» номли мақоласи ўтган йилнинг энг яхши мақоласи сифатида баҳоланди. Навоийнинг биргина ғазали таҳлилида мунаққид структуравий, семантик, семиотик, ижодий-генетик, мафкуравий тадқиқот методларига таянади, уларнинг барини ягона мақсадга хизмат қилдиради.

Сайфиддин Рафиддин ўтган йили чоп этилган «Адабиётшуносликка кириш», «Ўзбек драматургияси тарихи», «Ўзбек тили ва адабиёти» каби ўқув қўлланмалари, Фитратнинг «Адабиёт қоидалари», А. Мусақуловнинг «Ўзбек халқ лирикаси», М. Жураевнинг «Ўзбек халқ самовий афсоналари», Н. Жумаевнинг Феруз ва Огаҳий ҳаёти ва ижодий фаолиятлари бағишланган турқум тадқиқотлари ҳамда диний мавзуда яратилган бир неча китоблар ҳақида мулоҳаза юритди.

Маърузалар юзасидан Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Й. Сулаймон, адабиётшунос олимлар Ҳ. Абдусаматов, Н. Каримов, У. Норматов, О. Абдуллаев, Қ. Йўлдошев, мунаққидлар Я. Қосимов, Р. Қўчқор, Р. Раҳмат, тадқиқотчи А. Баратов сўзга чиқдилар. Музокаралар қизғин баҳс-мунозаралар тарзида утди. Уларнинг асосий фикр-эътиборлари маърузаларга ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси саҳифаларида берилаётган «баҳс»га қаратилди.

Уша куни танқид муҳокамасида иштирок этганлар тасаввурлари янги илмий-назарий қарашлар, адабий-танқидий, эстетик мулоҳазалар, фикр олишувлар билан бойитгани шубҳасиз. Бу бойликда ҳозирги адабий жараённинг хилма хил қирралари акс этади.

Рустам МУСУРМОН

ЎТИЛГАН ЙЎЛ — ТАРИХ

Инсон руҳиятида ўз жамияти кайфияти акс этади. Ўзбек насрчилигида ўзига хос ўрни бор адиба Ойдин Собирова адабий меросига ҳам шундай ёндошилса, бу мерос бизга янада тушунарлироқ бўлади.

Яқинда пойтахтимиздаги Акмал Икромов туманига қарашли адиба номига қўйилган 106-мактабда Ойдин Собирова таваллудининг 90 йиллигига атаб хотира кечаси ўтказилди. Кечани Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Акмал Икромов тумани ҳокимияти, мактабнинг собиқ ўқувчилари ҳамжиҳатликда уюштирдилар. Мактаб боғига адибани таниган, билган кекса авлод вакиллари, санъаткорлар, маҳалла фаоллари йиғилди. Хотира кечасини мактаб қошидаги боғча тарбияланувчилари Ўзбекистон Давлат мадҳияси билан бошлаб бердилар. Ойдин Собирова ҳикояларининг халқчиллиги ҳақида мухтасар сўзни филология фанлари доктори, профессор Салоҳиддин Мамажонов айтди.

Адибанинг шогирдларга меҳри, болажонлиги, яқинларига жигаржонлиги, айни чоғда талабчанлик фазилатлари ҳақида Ўзбекистон халқ ёзувчилари Ҳаким Назир, Мирмуҳсин, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Холида Аҳророва, санъатшунослик фанлари доктори Лола Ҳўжаевалар гапириб бердилар. Эл севган санъаткор Ҳожиакбар Ҳамидов халқона қўшиқлари билан йиғилганлар таассуротларини ранглантирди. Боғдаги Ойдин Собированинг катта портрети мактаб ўқувчилари тилидан ўз шеърларини тинглаб, гўё бир қадар шодон, бир қадар маҳзун кўриниш олгандек туюлди.

— Ўтилган йўл—тарих. Уни ўзгартириш қийин. Аммо биз доим ўтилган йўлга қайрилиб қараб, уни урганиб, таҳлил қилиб, сабоқ олиб ҳулосалар чиқаришимиз керак. Шунда кечаги камимиз бугун бутланади, шунда тобора камолга етган халқ юксаклигига кўтарила борамиз, деди кеча сўнггида уни олиб борган Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева. Бу ўтказилган тадбирнинг асосий мақсади, ҳулосаси эди.

Ойдин Собированинг қизлари Мунира Абдушукурова бир аёл руҳини—онаси руҳини шунча эъзозлагани, ёд этгани учун йиғилганларга ташаккур билдирди.

Қ. РАҲИМБОЕВА

Тошкентда матбуотчилар уйида америкалик суратқаш Рей Мйюзнинг кўргазмаси очилди.

СУРАТЛАРДА: кўргазманинг очилиш маросими. Рей Мйюз асаридан намуна.

Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ суратлари.



БИЛДИРИШ

Шу йил 29 май куни соат 11.00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Болалар адабиёти адабий кенгашининг 1995 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтади. Йиғилишга ёзувчилар, танқидчилар, ўқитувчилар ва барча қизиққан кишилар таклиф этиладилар.

Манзилимиз: Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй. Метронинг Мустақиллик майдони бекати.

Хорижда нима гап?

МИСР ЯНГИЛИКЛАРИ

ДОРИ-ДАРМОНЛАР ДОНҒИ

Миср соғлиқни сақлаш ва аҳоли масалалари бўйича вазири доктор Исмоил Салом мамлакатда ишлаб чиқарилаётган дори-дармонлар ўз сифати, таъсир кучи ва зарарсизлиги жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ эканлигини таъкидлади. Яқинда Миср дори-дармон ишлаб чиқариш миллий ширкатларидан бири энг нуфузли «АЙЗУ-9001» халқаро сифат гувоҳномасига сазовор бўлди.

Вазирлик келтирган маълумотларга кўра, маҳаллий дори-дармон ишлаб чиқариш саноати ўтган йили умумий қиймати 2,7 миллиард жунайх миқдорида дори-дармон ишлаб чиқариб, мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини 93 фоизга қондирган.

ҚОН БОСИМИ ДАВОСИ

Мисрда қуруқликда ўсадиган 12 турдаги гиёҳ асосида қон босимига қарши дори тайёрланди. Қон босимини туширишда ўчун қўлланиладиган янги дори тажрибадан муваффақиятли ўтди. Унинг таркибида «Ҳалфа бар», «Ҳаргал», «Ғинсиг» каби гиёҳлар мавжуд. Мазкур доридан фойдаланиш учун гиёҳлар аралашмасидан бир чой қошиғи олиниб, бир стакан қайноқ сувга солинади ва икки дақиқа дамланади. Сўнгра тиндирилган дамлама ҳар куни учтўрт марта овқатдан олдин ичилади. Дори Қоҳира университетининг доришунослик факультетида синаб кўрилганида ижобий натижаларга эришилди ва мамлакат Фанлар академиясида расман қайд этилиб, уни яратганларга муаллифлик патенти топширилди.

ҚАДИМГИ АЖДОДЛАР МАҲОРАТИ

Американинг Сан-Франциско шаҳрида кашф этилган икки илмий кашфиёт анча шов-шувга сабаб бўлди. Гап шундаки, мамлакатнинг Юта штатида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ илмий ходимлар Калифорниянинг Сан-Хосе шаҳри музейидаги фиръавн даври мумиёлари экспозицияларини рентген нури ёрдамида тадқиқ қилаётган пайтларида бундан 3600 йил аввал Мисрда мумиёланган жуссада болдир суягига қоқилган 23 сантиметрли маъдан михга дуч келдилар. Бу мих ёрдамида болдир суяги тиззага михланган экан.

Бирменгейм шаҳридаги шифохонанинг олим ва жарроҳлари шаҳар музейида сақланаётган ва мумиёланган икки бош ва учта бош суягини Лондондаги тадқиқот марказларида урганишлари натижасида қадимги мисрликлар шол, хотира ва кўриш қобилиятини йўқотишга сабаб бўладиган мия шишларини ҳам даволай олганлар, деган хулосага келишган.

Мазкур тадқиқотда иштирок этган доктор Баҳурнинг айтишича, замонавий рентген воситаларида текширилаётган бир бош суягининг ичида катталиги 10х6 см. келадиган шиш ўрнига кўзлари тушган. Бундай ҳажмдаги шиш одатда беморни ё ярим шол ҳолатга келтириши ёки кўриш, хотира қобилиятини тула йўқотишга олиб келиши аниқ. Лекин эрамиздан 1300 йил аввал яшаган ва нисбатан ёш ҳисобланган бу бемор мазкур шиш билан 10 йилча умр кўрган. Демакки, у миясини муваффақиятли даволаган.

Ҳозир мия хасталиклари одатда мия суягини очиш ва жарроҳнинг аралашуви орқали даволанади. Лекин ўтмишда, ҳали жарроҳлик урф бўлмаган даврларда мисрлик шифокорлар бундай хасталикларни жарроҳ аралашувисиз ҳам уддалашган экан.

Доктор Баҳурнинг таъкидлашича, қадимий мисрликлар жусса айнимаслиги учун уни тўлиқ мумиёлаш мақсадида инсон миясини бош чаноғидан бурун бўшлиғи орқали суғуриб олишни ҳам билганлар. Шу тариқа бош суягининг тўлиқ мумиёланишига эришганлар.

Миср Араб республикаси элчихонасининг матбуот бўлими хабарномаси материаллари асосида тайёрланди

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Тошкент хореография билим юртининг директори **Исроил ҲАСАНОВ** бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси таниқли адабиётшунос олим, уюшма аъзоси **Натан МАЛЛАЕВ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

Узбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг «Ўзбекистон—Хитой» дўстлик жамияти бошланғич ташкилоти Республика хореография билим юртининг директори **Исроил ҲАСАНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МАНГУ ЛАҲЗА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, кекса фотожурналист Неъматилла Аъзамов мавзуи, услуби ва ижодий маҳорати билан катта-кичик ҳамкасбларидан ажралиб туради. Салкам етмиш йилдирки, муболаға бўлмас деб ўйлаймиз, унинг илҳом манбаи — мактаб, маориф, маданият саҳифасидаги ажойиб одамларнинг ҳаётий фаолиятидир. Унинг қаҳрамонлари мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар, илм-фан ходимлари, ёзувчилар, артистлар, бастакорлар, рассомлар, матбуотчилар, спортчилар ва бошқалар...

У биринчи марта ўз муаллими Мурод Султоновнинг фотопортретини яратди. 85 ёшни тўлдирган отахон санъаткор Неъматилла Аъзамов ана ўшандан буён республикамиз матбуоти саҳифаларида ўз асарлари билан самарали иштирок этиб, замондошларимизнинг сиймоларини акс эттириб, замонамизнинг тасвирий солномасига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. У қанчадан-қанча шогирдлар етиштирган.

Биз газетхонларимизга Н.Аъзамовнинг турли йилларда олган суратларидан баъзи намуналар тақдим этиб, отахон фотожурналистимизга узоқ умр, янги ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

СУРАТЛАРДА: 1. Академик Тошмуҳаммад Қори Ниёзий. 2. Академик бастакор Юнус Ражабий. 3. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Уйғун. 4. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор. 5. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров. 6. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, шоир Мақсуд Шайхзода.











«ВОСТОК» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Германиянинг Кёлн шаҳрида чоп қилинаётган «Восток» журнали 30-йиллардан бери овруполиларни Шарқ билан таништираётган нашрлардандир. Журнал муҳаррири Бритта Волленвебер хоним ўтган йили Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг ижтимоий-маданий ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган эди. Журналнинг бу йилги биринчи сонида «Ипак йўли бўйлаб» рукнида Марказий Осиё давлатлари жўғрофий харитаси берилди, тарихий шаҳарларимиз тўғрисида қизиқарли туркум мақолалар чоп этилди. Марказий Осиё халқлари маданиятлари ассамблеясининг раиси, машҳур адиб Чингиз Айтматов билан Б.Волленвебер хонимнинг суҳбатида қон-қариндош ўлкалар ўтмиши, бугуни ҳамда келажакдаги юксалиш жараёнлари тўғрисида фикр юритилади.

Р.Назировнинг «Ипак йўли бўйлаб», С. Мусаевнинг «Манас» эпосининг 1000 йиллиги», С. Қурбоновнинг «Исломий меъморчилик санъати», А. Шевяковнинг «Ўрта Осиё халқлари» сарлавҳали мақолалари мустақиллик йўлига чиққан ёш давлатлардаги ҳозирги ўзгаришлар тўғрисида овруполик китобхонларга тасаввур беради. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари Самарқанд ва Бухоро тўғрисида Йўлдош Парда, Тошкент ва Хива ҳақида Раҳимжон Отаев, Қўқон тўғрисида Тўра Мирзо ёзган мақолалар мазмундорлиги, қизиқарли маълумотларга бойлиги билан ажралиб туради. Дилдора Олимбековнинг мақоласида мустақиллик давридаги шарқ аёлларининг ижтимоий фаоллиги ортаётгани ҳақида ҳикоя қилинади.

Филология фанлари доктори Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб», таржимон Йўлдош Парданинг «Қизил, сариғ, яшил» мақолалари ҳам диққатга сазовор. Таниқли олима Шарқ ва Ғарб ўртасидаги қадимий маданий-адабий алоқалар тўғрисида фикр юритади. Йўлдош Парда эса овруполиларни улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди билан таништиради. Таржимон айни замонда мутафаккир шоиримизнинг машҳур ғазалларидан парчалар ҳам ўгирган.

«Восток» журналининг муҳаррири Бритта Волленвебер хоним яқинда яна Ўзбекистонга келди. Хоним Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адиблар билан учрашиб, уларни таҳририятнинг келгуси режалари билан таништирди. «Восток» жамоаси Оврупо ўқувчиларини замонавий Шарқ адабиёти асарлари билан таништиришга ҳам бел боғлаган. Келажакда Ўзбекистон мустақиллиги йилларида яратилган энг яхши ҳикоялар тўпламини чоп этиш кўзда тутилмоқда.

Сафтер НЎҒОЕВ

ҚОТИЛНИНГ АРМОНИ

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Кейинги вақтларда темирйўл транспорти воситалари йўловчилар билан анча тирбанд бўлиб қолди. Сабаби — биринчидан, поездга тўланадиган йўлкира ҳақи нисбатан арзон, айни чоғда, у узоқ сафарга отланганларнинг дам олиб кетишлари учун ўнғай. Иккинчидан, ҳозир ким кўп, шаҳарма шаҳар қатнаб, мол олиб-мол сотадиганлар, лўндароқ қилиб айтганда, ўзини тижоратчи-ю ишбилармон ҳисоблайдиганлар кўп. Улар учун ҳам темирйўл транспортидан-да қулайроқ улов йўқ. Ҳарқалай, поезд вақтида келади, вақтида жўнайди, юк кўп бўлса ҳам бемалол олиб кетаверади.

Шунданми, ҳозир ҳар бир бекатда, ҳар бир вагонда катта-катта тугуну сумка кўтарганларни, қоп ёки халта орқалаганларни кўплаб учратасиз. Уларнинг у ёқдан-бу ёққа бесаранжом елиб-югуришларини кўриб: «ҳамманиям ўзига яраша орзу-ҳаваси, тирикчилиги бор-да», — дейсиз. Аммо масаланинг бошқа бир жиҳатини жиддийроқ ўйлаб кўрсангиз, беихтиёр хушёр тортасиз. Негаки, темирйўлларда йўловчилар оқимининг кескин кўпайиши асносида турли кўринишдаги тартиббузарлигу қонунбузарликлар сони ҳам ўсиб бормоқда. Айниқса, юк поездларини талон-тарож қилиш, вагонларнинг ойналари ва жиҳозларини синдириш, фуқароларнинг шахсий мол-мулкларини ўғирлаб, жамиятга ва одамларга моддий-иқтисодий, ахлоқий-маънавий зарар-захмат етказишлар учрамоқда. Ҳатто, босқинчилик, зўравонлик, қотиллик каби мудҳиш жиноятлар ҳам рўй бермоқда. Бундай ножўя ишларга қўл ураётганлар орасида ҳали ўн гулидан бири очилмаган ёшлар ҳам борлиги эса ниҳоятда афсусланарлидир. Қуйидаги ҳикоямиз айнан шу хусусда.

... 1995 йилнинг 16 ноябр куни, кечки пайт эди. Юк ва йўловчилар вагонлари аралаш тиркалган 917 - «Қўнғирот — Тошкент» поезди Бухоро шоҳбекатига одатдагидай вазмин пишқириб кириб келди. У белгиланган майдончада тўхтар-тўхтамас, орқадаги 32-вагон томидан 20-25 ёшлар чамасидаги ярим яланғоч икки йигит сакраб тушди-ю, дуч келганлардан шоша-пиша нималарнидир сўрай бошлашди. Сўнгра, бир-бири билан бас бойлашгандай, транспорт ички ишлар бўлими жойлашган бино томонга югуриб кетишди.

Уларнинг қиёфалари ўта ташвишли, хатти-ҳаракатлари асабий, кийинишлари эса алланечук ғайриоддий эди. Аниқроғи, бирининг белидан юқорисида ҳеч нарса йўқ, иккинчиси эса фақат ички кийимда бўлиб, шимсиз ва оёқяланг эди. Табиийки, изғиринли кеч кузакда, боз устига, йўловчилар билан гавжум жойда эсли-ҳушли ҳеч бир одам бекордан-бекорга бундай аҳволда юрмайди. Мабодо, юрган тақдирида ҳам милицияга рўбарў бўлмайди. Афтидан, йигитлар поездда қандайдир йўлтўсарларга ёки ўғриларга дуч келишган. Охир-оқибат уст-бошларини, буюмларини олдириб қўйишгану милициядан ёрдам сўрашдан ўзга чоралари қолмаган.

Дарҳақиқат, ҳаял ўтмай бу тахмин рост бўлиб чиқди. Йигитлар М. З. ва М. Д.лар бўлиб, айтишларича, улар бундан бир неча кун муқаддам яна бир ҳамюртлари З. Р. билан бирга пул ишлаш мақсадида Туркманистонга боришган экан. Қайтишларида, одам кўплигидан, поездга чипта тополмабдилар. Бундоқ қарашса, бу йўналишдаги поезд вагонларининг устида йўловчилар бисёр эмиш. Улар ҳам ноиложликдан бошқалар йўлини тутишади. Ими-жимида 32-вагон томига тирмашиб чиқиб, жойлашиб олишади. Поезд Фороб шаҳрига етганда том устида авзойи бузуқ етти нафар «сайёҳ» пайдо бўлади. Улар аввалига арзимаган баҳоналарни рўкач қилиб, йўл-йўлакай уч ҳамроҳнинг роса жиғига тегишади. Кейин зўравонлик билан уларнинг кийим-кечакларини, буюмларини тортиб олиб, ўзларини калтаклашади. Пировардида, катта тезликда бораётган поезд Олот тумани ҳудудига яқинлашганда З.ни вагон томидан улоқтириб юборишади. Кўп ўтмай, ўзлари ҳам навбатма-навбат пастга сакраб тушиб қолишади...

М. билан М. босқинчиларнинг ташқи кўринишлари ва белгиларини эсларида қолганича айтиб беришди. Аммо ҳозир уларни ўз аҳволлари ҳам, зўравонларнинг қочиб қолганликлари ҳам эмас, балки З.нинг тақдири кўпроқ қизиқтирарди. Чунки поезд ҳеч ерда тўхтамай, Бухорога етиб келгунча, орадан бир соат ўтган, бу вақт ичида З.нинг аҳволи нима кечгани номаълум эди.

Тармоқ ички ишлар бўлимининг тезкор-қидирув гуруҳи аъзолари воқеадан огоҳ топган заҳотлариёқ зудлик билан ишга киришдилар. Биринчи навбатда З.га ёрдамга шошилдилар. Уни боши, бели, кўкрак қафаси оғир жароҳатланган ва беҳуш ҳолда топиб, туман марказий касалхонасига ётқиздилар.

Жиноятчиликда гумон қилинганларни ушлаб, ҳибсга олиш ҳам узоққа чўзилмади. Бу йигитлар Қоракўл, Олот туманлари ва қўшни Туркманистоннинг Чоржўй, Фороб шаҳарларини оралаб ўтувчи поездларда мудом тўдалашиб юравериб, темирйўлчиларга, бекатлар ишчи-хизматчиларига отнинг қашқасидай таниқли бўлиб қолишган экан. Баъзи кишилар уларни фожиа содир бўлган куни кечқурун ва эртаси Форобда кўрганликларини айтишди. Шундай қилиб, уч кун ичида жиноятчилардан олти нафари бирин-кетин қўлга олинди. Буни қарангки, босқинчиларнинг барчаси ҳали на бир оила қурган, на бир фарзанд кўрган, эндигина бор-йўғи ўн етти-йигирма бир ёшга қадам қўйган навқирон йигитлар бўлиб чиқишди. Юзлаштириш чоғида жабрланувчилар уларни бир қарашдаёқ танишди. Бироқ З. бундай кўргазма беролмади. У ҳушига келолмай, тўққиз кундан сўнг касалхонада ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Начора, жиноятнинг яхши-ёмони бўлмаганидек, жиноятчининг ҳам катта-кичиги бўлмайди. Қонун олдида барча баравар бўлиши, ҳар ким қилмишига яраша жазоланиши шарт. Ушбу жиноий иш 1996 йил 23 феврал — 11 апрел кунлари Бухоро вилоят судида кўриб чиқилди. Унда Бухоро транспорт прокурори Нутфилло Насриддинов давлат қораловчиси сифатида иштирок этди.

Алқисса, судя Ҳикмат Аҳмедов раислигидаги суд ҳайъати шундай ҳукм чиқарди: айбдорлардан Жасур Рўзиев ва Отабек Рўзиев олий жазога лойиқ деб топилдилар. Шокир Бешимовга ўн тўққиз йиллик, Акбар Қодировга ўн саккиз йиллик қамоқ жазоси белгиланди. Ўктам Ҳожиев билан Нодир Ўринов эса вояга етмаганликлари инобатга олинган ҳолда тегишли жазоларини олдилар. Айни чоғда, маҳкумларнинг барчасининг мол-мулки давлат фойдасига мусодара қилинди. Уларнинг туркманистонлик еттинчи шерикларини жазога тортиш учун қидирув ишлари давом этаётганлиги қайд этилди.

Табиий, энди савол туғилади: хўш, бу жиноятчилар кимлар ўзи? Эҳтимол, улар билиб-билмаган ҳолда қабоҳатга қўлургандирлар? Эҳтимол, қилмишлари оқибати фожиа билан тугашини мутлақо хаёлларига келтирмагандирлар? Бордию, шундай бўлса, суд ҳайъати нима учун бу қадар қатъий ҳукм чиқарди?

Бу хусусда қанча фикр юритманг, барибир, суд ҳукмига эътироз билдиролмайсиз. Маҳкумларнинг шахси, турмуш тарзи, ножўя хатти-ҳаракатлари билан танишсангиз, бор гапни ўзингиз тушуниб оласиз. Ҳамма бало шундаки, бу ёшларнинг айримлари ўсмирлигиданоқ хато йўлга кириб қолишган. Қилмишларининг мудҳиш оқибатини олдиндан яхши билишган. Шунга қарамай, инсон тақдири билан ўйнашишдан ўзларини тия олишмаган. Мана, масалан, Нодир Ўриновни олайлик. У 1978 йили Олот туманида туғилган. Ўн олти ёшида поездда босқинчилик қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят мажмуининг 127-моддаси бўйича судланган, беш йилга кесилган. Бироқ ҳали вояга етмаганлиги боис афв этиш тўғрисидаги фармонга мувофиқ гунохи кечирилган. Таассуфки, шундан кейин ҳам у қилмишидан тўғри хулоса чиқариб олмаган. Бирор ишга ёки ўқишга кирмаган. Аксинча, худди ўзи сингари муқаддам безорилиги учун судланган, жазо муддатини ўтаб бўлгач, «бекорчихўжалик» қилиб юрган олотлик тенгқурлари — Жасур ва Шокир билан ўрток тутинган. Шу аснода ҳеч жойда ишламайдиган, ўқимайдиган олотлик Акбарни, қоракўллик Отабек ва Ўктамни ҳамда ҳозирда қидирувда бўлган туркманистонлик йигитни ўз тўдасига қўшиб олган. Қисқаси, ёш эса-да, етти оғайнига бош бўлиб, поездма поезд, шаҳарма шаҳар санқиб юраверган.

Жиноий ишдаги далил ва ҳужжатларга қараганда, З.Р.нинг ўлими билан боғлиқ машмашанинг ташкилотчиси ҳам, бошловчиси ҳам айнан Нодир бўлган. У дастлаб йигитларга: «Оёқларингни йиғиштириб ўтиринглар», деб тегажоқлик қилади. М.З.ни муштлаб, бўғади. Шериклари кўмагида унинг эгнидаги камзулини, кўйлагини, майкасини ечиб, сумкаси ва бошқа нарсаларини тортиб олади. Худди шундай усул билан М. Д.нинг чийдухоба шимини, майкасини, туфлисини, пули ва буюмларини ҳам «ўлжа» туширади. Ниҳоят, навбат З.га етади. Нодир унинг бўғзига пичоқ тирайди, сумкасини юлқиб олаётиб, ўзини пўлат арқон билан уради. Жасур ҳам Нодирдан ортда қолмайди. Пайтдан фойдаланиб З.нинг бошига омбир билан туширади. Ваҳшийлар бу билан ҳам кифояланишмайди. Қонга беланган З.ни биратўла тинчитиб қўя қолиш мақсадида поездан итариб юборишади...

Энди бундан ҳам даҳшатлисини эшитинг. Одатда судларда бирор оғир жиноят ишини кўриб чиқиш ниҳоясига етиб, ҳукм ўқилаётганда ғалати вазиятлар юзага келади. Бундай лаҳзаларда аввалига ўзини мағрур тутиб, ҳақиқат олдида унча-мунчага бўйин эгмаган ашаддий қотиллар ҳам талвасага тушиб қоладилар. Баъзилари олий жазони ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилгани ҳақидаги ҳукмни эшитибоқ эс-ҳушларини йўқотиб қўядилар. Айримлари эса қилмишларидан минг бор пушаймон бўлиб, бош чангаллайдилар, дод-фарёд кўтарадилар. Ёхуд суд ҳайъатидан, жабрланувчию даъвогарлардан, одамлардан кечирим сўраб, ялиниб-ёлворишади. Ана шундай кезларда ҳар қандай одам учун ҳам жон ширинлигини, тинчгина, озод-эркин ҳаёт кечириш нақадар буюк бахт эканлигини яна бир карра дилдилдан ҳис этасиз. Ҳатто, одамгарчиликка бориб, ким бўлишларидан қатъи назар, қора курсида ўтирганларга ачинасиз. Беихтиёр: «Ҳай, аттанг, шулар ҳам аслида ўзимизга ўхшаган одамлар-ку, ўз ҳаётларини ўзлари барбод қилишди-я», — дея афсус ила бош чайқайсиз.

Шу жиҳатдан олганда, ушбу жиноий иш юзасидан ҳукм ўқилаётганда айбдорларга чин юракдан ачиниб қараганлар ҳам бор бўлганига шубҳа йўқ. Бироқ уларнинг ўзлари-чи? Бу тошбағирликни, бу баттолликни қарангки, улар жиноятлари қурбони ҳақида гўёки пашша ўлдиргандай бепарво сўзлашди. Ҳукмни ҳам ўта лоқайдлик ва совуққонлик билан тинглашди. Юз-кўзларида деярли ўзгариш сезилмади. Муз қотган кўнгилларини жилла қурса, ота-оналарининг, қариндош-уруғларининг аламли кўз ёшлари ҳам эритолмади. Буям майли, аммо суд тугаб, маҳкумларни олиб чиқиб кетишаётганда улардан бири ўз армонини қандай ифодалаганини биласизми? У жабрланувчилар М. З. ва М. Д.ни назарда тутган ҳолда: «Аслида буларни ҳам тинчитишимиз керак экан, шундай қилсак, гувоҳ қолмасди, ошиғимиз олчи буларди», дея сурбетларча тўнғиллади.

Бу гапларни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Жиноят тафсилотларини қайта-қайта эслаб, даҳшатга тушасиз: наҳотки, бу ёшлар одамийликдан шу қадар йироқ бўлишса, наҳотки, ўлимдан ҳам, бировни ўлдиришдан ҳам қўрқишмаса? Бу нимадан? Уларга нима етишмайди, кўнгиллари яна нималарни тусайди? Бунисини билмадик, лекин бошқа бир аччиқ ҳақиқатни рўй-рост эътироф этишимиз шарт! Фожианинг замирида аслида биз катталарнинг лоқайдлигимиз, фарзандлар тарбиясига бирмунча бепарволигимиз ҳам бор.

Тўғри, ҳозир айбдорларнинг ота-оналарига, жигаргўшаларига осон тутиб бўлмайди. Оддий, ўртаҳол хонадонлар соҳиби бўлмиш бу кишиларнинг эндиги ғам-андуҳлари, афсус-надоматлари ўзларига етарли. Қолаверса, бошқалар қатори улар ҳам ҳеч қачон зурриётларининг жиноят кўчасига киришларини, оилалари шаънига иснод келтиришларини мутлақо истамаган. Бироқ суд жараёнида шу нарса аён бўлдики, кейинчалик улар турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб, болалари хатти-ҳаракатларини назардан четда қолдиришган. Бора-бора уларнинг вақти бемаҳал турли жойларда санқиб юришларига ҳам кўникиб кетишган. Шунданми, баъзи бирлари лоақал судга ҳам келишмади, бирров бўлса-да, болалари қандай жиноятга қўл урганлиги-ю қандай жазо олаётганликлари билан ҳам қизиқишмади.

Бошқалар-чи? Ён-атрофдагилар, маҳалла-кўйдагилар-чи? Бу ёшларнинг бежо қилиқларидан, саёқ юришларидан бехабармидилар? Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари вакиллари аввал судланганлар яна жиноят қилишга мойил бўлишларини, шу ниятда ўзгаларни ҳам ўзларига шерик қилиб олишлари мумкинлигини билмасмидилар? Шубҳасиз, билганлар, кўрганлар. Фақат уларда битта кайфият устунлик қилган. Аниқроғи, ҳаммамизга хос «Менга нима» деган иллат ғолиб чиққан. Бунинг оқибатини эса, мана, кўриб турибсиз.

Энди буёғи нима бўлади? Жиноятчилар жазо муддатини ўтаб қайтишгач, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишармикин? Борди-ю, аксинча бўлса-чи? Алқисса, олдимизга битта саволни кўндаланг қўйишса-чи? «Бизлар-ку, ўшанда ёшлигимизга бориб, хато қилибмиз. Сизлар-чи? Сизлар кўпчилик эдингизлар, катта куч ҳисобланардингизлар, нега бизни вақтида тўғри йўлга солмадингизлар», дейишса-чи? Нима деб жавоб қайтарамиз? Афсус, бу ҳақда тайинли гап айтиш қийин, жуда қийин!..

Ҳакимжон ЮНУСОВ,
нақлиёт ички ишлар бошқармаси ходими, милиция катта лейтенанти,
Абдунаби ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»нинг махсус мухбири

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир —Мукаррама МУРОД қизи

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0249. Ҳажми — 4 босма табоқ. Тиражи—10843. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6